



# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

ВЕСТНИК ЮРИСТА \* LAWYER HERALD

ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ, ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ



CYBERLENINKA



НАУЧНАЯ ЭЛЕКТРОННАЯ  
БИБЛИОТЕКА  
LIBRARY.RU



ISSN 2181-9416

Doi Journal 10.26739/2181-9416

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

1 СОН, 1 ЖИЛД

---

## ВЕСТНИК ЮРИСТА

НОМЕР 1, ВЫПУСК 1

---

## LAWYER HERALD

VOLUME 1, ISSUE 1



TOSHKENT-2020

**ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ**  
**ҳуқуқий, ижтимоий, илмий-амалий журнали**  
№1 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2020-1>

**Бош муҳаррир:**  
**Раҳматов Анвар Исламович**  
Адлия вазирлиги қошидаги  
Юристлар малакасини ошириш  
маркази директори

**Бош муҳаррир ўринбосари:**  
**Отажонов Абдоржон Анварович**  
Адлия вазирлиги қошидаги  
Юристлар малакасини ошириш  
маркази директори ўринбосари,  
юридик фанлар доктори, профессор

**ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ЖУРНАЛИ**  
**ҳуқуқий, ижтимоий, илмий-амалий журнали**  
**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

**Одилқориев Ҳожимурод Тўхтамуродович**

*Юристлар малакасини ошириш маркази кафедра  
мудири, юридик фанлар доктори, профессор*

**Окюлов Омонбой**

*Юристлар малакасини ошириш маркази  
профессори, юридик фанлар доктори,  
профессор, Ўзбекистон Республикасида  
хизмат кўрсатган юрист*

**Саидова Лола Абдувахитовна**

*Юристлар малакасини ошириш маркази кафедра  
мудири, юридик фанлар доктори*

**Тошев Бобокул Норқобилович**

*Юристлар малакасини ошириш маркази кафедра  
мудири, юридик фанлар доктори*

**Аюбов Улугбек Тулаганович**

*Юристлар малакасини ошириш маркази доценти,  
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган  
юрист, юридик фанлар номзоди, доцент*

**Мамасиддиқов Музаффаржон Мусаҷонович**

*Бош Прокуратура Академияси Марказ бошлиғи,  
юридик фанлар доктори, профессор*

**Отаҳонов Фозилжон Хайдарович**

*Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси  
ҳузуридаги Халқаро тиҷорат арбитраж (ҳакамлик)  
суди раиси, юридик фанлар доктори (DSc), доцент*

**Исроилов Боҳодир Ибрагимович**

*Юристлар малакасини ошириш маркази  
кафедраси мудири, иқтисод фанлар доктори,  
профессор*

**Масъул Котиб:**

**Раҳманов Шухрат Наимович**

*Юристлар малакасини ошириш маркази доценти,  
юридик фанлар номзоди*

**Саҳифаловчи:** Шаҳрам Файзиев

**Контакт редакцији журнали:**  
100001, город Ташкент, улица Катта Дархон, 6.  
WEB: [yuristjournal.uz](http://yuristjournal.uz)  
E-mail: [info@yuristjournal.uz](mailto:info@yuristjournal.uz)  
[yuristjournal@gmail.com](mailto:yuristjournal@gmail.com)  
Телефон: (+99898) 0000341

**Contact Editorial Staff**  
100001, Katta Darhon str. 6, Tashkent, Uzbekistan  
WEB: [yuristjournal.uz](http://yuristjournal.uz)  
E-mail: [info@yuristjournal.uz](mailto:info@yuristjournal.uz)  
[yuristjournal@gmail.com](mailto:yuristjournal@gmail.com)  
Telephone: (+99898) 0000341

Общественно-правовой и научно-практический журнал  
**ВЕСТНИК ЮРИСТА**

№1 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2020-1>

**Главный редактор:**

**Рахматов Анвар Исламович**

Директор Центра повышения квалификации юристов при Министерстве юстиции

**Заместитель главного редактора:**

**Отажонов Абдоржон Анварович**

Первый заместитель директора Центра повышения квалификации юристов при Министерстве юстиции, доктор юридических наук, профессор

**РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ:**

**Общественно-правового и научно-практического журнала  
ВЕСТНИК ЮРИСТА**

**Адилкариев Хожимурод Тўхтамуродович**

*Заведующий кафедрой Центра повышения квалификации юристов, доктор юридических наук, профессор*

**Окюлов Омонбой**

*Профессор Центра повышения квалификации юристов, доктор юридических наук, профессор, Заслуженный юрист Республики Узбекистан*

**Саидова Лола Абдувахитовна**

*Заведующая кафедрой Центра повышения квалификации юристов, доктор юридических наук*

**Тошев Бобокул Норкobilович**

*Заведующий кафедрой Центра повышения квалификации юристов, доктор юридических наук*

**Исроиллов Боходир Ибрагимович**

*Заведующий кафедрой Центра повышения квалификации юристов, доктор экономических наук, профессор*

**Аюбов Улугбек Тулаганович**

*Доцент Центра повышения квалификации юристов, Заслуженный юрист Республики Узбекистан, кандидат юридических наук, доцент*

**Мамасиддиқов Музаффаржон Мусажонович**

*Начальник Центра Академии Генеральной Прокуратуры, доктор юридических наук, профессор*

**Отахонов Фозилжон Хайдарович**

*Председатель Международного коммерческого арбитражного суда при Торгово-промышленной палате, доктор юридических наук, доцент*

**Ответственный секретарь:**

**Рахманов Шухрат Наимович**

*Доцент Центра повышения квалификации юристов, кандидат юридических наук*

**Верстка:** Шахрам Файзиев

**Контакт редакции журнала:**

100001, город Ташкент, улица Катта Дархон, 6.  
WEB: [yuristjournal.uz](http://yuristjournal.uz)  
E-mail: [info@yuristjournal.uz](mailto:info@yuristjournal.uz)  
[yuristjournal@gmail.com](mailto:yuristjournal@gmail.com)  
Телефон: (+99898) 0000341

**Contact Editorial Staff**

100001, Katta Darhon str. 6, Tashkent, Uzbekistan  
WEB: [yuristjournal.uz](http://yuristjournal.uz)  
E-mail: [info@yuristjournal.uz](mailto:info@yuristjournal.uz)  
[yuristjournal@gmail.com](mailto:yuristjournal@gmail.com)  
Telephone: (+99898) 0000341



**Public, legal and scientific-practical journal of  
LAWYER HERALD**

№1 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2020-1>

**Chief Editor:  
Rakhmatov Anvar**

Director of the Lawyers' Training Center  
under the Ministry of Justice

**Deputy Chief Editor:  
Otajonov Abrorjon**

First Deputy Director of the Lawyers' Training  
Center under the Ministry of Justice, Doctor of  
Law Sciences, Professor

**EDITORIAL BOARD**

**Public, legal and scientific-practical journal of  
LAWYER HERALD**

**Adilkariyev Khojimurat**

*Head of the Department at the Lawyers' Training  
Center, Doctor of Law Sciences, Professor*

**Oqyulov Omonboy**

*Professor at the Lawyers' Training Center, Doctor of  
Law Sciences, Professor, Honored Lawyer of the  
Republic of Uzbekistan*

**Saidova Lola**

*Head of the Department at the Lawyers' Training  
Center, Doctor of Law Sciences*

**Toshev Bobokul**

*Head of the Department at the Lawyers' Training  
Center, Doctor of Law Sciences*

**Israilov Bokhodir**

*Head of the Department at the Lawyers' Training  
Center, Doctor of Economics, Professor*

**Ayubov Ulugbek**

*Senior Lecturer at the Lawyers' Training Center,  
Candidate of Juridical Sciences, Associate  
Professor, Honored Lawyer of the Republic of  
Uzbekistan*

**Mamasiddikov Muzaffarjon**

*Head of the Center of the Academy of the General  
Prosecutor's Office, Doctor of Law Sciences, Professor*

**Otaxonov Foziljon**

*Chairman of the International Commercial  
Arbitration Court at the Chamber of Commerce  
Doctor of the Science of Law, Associate Professor*

**Executive Editor:  
Rakhmanov Shukhrat**

*Senior Lecturer at the Lawyers' Training Center,  
Candidate of Juridical Sciences*

**Pagemaker:** Shakhram Fayziev

**Контакт редакции журнала:**

100001, город Ташкент, улица Катта Дархон, 6.  
WEB: [yuristjournal.uz](http://yuristjournal.uz)  
E-mail: [info@yuristjournal.uz](mailto:info@yuristjournal.uz)  
[yuristjournal@gmail.com](mailto:yuristjournal@gmail.com)  
Телефон: (+99898) 0000341

**Contact Editorial Staff**

100001, Katta Darhon str. 6, Tashkent, Uzbekistan  
WEB: [yuristjournal.uz](http://yuristjournal.uz)  
E-mail: [info@yuristjournal.uz](mailto:info@yuristjournal.uz)  
[yuristjournal@gmail.com](mailto:yuristjournal@gmail.com)  
Telephone: (+99898) 0000341

**ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ. ҲУҚУҚИЙ  
ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ**

**1.ОДИЛҚОРИЕВ Хожимурод Тўхтамурадович**  
ТОЖДОР ВИРУС ПАНДЕМИЯСИ ШАРОИТИДА ДАВЛАТ ВА  
ҲУҚУҚ ФУНКЦИЯЛАРИНИНГ НАМОЁН БЎЛИШ  
ХУСУСИЯТЛАРИ.....9

**КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ. МОЛИЯ  
ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ**

**1.ИСМАЙЛОВ Баходир Исламович**  
РОЛЬ МЕЖДУНАРОДНЫХ РЕЙТИНГОВ И СИСТЕМ ОЦЕНКИ  
В ПОВЫШЕНИИ ЭФФЕКТИВНОСТИ ГОСУДАРСТВЕННОГО  
УПРАВЛЕНИЯ.....19

**2.ЮЛДАШЕВ Джахонгир Хайитович**  
"ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФУҚАРОЛИГИ  
ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚОНУННИНГ ЎЗБЕКИСТОН  
ФУҚАРОЛИГИНИ ОЛИШ АСОСЛАРИ ВА ШАРТЛАРИНИ  
БЕЛГИЛОВЧИ АЙРИМ НОРМАЛАРИ ТАҲЛИЛИ.....26

**ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА  
ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ**

**1.ҲАМРОҚУЛОВ Баходир Мамашарифович**  
ИТАЛИЯ ВА БЕЛЬГИЯДА МАЪНАВИЙ ЗИЁННИ  
ҚОПЛАШҚОНУНЧИЛИГИ ВА СУД АМАЛИЁТИ.....32

**2.ОЧИЛОВ Бехзод Эргашович**  
ВНЕДРЕНИЕ ЭФФЕКТИВНЫХ ДОГОВОРНЫХ ФОРМ  
ПРИВЛЕЧЕНИЯ ИНВЕСТИЦИЙ В ДОБЫВАЮЩИЕ  
ОТРАСЛИ ЭКОНОМИКИ РЕСПУБЛИКИ  
УЗБЕКИСТАНА.....39

**ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ИҚТИСОДИЙ  
ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ҲАКАМЛИК ЖАРАЁНИ ВА  
МЕДИАЦИЯ**

**1.САИДОВ Мақсудбек Норбоевич**  
КОРПОРАТИВ НИЗОЛАР БЎЙИЧА ИШНИ СУД  
МУҲОКАМАСИГА ТАЙЁРЛАШНИНГ АЙРИМ  
МАСАЛАЛАРИ.....49

**СУД ҲОКИМИЯТИ. ПРОКУРОР НАЗОРАТИ. ҲУҚУҚНИ  
МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ**

**1. ОТАЖОНОВ Аброржон Анварович**  
ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИ УСТИДАН  
ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ  
ОБЪЕКТИ ВА СУБЪЕКТЛАРИ.....57

**ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ, ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ  
ОЛИШ. КРИМИНОЛОГИЯ. ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ ҲУҚУҚИ**

**1. РАСУЛЕВ Абдулазиз Каримович**  
ПРОТИВОДЕЙСТВИЕ КИБЕРПРЕСТУПНОСТИ:  
СОВРЕМЕННЫЕ ПОДХОДЫ ПО ПОДГОТОВКЕ КАДРОВ.....68

**2. ҚАЛАНДАРОВ Мақсуд Махмудович**  
ЎҚОТАР ҚУРОЛ, ЎҚ-ДОРИЛАР, ПОРТЛОВЧИ МОДДАЛАР  
ЁКИ ПОРТЛАТИШ ҚУРИЛМАЛАРИНИ ФАЙРИҚОНУНИЙ  
МУОМАЛАСИ УЧУН ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИКНИНГ  
ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ.....73

**3. ТАДЖИБАЕВА Дилдора Абдурахимовна**  
ПЕНИТЕНЦИАР МУАССАСАЛАР МАҲКУМЛАР  
ЖИНОЯТЧИЛИГИ ПРОФИЛАКТИКАСИНИ  
ТАККОМИЛЛАШТИРИШГА ОИД АМАЛИЁТДА УЧРАЁТГАН  
МУАММОЛАР.....82

**ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ. КРИМИНАЛИСТИКА, ТЕЗКОР-  
ҚИДИРУВ ҲУҚУҚ ВА СУД ЭКСПЕРТИЗАСИ**

**1. NE'MATOV Jasur Aminjonovich, SIDIKOVA Feruza Khayrullaevna**  
PURPOSE AND FEATURES OF METHODOLOGY FOR  
INTERROGATION IN CRIMINAL PROCEEDINGS.....95

**2. МУМИНОВ Бехзод Абдувахобович**  
ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ИШНИ СУДГА ҚАДАР ЮРИТИШ  
УСТИДАН СУД НАЗОРАТИНИНГ ХАЛҚАРО  
ТАЖРИБАСИ.....104

**ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ**

**1. РАХМАНОВ Шухрат Наимович**  
СОВРЕМЕННЫЕ ПРОБЛЕМЫ ПРИМЕНЕНИЯ ПРИВИЛЕГИЙ  
И ИММУНИТЕТОВ: НА ПРИМЕРЕ ПРЕДСТАВИТЕЛЬСТВ  
ГОСУДАРСТВ ПРИ МЕЖДУНАРОДНЫХ  
ОРГАНИЗАЦИЯХ.....111

<b>2.КАЮМОВ Фаррух Толибжонович</b> ПРАВОВАЯ РЕГЛАМЕНТАЦИЯ МЕЖДУНАРОДНОЙ СПОРТИВНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ.....	121
---	-----

### **ЮРИДИК ХИЗМАТ, АДВОКАТУРА, НОТАРИ**

<b>1.ДАВЛЯТОВ Валишер Хакимжанович</b> АДВОКАТЛИК ТУЗИЛМАЛАРИНИНГ ШАКЛИ СИФАТИДА АДВОКАТЛАР ҲАЙЪАТИ ВА АДВОКАТЛИК ФИРМАСИ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ.....	126
--	-----

### **ҲУҚУҚИЙ АМАЛИЁТ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА**

<b>1.ВАКНРАМОВА Mokhinur Bakhramovna</b> ARBITRATION AND LITIGATION IN THE UAE: ADVANTAGES OF ARBITRATION IN COMPARISON TO LITIGATION.....	134
--	-----



# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

## ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ. ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ

**ОДИЛҚОРИЕВ Хожимурод Тўхтамуратович,**  
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристар  
малакасини ошириш маркази кафедра мудири,  
юримдик фанлар доктори, профессор

### ТОЖДОР ВИРУС ПАНДЕМИЯСИ ШАРОИТИДА ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ ФУНКЦИЯЛАРИНИНГ НАМОЁН БЎЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

**For citation** (иктибос келтириш учун, для цитирования): ОДИЛҚОРИЕВ Х.Т.  
ТОЖДОР ВИРУС ПАНДЕМИЯСИ ШАРОИТИДА ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ  
ФУНКЦИЯЛАРИНИНГ НАМОЁН БЎЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИ // Юрист  
ахборотномаси - Вестник юриста - Lawyer herald. № 1 (2020), Б.9-18.

 №1 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2020-1-1>

#### АННОТАЦИЯ

Мақолада фавқулудда дунё давлатлари ва халқларига катта талофат етказаётган Covid-19 пандемияси шароитида Ўзбекистон давлати, унинг раҳбарияти амалга ошираётган тезкор чора тадбирлар, саъй-ҳаракатларнинг ҳуқуқий жиҳатлари, жумладан, давлат ва ҳуқуқнинг шу эҳтиёж туфайли вужудга келган функциялари таҳлил этилган. Унда давлат ва ҳуқуқнинг аҳоли соғлиғини сақлаш, уни ижтимоий ҳимоялаш, жамиятда қонун устуворлиги ва ҳуқуқий тартиботни таъминлаш борасидаги ташкилотчилик, тартибга солиш ва муҳофазалаш борасидаги функциялари амалий мисоллар ҳамда фактлар таҳлили асосида кўрсатиб берилган.

**Таянч сўз ва иборалар:** "Covid-19" пандемияси, тождор инфекцияга қарши кураш, давлат функциялари, ҳуқуқнинг функциялари, ижтимоий муҳофаза, жамоат хавфсизлигини таъминлаш, қонун ижодкорлиги, ҳуқуқий шакл ва воситалар.

**АДИЛҚАРИЕВ Ходжимурат Тухтамуратович,**  
Заведующий кафедрой Центра повышения квалификации юристов при  
Министерстве юстиции Республики Узбекистан,  
доктор юридических наук, профессор

### ОСОБЕННОСТИ ПРОЯВЛЕНИЯ ФУНКЦИЙ ГОСУДАРСТВА И ПРАВА В УСЛОВИЯХ ПАНДЕМИИ КОРОНАВИРУСА

#### АННОТАЦИЯ

В статье анализируются функции государства и права, возникшей в результате создавшейся чрезвычайной ситуации из-за распространения в мировом масштабе пандемии "Covid-19", а также экстренные меры, предпринятые государством и руководством Узбекистана. В ней на основе анализа реальных фактов и практических примеров раскрывается содержание организаторских, регулирующих и охранительных функций государства и права по охране здоровья населения, его социальной защите обеспечения верховенства закона и правопорядка.

**Ключевые слова и выражения:** пандемия "Covid-19", борьба против инфекции коронавируса, функции государства, функции права, социальная защита, обеспечение общественной безопасности, законотворчество, правовые формы и средства.

**ADILKARIYEV Khodjimurat,**

Head of the Department at the Lawyers' Training Center under the Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan, Doctor of Law Sciences, Professor

## FEATURES OF THE MANIFESTATION OF FUNCTIONS OF THE STATE AND LAW UNDER THE CONDITIONS OF THE CORONAVIRUS PANDEMIC

### ANNOTATION

The article analyzes the functions of the state and the law that arose because of the emergency due to the worldwide spread of "the Covid-19" pandemic, as well as emergency measures taken by the state and the leadership of Uzbekistan. Based on real facts and practical examples, it reveals the content of the organizational, regulatory and protective functions of the state and the right to protect public health, its social protection of the rule of law and law and order.

**Key words and expressions:** "Covid-19" pandemic, fight against Coronavirus infection, state functions, legal functions, social protection, ensuring public safety, lawmaking, legal forms and means.

Умумбашарий миқёсдаги жараёнлар, инсоният тараққиётининг талаб-эҳтиёжлари, ижтимоий инқилоб ва бўҳронлар, глобал хавф-хатарлар дунё мамлакатлари, халқлари ва давлатлари учун ҳамиша ўзига хос чорлов-синов ҳисобланади. Табиийки, мазкур омиллар давлатларнинг ички иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва бошқа функциялари мазмунини белгилашга, уларнинг ҳуқуқий жиҳатдан шаклланишига ва қонунчилик даражасида расмийлашувига бевосита таъсир кўрсатади. Шунингдек, бундай омиллар мамлакатларнинг ҳуқуқий ва қонунчилик тизимлари қарор топиши жараёнларига ҳам дахл қилади.

Маълумки, ўтган асрнинг ўрталаридан эътиборан дунё миқёсида атроф-табиий муҳитни асраш, уни муҳофаза этиш масалалари умумжаҳон аҳамиятига эга бўлиб қолди. Шунга кўра, кўплаб давлатларда экологик функцияни бажариш йўлга қўйилди, у алоҳида функция сифатида ажралиб чиқди. Тегишли қонунчилик базаси шаклланди, қатор давлатларда Экология кодекслари, табиатни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий механизмларини акс эттирувчи махсус қонунлар юзага келди. Демак, барча давлатлар ва уларнинг ҳуқуқий тизими анъанавий функциялардан ташқари, давр талабларидан ва мамлакатлар олдида турган устувор мақсад ҳамда вазифалардан келиб чиқиб, жамиятнинг айна замондаги манфаат-эҳтиёжларини акс эттирувчи янги функцияларни адо этиш ҳам кун тартибига чиқиши мумкин. Гап 2020 йил бошларида коронавирус инфекцияси тарқалиши туфайли бутун дунёда юзага келган ялпи умумий пандемия ҳақида бормоқда. Ушбу кўринмас бало 2019 йил декабрида Хитойнинг Ухан шаҳрида пайдо бўлиб, яшин тезлигида

сайёрамиздаги деярли барча давлатларга ёйилди. Унга қарши кураш бутун дунё халқларининг умумий ташвишига айланди. Яъни, давлатлар пандемия тарқалишининг олдини олиш ва унга қарши кураш функциясини бажариши лозим бўлиб қолди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти коронавирус билан боғлиқ вазият бўйича халққа қилган дастлабки мурожаатида (18 март 2020 йил) қуйидагиларни таъкидлади: "Бугунги кунга келиб ушбу хавfli инфекция 160 дан зиёд мамлакатларда тарқалди. Дунё миқёсида касалланганлар сони 190 минг нафарга етди, 7,5 минг ўлим ҳолати қайд этилди, 81 минг бемор бўлган шахслар тузалди [1]. Эпидемия кенг ёйилиб кетганлиги туфайли Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти уни **пандемия** деб эълон қилди.

Бутун дунёда эпидемия таҳликали тус ола бошлади. Мамлакатимизда ҳам бу касаллик тарқалишининг олдини олиш, хасталикка чалинганларни самарали даволашни ташкил этиш, зарарли оқибатларига қарши кураш мақсадида 2020 йил 19 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони қабул қилинди [2]. Ушбу ҳужжатга асосан, Бош вазир раислигида Ўзбекистон Республикасига коронавируснинг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш бўйича республика махсус комиссияси ташкил этилди; Инқирозга қарши курашиш Жамғармаси (10 трлн. сўм маблағли) шакллантирилди. Мамлакатда карантин ҳолати жорий этилиб, унинг қатъий шартлари матбуотда эълон қилинди.

Мамлакатимизда коронавирус қайд этилган илк куни, яъни 16 мартдан бошлаб барча таълим муассасаларидаги 8 миллион 300 минг нафар фарзандларимизга таътил берилди. 80 минг талаба ўз яшаш жойларига жўнатилди (Халқ сўзи, 2020 йил 30 апрель).

Машъум балога қарши курашиш зарурияти давлатимизнинг ҳам тегишли функцияси қарор топишига туртки бўлди. Зеро, давлат ва ҳуқуқ функциялари ўз табиатига кўра объектив ҳодисадир. Улар жамият ва давлат тараққиётининг қонуниятлари ҳамда эҳтиёжлари билан чамбарчас боғлиқ ҳолда мавжуд бўлади. Давлат давр тақозо этган, зарурият боис юзага келган муаммоларни ҳал этиш, масалаларни ечишга йўналтирилган функцияларни бажаришга мажбур бўлади. Жаҳон миқёсида вужудга келган коронавирус пандемияси ана шундай фавқулодда зарурият (ҳолат) бўлиб, давлатлар ва ҳуқуқий тизимлар олдига тегишли зарурий шошилиш функцияларни бажариш вазифасини қўндаланг қилди.

Вазиятдан келиб чиқиб, Ўзбекистонда ҳам қисқа муддатларда Ҳукуматнинг ва бошқа давлат органларининг ушбу вазиятга боғлиқ вазифалари белгиланди; жумладан, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тегишли тузилмалари ва эпидемиологик, вирусология, санитария ва бошқа тузилмаларнинг фаолияти мослаштирилди, ушбу функцияни бажаришга сафарбар этилди. Бу ишларга дастлаб қарийб 5,5 минг нафардан зиёд тиббиёт ходимлари жалб этилди [3]; Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардия, Божхона қўмитаси, Солиқ қўмитаси, Ўзбекистон ҳаво йўллари, Ўзбекистон темир йўллари, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, таълим вазирликлари, мактабгача таълим муассасалари, жойлардаги барча давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тождор вирусга қарши кураш талаб ҳамда эҳтиёжларига мувофиқлаштирилди.

Шунингдек, Фармон билан мазкур функция доирасига кирувчи вазифалар: коронавирус тарқалишининг олдини олиш, шифохоналарни дори-дармон, ҳимоя ва диагностика воситалари билан таъминлаш, карантин харажатларини ўз вақтида

молиялаштириш зарурлиги кабилар таъкидланди. Касалланганларни ўз вақтида аниқлаш ва профилактикага эътиборни кучайтириш, бунинг учун барча ҳудудий юқумли касалликлар шифохоналарини экспресс-тестлар билан таъминлаш муҳимлиги қайд этилди. Соғлиқни сақлаш, Ички ишлар вазирликлари ва Миллий гвардияга карантинга олинган фуқаролар назоратини таъминлаш юклатилди.

Коронавирус таъсири энг юқори бўлган иқтисодиёт тармоқларига солиқ таътиллари ва кредит қарзлари бўйича имтиёзлар бериш, бюджет ссудалари ажратиш юзасидан аниқ вазифалар белгиланди.

Тезкор равишда туризм, меҳмонхона бизнеси, транспорт-логистика соҳаси, умумий овқатланиш тизими, ташқи савдо корхоналарини иқтисодий ва молиявий қўллаб-қувватлаш чоралари белгиланди. Шу боис ушбу корхоналарнинг кредит муддатларини узайтириш, туристик йиғимлар ундиришни вақтинча тўхтатиш бўйича кўрсатмалар берилди. Ҳокимларга иқтисодий қийинчиликка дуч келган корхоналардан маҳаллий солиқларни ундиришни 6 ойгача кечиктириш ваколати берилди. Давлатимиз раҳбари қайд этганидек, пандемия сабабли фаолиятини тўхтатган тадбиркорларга банклар орқали фоизсиз бюджет ссудалари ажратилди.

Шунингдек, якка тартибдаги тадбиркорлардан олинадиган даромад солиғи, фермерларнинг сув солиғи 50 фоизга камайтирилди. Бунда маҳаллий бюджетдаги йўқотишлар республика бюджетидан қоплаб берилди. Умуман, иқтисодиётни ва фуқароларни янада қўллаб-қувватлаш учун давлат бюджетидан қўшимча 2 триллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди (Президентнинг 2020 йил 13 майдаги видеомулоқоти чоғида таъкидланди). Фермер хўжаликлари ва кичик бизнесменларнинг ижтимоий солиқ ставкалари (май-июнь ойларида) 12 фоиздан 1 фоизга туширилиши эвазига 260 мингдан ортиқ корхона ва фермер хўжаликлари жами 650 миллиард сўм маблағларини тежаш имконига эга бўлдилар [4].

Йил якунига қадар солиқ текширувларига мораторий эълон қилинди ва қийналган корхоналарга солиқ қарзлари учун пеня ҳисоблаш тўхтатилди. Бундай қийин шароитда тадбиркорни бирорта текширувчи безовта қилмаслиги белгиланди.

Халқаро савдодаги вазиятни инобатга олиб, экспорт-импорт бўйича кечиктирилган қарздорликка жарима қўлламаслик, "яшил йўлак"лардан маҳсулот ўтказишни кўпайтириш, юк ташишда юзага келаётган масалаларни тезкор ҳал этиб бориш бўйича тегишли топшириқлар берилди.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Карантинга ёпилган муассасалар ходимлари, карантиндаги фуқаролар ва уларга қаровчиларнинг ҳуқуқларини таъминлаш, ижтимоий нафақа олувчилар сонини камида 10 фоизга ёки 60 мингтага ошириш бўйича вазифалар қўйилди. Карантиндаги фарзандларига қараётган ота-оналарни ишдан бўшатишга мутлақо йўл қўйилмади. Уларга вақтнича меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси юз фоиз тўлаб берилди.

Иқтисодий фаоллик пасайган пайтда аҳоли бандлиги масаласи алоҳида эътибор талаб этиши табиий. Шу боис Инқирозга қарши жамғармадан Жамоат ишлари жамғармасига қўшимча 200 миллиард сўм ажратилди. Ушбу маблағлар одамларни иш билан таъминлаш, бунинг учун маҳаллаларда қўшимча инфратузилма объектлари қуришга йўналтирилди. Шунингдек, Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасига 500 миллиард сўм қўшимча маблағ берилиб, иш ўринлари яратадиган бизнес субъектларга кўмаклашилди. Кичик бизнес вакиллари, якка тартибдаги тадбиркорлар апрель-июнь ойлари давомида ер ва мол-мулк солиғидан озод этилди. Бунинг ҳисобига 50 мингдан зиёд тадбиркор 300 млрд. сўмни тежашга эришди ва уларнинг айланма маблағи кўпайишига эришилди. Бир мингдан ортиқ тадбиркорнинг шу тоифа солиқлари ва пенялар бўйича кечиктирилган 80 миллиард сўм тўловларидан давлат кечиб юборди [4].

Мамлакат Президенти 2020 йилининг 26 мартда "Ўзбекистон Республикасида коронавирус инфекцияси кенг тарқалишининг олдини олишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" қарор қабул қилиб, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ушбу касаллик тарқалиши асоратларини камайтириш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш, инфекция билан касалланган беморларга тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ва натижадорлигини ошириш, бунда давлат ҳамда нодавлат тиббий ташкилотларнинг бор имкониятларини уйғунликда сафарбар этиш, даволашнинг замонавий ва самарали усулларини кенг қўллаш, бу борадаги диагностика, шахсий гигиена ва дезинфекция хизматлари фаолиятини тубдан яхшилаш каби муҳим вазифаларни белгилади [3]. Умуман олганда, Президентимиз ўз мурожаатида аҳоли саломатлиги учун маблағни аямаймиз деб, бу борадаги сиёсатнинг инсонпарварлигини таъкидлади [5].

Ҳукуматнинг махсус комиссияси, Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда хориждаги барча ваколатхоналаримизда тузилган штабларнинг тезкор саъй-ҳаракатлари натижасида карантиннинг дастлабки декадасида кўплаб чартер авиарейслари амалга оширилиб, Россия, Туркия, Эрон, БАА, Жанубий Корея, Миср, Малайзия, Ҳиндистон, Тайланд, Индонезия, Германия ва бошқа мамлакатлардан ватандошларимиз юртимизга олиб келинди, қўшни давлатлар билан чегараларимиздан 80 мингдан ортиқ ҳамюртларимиз ўтказилди ва шифо масканларига карантинга олинди.

Тождор офат тарқалишига қарши курашиш даврида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш ва иқтисодиёт барқарорлигини янада таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Президенти 2020 йил 3 апрелда "Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида" фармон чиқарди [6]. Ҳужжатда ёлғиз қариялар, ногиронлиги бўлган шахслар ва кам таъминланган оилалар ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, озиқ-овқат, дори-дармон маҳсулотларини кўпайтириш, тадбиркорлик субъектларининг даромадлари камайиб кетишининг олдини олиш, уларга қўшимча солиқ имтиёзлари, преференциялар бериш чора-тадбирлари белгиланди. Жумладан, март-июнь ойларида тўлаш муддати тугайдиган болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақалар 6 ой муддатгача (бола тегишлича 2 ёшга ва 14 ёшга тўлгунидан кўп бўлмаган муддатда) узлуксиз давом эттирилди. Нафақа олувчи оилалар сони қўшимча 70 минггага ёки 10 фоизга кўпайтирилиб, бюджетдан яна 200 млрд. сўм ажратилди [4]. Ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз кексалар ва ногиронларни карантин даврида дори-дармон, озиқ-овқат маҳсулотлари ва гигиена товарлари билан бепул таъминлаш амалга оширилди.

Якка тартибдаги тадбиркорлар учун жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи қатъий суммасини ва ижтимоий солиқни ҳисоблаш тўхтатилди. Шунингдек, 2020 йил 1 октябрга қадар солиқларни фоизсиз кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) ҳуқуқи тақдим этилди. Тижорат банклари 2,6 триллион сўм ҳажмидаги қўшимча ликвидлик ресурслари билан таъминланди. Юридик шахсларнинг кредитлари бўйича 7,9 триллион сўм ҳажмдаги қарздорлиги кечиктирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 апрелдаги "Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" фармонида мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлигининг пенсионерларга ортиқча тўланган пенсиялар бўйича 2020 йил 20 апрелигача бўлган қарздорлик суммасини ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги таклифи маъқулланди [7].

Жорий йилнинг 18 майида давлат раҳбарининг "Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича навбатдаги

чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони қабул қилинди. Фармонда 500 мингдан ортиқ тадбиркорлик соҳибига ва 100 мингга яқин аҳолига қўшимча 1,7 триллион сўмлик кўмак берилиши эълон қилинди [7].

Пандемия туфайли камбағал аҳоли ва ишсизлар сони ошиши, оилалар даромади камайиши тайин. Шу сабабли қисқа фурсатда янги иш ўринлари яратиш учун кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни фаол қўллаб-қувватлаш зарур, - деди Президент. Айни вақтда, ўзини-ўзи банд этган 60 дан зиёд касб эгалари (сартарош, этикдўз, дизайнер, тикувчи, таксичи, темирчи, нонвой, дурадгор ва бошқ.) даромад солиғидан озод қилинадиган бўлди. Йил бошидан хусусий нотариуслик фаолиятига рухсат берилганлиги боис 617 та давлат нотариуси хусусий бўлди ва бюджетдан берилаётган 200 млрд. сўм иқтисод қилинди.

Ҳозирги кунда давлат идоралари кўрсатаётган кадастр ҳужжатларини тайёрлаш, ер ажратишда топосуратга олиш каби хизматлар хусусий секторга ўтказилиб минглаб янги иш ўринлари яратилиши мумкинлигини инобатга олиб, вазифалар белгиланди. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш ҳамда Адлия вазирликлари хусусий секторга ўтказиш мумкин бўлган давлат хизматлари рўйхатини тузиш топширилди. Тегишли вазирлик ва ҳокимликларга кичик саноат зоналарини ташкил этиш вазифаси юклатилди.

Эътиборга молик тадбирлардан яна бири тарзида пандемия оқибатларини юмшатиш мақсадида "Ҳар бир оила - тадбиркор" дастурига ажратилган 1 триллион сўм кредит маблағларини қайтариш муддати узайтирилди. Шу боис, ушбу дастурни тўлиқ амалга ошириш учун Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳисобидан 100 миллион доллар ресурс ажратилди. Тадбиркорларга кредитлар бериш шартларини соддалаштириш юзасидан топшириқлар берилди. Истеъмол кредитларини бериш доираси кенгайтирилди. Аҳолига банк тизими орқали хизматлар кўрсатиш сифатини яхшилаш чораларини кўриш бўйича вазифалар белгиланди [7].

Глобал пандемияга қарши кураш шароитида оилаларни ижтимоий ҳимоялаш ниҳоятда долзарб вазифага айланди. Ҳозирги кунда янги ташкил этилган Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги томонидан 388176 та камхарж оилаларга 48,4 млрд. сўмлик зарур ижтимоий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, 777 та эҳтиёжманд оилага 160 млн. 712 минг сўм нақд пул кўринишида моддий ёрдам берилди [4]. Вазирликнинг Ҳомийлик хайрияларини мувофиқлаштириш марказлари 1 апрелдан 15 майга қадар 187924 та кам таъминланган оилаларга, 197115 та ногиронлиги бўлган оилаларга, 35973 та ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган оилаларга, 17915 нафар ёлғиз кексаларга, 81399 нафар ишсиз фуқароларга ва 16237 ишсиз қолганларга озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бердилар. Бунда 5200 нафардан зиёд волонтерлар хизмат кўрсатганлари диққатга сазовор [8].

Маҳалла ҳайрия жамоат фонди ҳузуридаги "Саҳоват ва кўмак" жамғармаси орқали 163546 та оилага 36 млрд. 32 млн. 275 минг сўмлик ижтимоий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, оғир турмуш шароитига тушиб қолган хотин-қизларга уй-жой сотиб олиш учун 8 миллиард 666 миллион сўмлик бошланғич бадал маблағлари тўлаб берилди [4].

Пандемия шароитида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш юқоридаги функциянинг таркибий қисми сифатида давлатимизнинг доимий диққат-марказидаги муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти жорий йилнинг 8 апрелида ўтказган видеоселектор йиғилишида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, томорқачиликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди [9].

Унда таъкидланганидек, одамларни озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармон ва тиббиёт воситалари билан таъминлаш бўйича изчил тадбирлар амалга оширилмоқда. Саҳоватли ва олижаноб юртдошларимизнинг беғараз манзилли



равишда аҳоли кенг қатламларига хайрия ёрдамлари пешма-пеш етказиб берилмоқда. Қисқа муддатда давлат ва нодавлат ноижорат ташкилотлари томонидан "Ўзбекистон меҳр-шафқат ва саломатлик" жамғармасига 50 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ўтказилди [9].

Шундай бўлсада, сўнгги маълумотларга кўра, Ўзбекистонда тўйиб овқат емайдиган аҳоли қатламининг улуши 6,3 фоизни ташкил қилар экан. Шу боис ушбу 2 миллион 142 минг аҳолига ижтимоий ёрдам кўрсатиш, уларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш чораларини кўриш лозим. "Саҳоват ва кўмак" умумхалқ ҳаракати айнан ана шу долзарб муаммони оқилона ҳал этишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир [7].

Таҳлиллар асосида хулоса чиқарсак, Ўзбекистон "Covid - 19" хавфига қарши кураш соҳасидаги *стратегиясининг моҳияти* қўйидагилардан иборатлиги аён бўлади:

*Биринчидан*, тождор вирус билан касалланганларни самарали даволаш тизими ва имкони йўқ бўлган вазиятда Ўзбекистон пандемияни тўхтатиш учун мумкин бўлган кўплаб ишларни қилди: фуқароларнинг ўзини-ўзи яққалаш (карантин) жорий этди, вазиятни давлат назоратига олди, ижтимоий масофаланиш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва тиббий ёрдам тизимини йўлга қўйди.

*Иккинчидан*, ҳолатни олдиндан масъулият билан баҳолаб, имконият борича тегишли чораларни кўрди. Бу соғлиқни сақлаш тизимига босимни камайтирди. Айни вақтда, тиббиёт тизимининг ҳамма бўғинлари, айниқса, вирусология, эпидемиология, санитария-гигиена ва бошқалар иши тубдан қайта ташкил этилди.

Касалланган ва карантинга олинган фуқароларга малакали тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадида қисқа муддатларда Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманида 10 минг кишига ва Зангиота туманида 10 минг кишига, Сурхондарё, Наманган ва Навоий вилоятларида ҳам ҳар бири 1000 кишига мўлжалланган шифо масканлари барпо этилди. Шунингдек, Тошкент вилоятида яна қўшимча 10 минг ўринли карантин зонаси қуриб, жорий йилнинг 15 майгача фойдаланишга топширилди.

Учинчидан, инқироз салбий оқибатларининг фуқаролар ҳаёти ва турмуш шароитларига таъсирини камайтиришга қаратилган чоралар кўрилди. Юқорида таъкидланганидек, фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва иқтисодий тармоқларининг барқарорлигини таъминлашга 10 триллион сўм маблағ йўналтирилди. Жумладан, тадбиркорларга имтиёзли кредитлар олиши учун 500 млрд. сўм ажратилди. Аҳолига манзилли вақтинча иш ўрни яратиш учун 200 млрд. сўм маблағ Жамоат ишлари фондида ўтказилди [10].

Давлатимиз томонидан тождор вирус пандемияси вазиятида амалга оширилган молиявий, иқтисодий, ташкилий-ҳуқуқий, маънавий-тарбиявий, инсонпарвар-ижтимоий мазмунидаги фаолиятини бунданда теранроқ тавсифлаш ҳамда изоҳлаш, тегишли рақамлар ва статистик маълумотлар келтиришни узоқ давом эттириш мумкин. Бироқ, келтирилган шу далилларнинг ўзи ҳам давлатнинг фавқулодда вазият тақозоси билан кўрган қатъий чора-тадбирлари кўлами ҳамда салмоғини етарлича тасаввур этишга кифоя қилади. Шу аснода давлатимизнинг даҳшатли пандемияга қарши курашни ялпи сафарбарлик асосида қисқа муддатда ташкил этиш ва тезкор амалга оширишдек *янги функцияси* намоён бўлганлигини эътироф этиш мумкин ва лозим.

Давлатнинг ҳар қандай функцияси тегишли ҳуқуқий шакллар ёрдамида расмийлаштирилади ва амалга оширилади. Маълумки, давлат функцияларини рўёбга чиқаришнинг ҳуқуқий шакллари деганда муайян функцияни амалга оширишнинг ҳуқуқий восита ва усуллари бўлмиш ҳуқуқ ижодкорлик, ҳуқуқни қўллаш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти ҳамда механизмлари эътироф этилади.

Ҳуқуқ, бир томондан, давлат функцияларини амалга ошириш воситаси бўлса, иккинчи томондан, унинг ўзи ҳам ижтимоий муносабатларни мустаҳкамлаш (статик), тартибга солиш ва ривожлантириш (динамик) функцияларини адо этади.

Бугунги вазият нуқтаи назаридан таҳлил юритадиган бўлсак, тождор вирус пандемияси мамлакатимиз ҳуқуқий тизими ҳолатига, давлатнинг ҳуқуқ (қонун) ижодкорлик фаолияти мазмунига, ҳуқуқни қўллаш амалиётига ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Хусусан, коронавирус муносабати билан белгиланган карантин қоидаларига риоя этилишини таъминлаш Олий Мажлис қонун ижодкорлик фаолияти мазмунига бевосита таъсир этди. "Covid-19" мамлакат ижтимоий тараққиётига жиддий хавф туғдириб турган оғир синовли вазиятда ҳуқуқнинг ижтимоий муносабатларни муносиб (адекват) тарзда тартибга солиш, ҳуқуқий муҳофазалаш функцияси алоҳида устуворлик касб этди. Бу ҳол норма ижодкорлиги ваколатларига эга бўлган барча давлат органлари зиммасидаги масъулият ва жавобгарликни кескин ошишига олиб келди. Зеро, ҳуқуқ яратувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар (қонун, фармон ва қарорлар) пандемияга қарши курашни қанчалик монанд, самарали таъминлай олиши билангина жамият учун ҳуқуқий қадрият даражасида аҳамият касб этади. Ушбу таҳликали вазиятда қабул қилинган қонун ва фармон (қарор)лар тегишли функцияни қай даражада муваффақиятли адо этиши нафақат уларнинг мазмунида, балки ҳуқуқни, яъни мазкур норматив ҳужжатларни амалда тўғри қўллаш жараёнида ҳам намоён бўлади.

Фикримизча, тождор инфекцияга ҳуқуқий (қонунчилик воситасида) қарши кураш шароитида норма ижодкорлик фаолиятининг мазмуни куйидаги масалаларга ҳуқуқий ечим топишдан иборат бўлди:

а) жамият иқтисодий ривожланиши издан чиқиши ва инқирозга юз тутишининг олдини олувчи ҳуқуқий механизмларни яратиш;

б) макроиқтисодий барқарорликни сақлаб қолиш ва иқтисодиёт тармоқлари изчил фаолият қилишини, молиявий, банк-кредит тизимининг самарали ишлашини ҳуқуқий таъминлаш;

в) фуқароларнинг бандлиги, меҳнат қилиш имкониятлари, иқтисодий фаолият эркинлиги, тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий кафолатларини яратиш;

г) аҳоли қашшоқланишининг олдини олиш, улар даромадларининг кескин пасайиб кетишини бартараф этишнинг ҳуқуқий ечимлари (моделлари)ни яратиш;

д) аҳолининг соғлиғини, хавфсизлигини ҳамда ижтимоий ҳимоясини таъминлашга йўналтирилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни белгилаш;

е) жамиятда қонунийлик, қонун устуворлиги ҳамда ҳуқуқий тартибот барқарорлиги муҳитини таъминлаш;

ж) фуқароларнинг бошқа барча конституциявий, қонуний ҳуқуқ, эркинлик ҳамда манфаатларини ҳуқуқий таъминлашнинг қонунчилик механизмлари ва кафолатларини яратиш бериш.

Парламентимиз Сенатининг 2020 йил 24 мартдаги учинчи ялпи мажлисида "Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонуни маъқулланди [11].

Қонунда, аввало, карантинли ва инсон учун хавфли бошқа юқумли касалликлар хусусида нотўғри маълумотлар тарқатганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланди. Шунингдек, санитарияга оид қонунлар ёки эпидемияга қарши кураш қоидаларини бузганлик учун ҳам жиноий жавобгарлик кучайтирилди. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар тарқалиши шароитида санитария ва эпидемияларга қарши курашиш қоидаларини бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларга мажбурлов чоралари қўлланилиши тўғрисидаги нормалар билан тўлдирилди. Тиббий

мажбурлов чораси сифатида 30 суткагача муддатга маъмурий жазо тайинланиши белгиланди. Шунингдек, жамоат жойларида ниқобсиз юриш, карантин шароитида шифохоналар ички тартиб қоидаларига риоя этмаслик каби ҳуқуқбузарликлар учун ҳам маъмурий жавобгарлик нормалари мустаҳкамланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўзининг IV ялпи мажлисида (2020 йил 11 май) Президентимизнинг коронавирус пандемияси салбий таъсирини юмшатиш ва Давлат бюджети барқарорлигини таъминлашга оид фармон ва қарорларига мувофиқ, 2020 йил учун Давлат бюджети тўғрисидаги қонунга тегишли ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги қонунни маъқуллади [12].

Парламент пандемия даврида республикада макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодиёт тармоқларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш, банк-молия ҳамда кредитлаш тизмини оптималлаштириш, аҳоли даромадлари кескин пасайиб кетишининг олдини олиш, фуқароларнинг бандлиги ва ижтимоий ҳимояси, хавфсизлиги, ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлаш, жамоат ва ҳуқуқий тартиботни мустаҳкамлаш каби кўплаб масалаларга оид қонун ижодкорлик фаолиятини амалга оширди.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, мазкур вазият Президент ва Ҳукуматнинг норма ижодкорлик фаолиятини ҳам кескин фаоллаштирди. Бу даврда давлат раҳбаримиз раислигида 14 та видеомулоқот мажлиси ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 15 та норматив ҳужжати, яъни 7 та фармони ва 8 та қарори қабул қилинди [10], Вазирлар Маҳкамасининг эса 20га яқин қарорлари имзоланиб, амалиётга жорий қилинди. Ушбу қонуности ҳужжатлар асосида 500 минг тадбиркорга, 330 мингдан зиёд эҳтиёжманд оилаларга, 8 млн. фуқароларга 30 триллион сўмлик моддий ёрдам, имтиёз ва преференциялар берилди [13].

Шунингдек, Президентнинг 2020 йил 18 майдаги фармонида мулк ҳуқуқи устуворлиги негизида кичик саноат зоналари ташкил этиш, мулк дахлсизлигига доир қонунчиликни бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш масалалари ўртага қўйилди. Шу ташаббус асосида Олий Мажлис "Ер участкаларини ноқонуний олиб қўйганлик учун жавобгарлик кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунни, Томорқа ер участкаларидан оқилона фойдаланишни таъминлашга қаратилган маъмурий жавобгарликни кучайтириш, "Давлат божи тўғрисида"ги қонунчиликни такомиллаштириш тўғрисидаги ва бошқа қонунларни қабул қилди [12].

Кўриниб турибдики, коронавирус пандемияси шароитидаги ҳуқуқий тартибга солиш функцияси, айниқса, парламент қонун ижодкорлик функциясининг мазмуни тубдан ўзгариб, у ўз моҳият - эътибори билан мазкур иллатнинг мамлакатдаги иқтисодий-ижтимоий аҳволга салбий таъсирини юмшатиш, унинг инсонлар соғлигига асорат кўрсатишини минималлаштириш, иқтисодиётнинг муҳим тармоқлари фаолияти барқарорлигини сақлаб қолиш ҳамда тадбиркорлик ташаббусини, иқтисодий фаолликни босқичма-босқич тиклаш, сўнгра изчил ривожлантиришга йўналтирилгандир. Айни вақтда, ана шу барча муҳим йўналишларда парламентнинг қонун ижодкорлиги фаолияти сифатини ошириш, қабул қилинган қонунлар ижроси устидан таъсирчан ҳамда самарали парламент назоратини йўлга қўйиш ҳам ушбу масъулиятли даврнинг императив талабидир.

Шундай қилиб, дунё аҳли учун улкан таҳликали синов бўлган тождор вируснинг тарқалиши жаҳон миқёсида, шу жумладан юртимизда кутилмаган фавқулодда ҳолатни вужудга келтирди. У барча давлатларнинг фаолиятини тегишли оғир вазиятга мослашишга мажбур этди. Дунёда биронта давлат бу иллатнинг ҳам эпидемиологик, ҳам иқтисодий таҳдидларига тайёр эмас экан. Ҳар қандай қудратли давлат ҳам заифлигини кўрсатди. Давлатларнинг мақсади, вазифаси ва

функциялари, шунингдек уларнинг қонунчилик ҳамда ҳуқуқ тизимлари ушбу кўзга кўринмас балога қарши курашиш эҳтиёжлари нуқтаи назардан тубдан ўзгарди.

Машҳур бир қўшиқда айтилганидек, "Энди инсон қадрлари ҳам аввалгиларга ўхшамас". Шунга тақлид қилиб айтганда: "Энди дунё қиёфаси аввалгисига ўхшамас". Тождор вирус пандемияси боис, энди дунёвий қадриятлар, умумбашарий тартиботга муносабат тубдан ўзгаради, дейиш мумкин ва лозим. Энди инсоният тараққиёти диалектикаси "*пандемиядан аввалги*" ва "*пандемиядан кейинги*" деган мезон ҳамда ўлчамлар асосида баҳоланади.

Таассуфки, Яратганнинг мазкур синовидан ҳали ҳам одамлар тегишли хулоса чиқаришмаган кўринади. Курраи замин аҳли бошига шундай мудҳиш қирғин тушиб турган бир пайтда айрим хорижий сиёсий пешволар: касаллик тарқатишда "Хитой давлати айбдор" деб, ундан хун, товон тўлашнинг даъвосини қилмоқдалар. Шу виждон ва инсоф эгасининг гапими? Вазминлик ила хулоса чиқариш, тавба қилиш ўрнига, дунё халқлари ўртасига нифоқ солинмоқда.

Эпидемияга қарши карантин ҳолати ва қоидаларини тезкор ҳамда самарали жорий эта олган давлатлар вазият устидан назорат ўрнатиб, ушбу мудҳиш офатдан қутилиш, унинг оқибатларини бартараф этишнинг уддасидан чиқишди. Бироқ, синов ҳали тўлалигича тугагани йўқ. Умид қиламизки, Ўзбекистон давлати ва халқи қатъий интизом, сабр-қаноат, меҳр-оқибат, улкан сафарбарлик, сиёсий ирода, қатъият, ташкилотчилик саъй-ҳаракатлари эвазига ушбу балони енгиб ўтади.

### **Иқтибослар/Сноски/References**

1.2020 йилнинг 20 майида бу борадаги вазият қуйидагича бўлди: Covid-19 дунёнинг 212 давлатига тарқалган; касалликка чалинганлар сони - 5 млн. 120 мингдан ошиб кетди, тузалганлар сони - 1.948.739 киши, 332.924 нафар инсон ҳаётдан кўз юмди. Ўзбекистонда инфекцияга чалинганлар - 3.006 нафар; соғайганлар - 2407 киши, 13 бемор вафот этган ("Янги Ўзбекистон" 2020 йил 21 май) // (Yangi O'zbekiston, May 21, 2020)

2.Халқ сўзи, 2020 йил 20 март // (Xalq So'zi, March 20, 2020)

3.Карантин даврида бу курашга 100 мингга яқин тиббиёт ходимлари жалб этилди Ш.Мирзиёев: шифокорларнинг ўз касбига садоқати, меҳнати - жасорат намунаси // Халқ сўзи, 2020 йил 27 март // (Xalq So'zi, March 27, 2020)

4.Янги Ўзбекистон, 2020 йил 15 май // (Yangi O'zbekiston, May 15, 2020)

5.Халқ сўзи, 2020 йил 19 март // (Xalq So'zi, March 19, 2020)

6.Халқ сўзи 2020 йил 4 апрель // (Xalq So'zi, April 4, 2020)

7.Халқ сўзи 2020 йил 28 апрель // (Xalq So'zi, April 28, 2020)

8. Халқ сўзи, 2020 йил 16 май // (Xalq So'zi, May 16, 2020)

9.Халқ сўзи, 2020 йил 9 апрель // (Xalq So'zi, April 9, 2020)

10.Глобал таҳдидга жавоб: Ўзбекистон тажрибаси. Халқ сўзи, 2020 йил 25 апрель (Xalq So'zi, April 25, 2020)

11.Халқ сўзи, 2020 йил 25 март (Xalq So'zi, March 25, 2020)

12.Халқ сўзи, 2020 йил 12 май (Xalq So'zi, May 12, 2020)

13.Халқ сўзи, 2020 йил 3 апрель (Xalq So'zi, April 3, 2020)

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

## КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ. МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ

**ИСМАИЛОВ Баходир Исламович,**

Начальник Научно-образовательного центра противодействия коррупции  
Академии Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан, доктор  
юридических наук, профессор  
E-mail: ismoiliy1965@gmail.com

### РОЛЬ МЕЖДУНАРОДНЫХ РЕЙТИНГОВ И СИСТЕМ ОЦЕНКИ В ПОВЫШЕНИИ ЭФФЕКТИВНОСТИ ГОСУДАРСТВЕННОГО УПРАВЛЕНИЯ

**For citation** (иктибос келтириш учун, для цитирования): ИСМАИЛОВ Б.И.  
РОЛЬ МЕЖДУНАРОДНЫХ РЕЙТИНГОВ И СИСТЕМ ОЦЕНКИ В  
ПОВЫШЕНИИ ЭФФЕКТИВНОСТИ ГОСУДАРСТВЕННОГО УПРАВЛЕНИЯ  
// Юрист ахборотномаси - Вестник юриста - Lawyer herald. № 1 (2020), С.19-25

 №1 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2020-1-2>

#### АННОТАЦИЯ

В статье анализируется роль международных систем рейтингов и оценки в повышении эффективности государственного управления. Применительно к Узбекистану рассматриваются интегральные показатели эффективности реформы государственного управления. Дается характеристика таких международных рейтингов как: Всемирное обследование предприятий Всемирного банка, Индекс восприятия коррупции международной неправительственной организацией Transparency International, Индекс экономической свободы Фонда наследия, Индекс прозрачности компании "Pricewaterhouse-Coopers" и др.

**Ключевые слова и выражения:** международные рейтинги, международные методики, оценка эффективности, государственное управление, Институт Всемирного банка, административная реформа.

### ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ САМАРАДОРЛИГИНИ ЯХШИЛАШДА ХАЛҚАРО РЕЙТИНГ ВА БАҲОЛАШ ТИЗИМЛАРИНИНГ РОЛИ

**ИСМАИЛОВ Баходир Исламович,**

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратура Академияси Коррупцияга  
қарши курашиш Илмий-таълим маркази бошлиғи,

юримдик фанлар доктори, профессор  
E-mail: ismoiliy1965@gmail.com

## АННОТАЦИЯ

Мақолада давлат бошқаруви самарадорлигини яхшилашда халқаро рейтинг ва баҳолаш тизимларнинг роли тадқиқ этилади. Ўзбекистон шароитидан келиб чиқиб давлат бошқаруви самарадорлигини яхшилашда доир асосий кўрсаткичлар таҳлил этилади. Мақолада Жаҳон Банкининг Умумжаҳон корхоналар ўрганилиши, Transparency International ташкилотининг Коррупцияни қабул қилиш индекси, Мерос жамғармасининг Иқтисодий эркинлик Индекси, "Pricewaterhouse-Coopers" компаниясининг шаффофлик Индекси каби халқаро рейтингларнинг мазмуни ва моҳиятига оид малумотлар тақдим этилади.

**Таянч сўз ва иборалар:** халқаро рейтинглар, халқаро услубиётлар, давлат бошқаруви самарадорлиги, халқаро баҳолаш тизимлари, Жаҳон Банки Институти, маъмурий ислохотлар.

**ISMAILOV Bahodir,**

Head of Scientific and Educational Anti-corruption center Academy of the  
Prosecutor General Republic of Uzbekistan,  
Doctor of Law Sciences, professor  
E-mail: ismoiliy1965@gmail.com

## THE ROLE OF INTERNATIONAL RATINGS AND ASSESSMENT SYSTEMS TO ENHANCE EFFICIENCY OF GOVERNANCE

### ANNOTATION

The article analyzes the role of international ratings and rating systems in improving the efficiency of public administration. In relation to Uzbekistan, integral indicators of the effectiveness of public administration reform are considered. Characteristics of such international ratings as World Bank Enterprise Survey, Corruption Perception Index by the international non-governmental organization Transparency International, Heritage Fund Economic Freedom Index, Pricewaterhouse-Coopers Transparency Index, etc.

**Key words and expressions:** international ratings, international methods, performance evaluation, public administration, World Bank Institute, administrative reform.

Принятие Постановления Президента Республики Узбекистан "О мерах по повышению позиций Республики Узбекистан в международных рейтингах и индексах" от 25 февраля 2019 г., № ПП-4210 активизировало проблематику измерения качества государственного управления с точки зрения международных рейтингов.

Следует отметить, что технологические и информационные составляющие современного периода развития международных экономических отношений приводят к глобализации и утверждению надгосударственных форм информационного, экономического контроля.

Рассмотрение международного опыта административных преобразований на предмет его применения в условиях Узбекистана следует проводить в общем контексте ситуации, сформировавшейся в процессе исторического развития отечественной системы управления.

На роль универсальной методики оценки качества государственного управления претендуют разработки Института Всемирного банка, эксперты которого сыграли большую роль в научном осмыслении проблем реализации административной



реформы.

В 2004 г. представительством Института Всемирного банка был подготовлен материал под названием "Интегральные показатели эффективности реформы государственного управления" [1, С. 234], предлагавший, в частности, следующие показатели:

**Показатель государственного управления.** В настоящее время методика Всемирного банка основывается на критериях качества государственного управления, предложенных Д. Кауфманом. Эти критерии, в свою очередь, включают шесть индексов, характеризующих государственное управление:

**Право голоса и подотчетность,** с помощью которых измеряются различные аспекты политических процессов, гражданских свобод и политических прав. Оценке подвергаются: степень возможности участия граждан в выборе правительства, уровень независимости прессы.

**Политическая стабильность и отсутствие насилия** - включает группу показателей, измеряющих вероятность дестабилизации правительства и вынужденной его отставки в результате применения насилия. Данный индекс отражает, насколько качество государственного управления может вызвать необходимость резких перемен, смену политического курса, а также влияет на проведение мирных выборов управляющих структур гражданами.

**Эффективность правительства** - отражает качество государственных услуг, уровень бюрократии, компетенции государственных служащих, степень независимости государственной службы от политического давления, а также доверия к политике, осуществляемой правительством.

**Качество законодательства** связано с проводимой политикой. С помощью этого критерия устанавливаются противоречащие рыночной экономике меры, такие как контроль уровня цен, неадекватный контроль банков, чрезмерное регулирование международной торговли и развития бизнеса.

**Верховенство права** измеряет уровень доверия граждан к законам общества и приверженность к исполнению этих законов. Данный критерий включает в себя показатели отношения граждан к преступлению, эффективности и предсказуемости законодательной системы, приверженности к контрактной системе.

**Контроль коррупции** отражает восприятие данных процессов в обществе, при этом коррупция понимается как использование общественной власти с целью извлечения личной выгоды.

Показатель государственного управления отражает комбинацию ответов на вопросы о качестве государственного управления и строится на основе нескольких сотен переменных, приведенных в 25 различных источниках [2, С.56].

По каждому из шести вышеперечисленных индексов дается балльная оценка на основе данных из вторичных источников информации, а также целевых исследований, проводимых компаниями, занимающимися оценкой рисков, Институтом европейского университета, высшими учебными заведениями, агентствами по изучению общественного мнения и т. д.

Показатели, полученные в результате обследования предприятий в странах с переходной экономикой, позволили сравнить качество управления, деловой климат, конкурентную среду, уровень коррупции в контексте взаимодействия между бизнесом и государством в странах с переходной экономикой. Обследование проводилось дважды (в 1999-2000 гг. и 2002 г.) и охватило 4 тыс. компаний из 22 стран с переходной экономикой, в которых были проведены индивидуальные интервью с менеджерами и собственниками предприятий.

**Индекс восприятия коррупции** составляется международной неправительственной организацией **Transparency International** с 1995 г. Это составной индекс, основанный на данных 17 различных исследований, проведенных 13 независимыми организациями среди предпринимателей и местных аналитиков, а также опросов жителей конкретной страны - как ее граждан, так и иностранцев. В 2019 г. были ранжированы 180 стран в зависимости от степени представлений о распространенности коррупции среди государственных служащих и политиков [3].

Индекс восприятия коррупции позволяет получить ежегодный срез по уровню коррупции в государственном секторе в различных странах. В 2019 г. Узбекистан оказался на 153 месте из 180. Среди стран с самым минимальным показателем оказались Финляндия, Исландия, Дания, Новая Зеландия и Сингапур.

**Барометр мировой коррупции** также составляется Transparency International. Если целью создания индекса восприятия коррупции является оценка уровня коррупции в мире, то барометр мировой коррупции организации исходит из сведений, как средний человек оценивает данный уровень коррупции. "Барометр" был определен на основе исследования отношения к коррупции, проводимого в рамках опроса "Голос народа" Институтом общественного мнения Gallup International [4].

**Индекс экономической свободы** Фонда наследия (Heritage Foundation) осуществляется совместно с изданием "Wall Street Journal" с 1995 г. Информационной основой формирования индекса экономической свободы являются данные правительственных и неправительственных организаций, результаты международных и национальных социологических опросов [5].

Этот индекс рассчитывается на основе 50 характеристик, объединенных в 10 основных факторов экономической свободы: торговая политика, фискальная политика, государственная интервенция в экономику, монетарная политика, иностранные инвестиции и потоки капитала, банковская сфера, заработная плата и цены, имущественные права, государственное регулирование, черный рынок.

**Индекс транспарентности** разработан компанией "Pricewaterhouse- Coopers" и представлен в виде интегрального фактора непрозрачности. Этот фактор основан на комбинации из пяти первичных показателей, характеризующих следующие сферы, влияющие на рынок капитала: коррупция в государственных органах; законы, регулирующие права собственности; экономическая политика (фискальная, монетарная, налоговая); стандарты финансирования; регулирование коммерческой деятельности [6].

К показателям эффективности государственного управления, измеряемых на основе исследований мнения государственных служащих и населения относится **Индекс институциональной среды**, который рассчитывается на основе исследований мнения государственных служащих в 15 странах по методологии Всемирного Банка. Индекс включает интегральные оценки степени доверия к ведомственной политике, к правилам, адекватности и предсказуемости ресурсного обеспечения.

Можно перечислить следующие показатели эффективности реализации реформы государственного управления: восприятие населением качества предоставляемых государственных услуг, оценка престижа государственной службы, соотношение уровней оплаты труда в государственном и частном секторе по ключевым должностям, влияние мер по дерегулированию экономики.

Эксперты ООН оценивают уровень государственного управления с помощью **Индекса развития человеческого потенциала (ИРЧП)**. В основу методики расчета ИРЧП заложены данные о продолжительности жизни, уровне грамотности, доле

ВВП на душу населения и другие факторы. Отдельные элементы этой методики активно применяются для оценки потенциала эффективности государственной службы. В качестве предмета исследования используются сведения о состоянии кадров и кадрового резерва государственного управления в стране. При этом оцениваются уровень дохода, образования, продолжительность жизни, гендерный состав и прочие характеристики людей, занятых в сфере **государственной службы** [7].

Другой важнейшей составляющей указанной системы показателей можно считать опыт проведения комплексных оценок эффективности деятельности государственных служащих во многих странах мира. Небезынтересно, что для внутреннего потребления государства, чьи эксперты ранжируют страны по вышеприведенным критериям, используют совершенно иные методики.

В целях формирования целостной и независимой системы оценки осуществляемых в стране реформ, а также обеспечения улучшения позиции страны в международных рейтингах 25 февраля 2019 г. принято Постановление Президента № ПП-4210 "О мерах по повышению позиций Республики Узбекистан в международных рейтингах и индексах" которым определено, что составной частью Национальной системы мониторинга критерии и индикаторы приоритетных международных рейтингов, позволяющие измерять качество управления и эффективность политики, оценивать происходящие в стране трансформационные процессы, выработать приоритетные направления реформ исходя из результатов исследований.

В качестве первоначального этапа формирования деятельности Национальной системы мониторинга за исследовательскими институтами республики закреплены отдельные международные рейтинги.

На исследовательские институты возложены следующие задачи:

определение методологических и иных составляющих международных рейтингов, имплементация их в действующее законодательство, выявление основных факторов, определяющих низкие показатели Республики Узбекистан в международных рейтингах;

выработка национальных индексов на основе критериев и индикаторов приоритетных международных рейтингов для проведения самооценки;

проведение экспертного анализа проектов и действующих нормативно-правовых актов на предмет выявления норм, препятствующих повышению позиции страны в международных рейтингах, а также выработка по итогам анализа соответствующих рекомендаций;

формирование информационных баз данных, содержащих сведения о тенденции развития Республики Узбекистан в соответствующих рейтингах, а также рекомендации и передовой опыт зарубежных стран по оцениваемым направлениям;

осуществление системного анализа имеющихся практических проблем, препятствующих повышению позиции Республики Узбекистан в приоритетных международных рейтингах, разработка предложений по их разрешению;

налаживание сотрудничества и установление конструктивного диалога с экспертами международных организаций, рейтинговых агентств и научных учреждений;

проведение социологических опросов для выявления проблем и изучения положения в соответствующих отраслях, а также информирование общественности и международных рейтинговых агентств о кардинальных изменениях в различных отраслях, произошедших в рамках реализации масштабных реформ в стране.

Вопрос согласования реформ приводит к необходимости решения проблем

правовой интеграции и формирования глобального правового пространства. Применительно к вопросам стандартов государственного управления речь идет о создании глобального административного пространства. Все рассуждения о "глобальном административном пространстве" возможны лишь с поправкой на то, что этот термин будет введен в оборот международного публичного права в контексте общих принципов международного права. Разработкой принципов формирования такого правового пространства последнее десятилетие занимаются американские административисты, результаты их деятельности уже имеют международное признание и вполне могут быть восприняты отечественным правоведением, хотя более удачно это понятие было бы обозначено в термине "пространство общих принципов управления".

"Глобальное управление и глобальное административное право в международном правовом порядке" - такое название получил доклад Нью-Йоркского университета и школы права Института международного права и юстиции и Мертонского колледжа Нью-Йоркско-Оксфордского университета.

Основное содержание этого научного исследования раскрывает Ю.А.Тихомиров в исследовании "Управление на основе права": "Зарождается глобальное административное пространство, в котором строгая дихотомия (разделение) между внутригосударственным и международным, в большей степени, разрушена, в котором административные функции осуществляются часто в сложном взаимодействии между должностными лицами и институтами".

Проблема универсализации подходов в сфере государственного управления обуславливает необходимость продвижения позиции, что универсальные нормы могут вырабатываться только и исключительно в рамках процедур международного права, а не посредством неких норм, которые будут лоббировать страны, обладающие, на их взгляд, большими основаниями объявить свои национальные модели демократии, политического режима и государственного устройства эталонными.

Выработка глобальных (универсальных) международных стандартов в сфере государственного управления вполне возможна в рамках международного права, а наша страна обладает всем необходимым правовым инструментарием для имплементации этих стандартов как в правовую систему страны, так и в управленческую практику. Единственно допустимый механизм формирования глобального административного пространства - выработка универсальных международно-правовых положений в ходе международных конференций или в рамках деятельности международных специализированных организаций.

Отдельного внимания требует деятельность международных неправительственных организаций. Обращение к ним для выработки универсальных стандартов качества жизни, контроля обеспечения прав и свобод человека и гражданина, соблюдения демократических принципов в государственном управлении вполне возможно и должно быть поддержано. При одном важном условии: взаимодействие в рамках названных структур должно осуществляться на равноправной основе, с обсуждением глобальных проблем, а не путем использования механизмов международных и неправительственных организаций для лоббирования интересов отдельной группы стран.

### **Иқтибослар/Сноски/References**

1. Интегральные показатели эффективности реформы государственного управления. Справочный материал. Всемирный банк, 2018 г. (Integral indicators of the effectiveness of public administration reform. Reference material. World Bank 2018)

2.Хамидов Б. Измерение коррупции // О динамике и причинах коррупции в Узбекистане. Как ее измерить и как с ней бороться. ЦЭИР Экономическое обозрение no4 (244) 2020. (Khamidov B. Measurement of corruption // On the dynamics and causes of corruption in Uzbekistan. How to measure it and how to deal with it. CEIR Economic Review no. 4 (244) 2020)

3.URL:[https://www.transparency.org/news/pressrelease/2018\\_Corruption\\_Perceptions\\_Index\\_RU](https://www.transparency.org/news/pressrelease/2018_Corruption_Perceptions_Index_RU).

4.Барометр Мировой Коррупции - Трансперенси Интернешнл // [transparency.org.ru](http://transparency.org.ru)

5.Узбекистан занял 114 место в индексе Экономической свободы 2020, улучшив свой рейтинг на 26 позиций URL: <http://mineconomy.uz/ru/news/view/3113>.

6.URL: <https://www.pwc.ru/ru/publications.html>.

7.URL: <http://mirperemen.net/2017/04/dinamika-razvitiya-chelovecheskogo-potenciala-v-stranax-sng/>.

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

**ЮЛДАШЕВ Джахангир Хайитович,**  
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси жамоат тартиби ва  
хавфсизликни таъминлаш кафедраси бошлигининг ўринбосари,  
юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

## "ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ФУҚАРОЛИГИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚОНУННИНГ ЎЗБЕКИСТОН ФУҚАРОЛИГИНИ ОЛИШ АСОСЛАРИ ВА ШАРТЛАРИНИ БЕЛГИЛОВЧИ АЙРИМ НОРМАЛАРИ ТАҲЛИЛИ

**For citation** (иктибос келтириш учун, для цитирования): ЮЛДАШЕВ Дж.Х.  
"ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ФУҚАРОЛИГИ ТЎҒРИСИДА"ГИ  
ҚОНУННИНГ ЎЗБЕКИСТОН ФУҚАРОЛИГИНИ ОЛИШ АСОСЛАРИ ВА  
ШАРТЛАРИНИ БЕЛГИЛОВЧИ АЙРИМ НОРМАЛАРИ ТАҲЛИЛИ // Юрист  
ахборотномаси - Вестник юриста - Lawyer herald. № 1 (2020), Б.26-31.

 №1 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2020-1-3>

### АННОТАЦИЯ

Мақолада Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олиш асослари ва шартлари, хусусан "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида"ги қонунида мавжуд коллизия ва ҳуқуқий бўшлиқлар ёритилган. МДХ давлатлари қонунчилигини қиёсий-ҳуқуқий таҳлил этиш асосида уларни баргараф этиш бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.

**Таянч сўз ва иборалар:** фуқаролик, фуқароликни олиш, фуқароликни олиш асослари ва шартлари, фуқароликни тан олиш, фуқароликни тиклаш, натурализация.

**ЮЛДАШЕВ Джахангир Хайитович,**  
Заместитель заведующего кафедрой "Общественный порядок и  
безопасность" Академии Министерства внутренних дел  
Республики Узбекистан,  
доктор философии по юридическим наукам (PhD)

## АНАЛИЗ НЕКОТОРЫХ НОРМ ЗАКОНА "О ГРАЖДАНСТВЕ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН", ОПРЕДЕЛЯЮЩИХ СОСТОЯНИЕ И УСЛОВИЯ ПОЛУЧЕНИЯ ГРАЖДАНСТВА УЗБЕКИСТАНА



## АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются состояние и условия получения гражданства Республики Узбекистан, в частности коллизия и правовые пробелы, установленные Законом Республики Узбекистан "О гражданстве". Выработаны предложения и рекомендации по их оптимизации на основе сравнительно-правового анализа законодательства стран СНГ.

**Ключевые слова и выражения:** гражданство, приобретение гражданства, состояние и условия приобретения гражданства, признание гражданства, восстановление гражданства, натурализация.

**YULDASHEV Jakhangir,**

Deputy head of the department of Public order and security of the Academy of ministry of internal affairs of the Republic of Uzbekistan,  
doctor of philosophy in law (PhD)

## ANALYSIS OF SOME NORMS OF THE LAW "ON CITIZENSHIP OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN", DETERMINING THE BASIS AND CONDITIONS OF RECEIVING CITIZENSHIP OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

### ANNOTATION

The article covers the basics and conditions of obtaining citizenship of the Republic of Uzbekistan, in particular the collusion and legal gaps existing in the law "On citizenship of the Republic of Uzbekistan". On the basis of comparative-legal analysis of the legislation of the CIS countries, proposals and recommendations were made to eliminate them.

**Keywords and expressions:** citizenship, acquisition of citizenship, the basics and conditions for obtaining citizenship, recognition of citizenship, restoration of citizenship, naturalization.

Ҳозирда замонавий илм-фан ва амалиётда "шахс ҳуқуқий мақоми", жумладан "фуқаролик" муаммоларининг назарий жиҳатларини англаш ҳамда давлатларнинг ички қонунчилигида бу борадаги масалаларни ҳал этишга бўлган уринишларнинг ортиши кузатилмоқда. Уларнинг ижтимоий-сиёсий ривожланиши, глобаллашув таъсирига тушиши ва ўзаро интеграциялашув жараёнларига тортилиши натижасида шахс ҳуқуқий мақомини белгилашга қаратилган юқоридаги муаммоларни бартараф этиш бўйича аниқ позицияни яратиш масаласи нафақат миллий, балки халқаро ҳуқуқнинг кундалик муҳокама объектига айланишига сабаб бўлмоқда.

Бу борада айниқса фуқароликка қабул қилиш асослари ва шартларини белгилаш ҳамда қўллаш билан боғлиқ муаммоларнинг илмий асосланган ечимларини топишга қаратилган тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига қабул қилиш асослари ва шартлари 2020 йил 13 мартдаги "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида"ги Қонунида белгиланган бўлиб, унинг бу борадаги айрим қоидаларини халқаро ҳуқуқ меъёрларига мослаштириш зарурати ҳозирда юқори. Қуйида қонун нормаларининг айримларини таҳлил қилиб кўрамиз.

Хусусан, 13-моддада Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини олиш асослари назарда тутилган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат: 1) туғилганлик бўйича; 2) бола фарзандликка олинганда; 3) Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига қабул қилиш ва уни тиклаш натижасида; 4) Ўзбекистон

Республикасининг халқаро шартномаларида ва ушбу Қонунда назарда тутилган бошқа асослар бўйича. Бироқ ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва хорижий давлатлар қонунчилигини ўрганиш натижалари фуқаролик олишнинг юқорида келтирилгандан ташқари асослари ҳам мавжудлигини кўрсатмоқда. Масалан, МДҲ давлатларидан Арманистон қонунчилиги фуқароликни (унга мансубликни) тан олиш, фуқароликка тиклаш, фуқароликка оммавий қабул қилиш (репатриация) асосида фуқаролик олиш асосларини ҳам назарда тутати (9-модда) [1]. Украинада эса, маъмурий ҳудудларнинг бўлиниши (трансферт) ва оталикни белгилаш асосида фуқаролик олиш асослари ҳам қўшимча равишда белгиланган (6-модда) [2].

Кўриниб турибдики ҳар бир давлат ўз фуқаролигини олиш асосларини турлича белгилаган. Бу албатта, давлатнинг ўзига хос сиёсати, миллий қонунчилиги ва шарт-шароитлари билан бевосита боғлиқ. Миллий амалиётни ўрганиш асосида таъкидлаш мумкинки, юқорида келтирилган асосларнинг айримлари қўлланилиб келаётган бўлсада, қонунчилигимизда фуқаролик олишнинг алоҳида асоси сифатида эътироф этилмаган.

Шу билан бирга, бир қараганда юқоридаги давлатлар қонунчилигида белгиланган, фуқароликни тан олиш ёки оталикни белгилаш орқали фуқароликни олиш асослари қонунчилигимизда биргина юқорида келтирилган "*... ушбу қонунда назарда тутилган бошқа асосларга кўра*" деган жумла билан ҳал этиб қўйилгандек туюлади. Бироқ назаримизда мазкур йўллар орқали фуқароликка эришишнинг ўзига хос хусусиятлари ва талаблари мавжудлигини инобатга олганда, уларнинг айримларини фуқаролик олишнинг алоҳида (мустақил) асослари сифатида белгилаш ҳамда талқин этиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳозирги вақтда шахснинг мамлакат ҳудудида доимий яшаш факти унинг шу давлат фуқаролигига мансублигини тан олишда ҳал қилувчи масала бўлиб қолаётганлиги мазкур асосни фуқаролик олишнинг муостақил асоси сифатида белгиланиши лозимлигини тасдиқлайди. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 13 мартдаги Қонуни 6-моддаси талабларига кўра, мамлакатда доимий яшовчи 91500 нафар фуқаролиги йўқ шахснинг 47600 нафари (52 фоиз)нинг Ўзбекистон фуқаролигини олиши кутилаётганлиги [3] илгари сурилаётган таклифнинг мазмунан тўғрилигини асослайди.

Шунингдек, ҳуқуқшунос олимлар В.Н. Калинин ва А.А. Кальгина ўз тадқиқотларида а) оммавий ёки жамоавий натурализация (баъзан "трансферт") қилиш; б) фуқароликни танлаш ("оптация"); в) фуқароликни тиклаш ("реинтеграция", "репатриация") каби ҳолатларни фуқароликни олиш асослари сифатида кўрсатиб ўтади. Уларнинг фикрича, фуқаролик олиш имконияти икки асосий йўл орқали амалга оширилади: 1) умумий тартибда; 2) истисно (алоҳида) тартибда [4, Б.25]. Умумий тартибда фуқаролик олиш барча учун қўйилган умумий талабларни бажариш лозимлигини англатса, истисно (алоҳида) тартибда фуқаролик олиш умумий талабларда белгиланган қоидаларнинг айримларини бажарган (қонунчилик ва халқаро шартномада белгиланган) ҳолда фуқароликка қабул қилиниш мумкинлигини назарда тутати.

Шу ўринда бизнингча, фуқароликка қабул қилишнинг учинчи йўли сифатида умумий тартибда белгиланган шартларни соддалаштирилган ҳолда (*масалан, мамлакатда доимий яшаш муддатини ва фуқароликка доир мурожаатларни кўриб чиқиш муддатини қисқартириш асосида*) бажаришни назарда тутувчи соддалаштирилган тартибда фуқаролик олиш асослари ҳам мавжудлигини қайд этиш ўринлидир. Қолаверса назаримизда фуқароликни танлаш ("*оптация*"), фуқаролик (*унга мансублик*)ни тан олиш, фарзандликка олиниш ёки оталикни белгилаш орқали фуқаролик олиш фуқароликка қабул қилиш асослари сифатида

этироф этилиши мутлақо асоссиз. Чунки мазкур ҳолатларда шахсинг давлат томонидан белгиланган фуқароликка қабул қилишнинг умумий тартиби ва шартларини бажариши талаб этилмайди. Унинг фуқаролиги қонунда назарда тутилганлиги сабаб шунчаки тан олинади ва расмийлаштирилади. Шу боис фикримизча, фуқароликни (унга мансубликни) тан олишни "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида"ги қонуни 13-моддасида алоҳида асос сифатида этироф этиш мақсадга мувофиқдир.

Кўриб чиқиладиган масала юзасидан тадқиқот олиб борган рус олими Е.Н. Изотованинг фикрига кўра, Россия қонунчилигида белгиланган фуқаролик олиш талаблари етарлича мураккаб ҳисобланади. Олим ўз фикрини қуйидагилар билан асослашга ҳаракат қилади:

1) давлатда фуқаролик олишдаги мажбурий процедуралар босқичи бошқа мамлакатларга нисбатан икки барабар кўп; Масалан, АҚШда мазкур жараён ягона "Green card" (бошқа давлатларда аналог ҳужжат сифатида "permanent resident card") асосида амалга оширилса, РФда эса, мамлакатда бўлишга (яшашга) рухсат берувчи икки турдаги ҳужжат а) вақтинчалик яшашга рухсатнома (визадан ташқари); б) доимий яшаш гувоҳномаси талаб этилади;

2) вақтинчалик яшашга рухсатнома ва доимий яшаш гувоҳномасига эга шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати сезиларли даражада фарқлансада, уларни олишга қўйилган талаблар деярли бир хил (асосий фарқ фақат кўрсатилган ҳужжатлар номига боғлиқ).

Натижада эса, талаблари моҳиятан бир хил, ваколатли органлар учун расмиятчиликни юзага келтирувчи ва коррупцион омилларга асос бўлувчи икки хил рухсатнома қоидаларининг такрорланиши кузатилади. Шунингдек, тадқиқотчи фуқароликка қабул қилиш мезони сифатида шахсинг қонуний асосда яшаганлиги (вақтинча ёки доимий яшаганлиги эмас) тан олиниши лозимлигини ҳисобга олганда, бундай тизимнинг шахс ҳуқуқлари кафолати учун унчалик мос эмаслигини таъкидлайди [5, Б. 7].

Қиёсий таҳлил қиладиган бўлсак, Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 13 мартдаги "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида"ги Қонунининг 19-моддаси 1-қисми "б" бандида ҳам Россия қонунчилигида белгиланган асослар (яшаш гувоҳномаси олинган кундан фуқароликка қабул қилиш тўғрисидаги илтимоснома билан мурожаат қилинган кунга қадар бўлган муддат) назарда тутилган. Шу асосда миллий қонунчилигимизга ҳам, фуқароликка қабул қилиш шартларида шахсинг мамлакатда қонуний асосда бўлган (вақтинча ёки доимийлигидан қатъий назар) муддатининг тўлиқ инobatга олинишини назарда тутиш лозим. Шунингдек, таҳлиллар мазкур нормада келтирилган шарт фақатгина фуқаролиги йўқ шахсларга дахлдор бўлиб қолганлигини кўрсатади (сабаби унда чет эл фуқароси инobatга олинмаган). Бундан ташқари, 19-модданинг 2,3-қисмларида келтирилган қоидаларнинг (мамлакатда "узлуксиз" яшаш муддатини ҳисоблаш ҳамда фуқаролик олиш асоси сифатида никоҳда бўлиш муддатини татбиқ этиш ҳақидаги) ҳам фақатгина фуқаролиги йўқ шахсларга нисбатан қўлланилиши лозимлиги белгиланган. Бу эса, фуқароликка умумий тартибда қабул қилиш" шартлари чет эл фуқароларига тааллуқли эмаслигини англатиб, ушбу норманинг 1-қисмида назарда тутилган умумий қоида билан зиддиятни юзага келтиради.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 майдаги "Ўзбекистон Республикасида сиёсий бошпана бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ-5060-сон фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида сиёсий бошпана бериш тартиби тўғрисидаги Низомга

кўра, сиёсий бошпана берилган шахсларнинг ҳуқуқий мақоми республикада доимий яшовчи чет эл фуқаролари ва фуқаролиги йўқ шахсларга тенглаштирилиши (3-банди) ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиниши мумкинлиги (23-банди) қайд этилган бўлсада, фуқаролик олиш учун асос бўлувчи, мамлакатда доимий яшаш муддатини ҳисоблашда сиёсий бошпана бериш тўғрисидаги гувоҳнома (ёки унинг асосида олинган яшаш гувоҳномаси) расмийлаштирилгандан кейинги муддат инобатга олинмаган.

Бу эса, кўриб чиқиладиган тоифадаги шахсларнинг фуқароликка доир халқаро ҳуқуқ билан кафолатланган ҳуқуқлари чекланишига сабаб бўлиб, Т.Я. Хабриева таъкидлаганидек, қочоқлар моқомини белгиловчи қонун ҳужжатлари билан мантиқий зиддиятни юзага келтиради [6, Б.190-191]. Юқоридагиларга асосланиб, қонун нормасига (19-модда 1-қисми) тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш орқали қуйидаги таҳрирда баён этиш мақсадга мувофиқдир:

**19-модда. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига умумий тартибда қабул қилиш**

*Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига қабул қилишнинг умумий тартиби чет давлат фуқаросига ёки фуқаролиги бўлмаган шахсга нисбатан қуйидаги ҳолларда амалга оширилади, агар у:*

*а) чет давлат фуқаролигидан чиқишни расмийлаштирган бўлса;*

*б) чет эл фуқароси, фуқаролиги йўқ шахс, шунингдек сиёсий бошпана берилган шахсга яшаш гувоҳномаси олинган кундан эътиборан ва Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига қабул қилиш тўғрисидаги илтимоснома билан мурожаат қилган кунга қадар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида узлуксиз беш йил давомида доимий яшаб келадиган бўлса;*

*в) тирикчиликнинг қонуний манбаига эга бўлса;*

*г) Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига риоя этиш мажбуриятини ўз зиммасига олса;*

*д) давлат тилини мулоқот қилиш учун зарур даражада билса. Давлат тилини билиш даражасини аниқлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.*

Умуман олганда, илгари суриладиган таклиф ва тавсияларнинг қонунчиликда ўз аксини топиши келгусида фуқароликка доир ишларни юритиш соҳасидаги муаммо ва камчиликларни бартараф этиш орқали шахсларнинг табиий ҳуқуқларини кафолатлаш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

### **Иқтибослар/Сноски/References**

1. Закон Республики Армения от 16 ноября 1995 года, С-061-І-ЗР-16 "О гражданстве Республики Армения" // URL: <http://parliament.am/legislation.phpsel=show&ID=1731&lang=rus#>. (The Law of the Republic of Armenia on November 16, 1995, С-061-І-ЗР-16 "On Citizenship of the Republic of Armenia" // URL: <http://parliament.am/legislation.phpsel=show&ID=1731&lang=rus#>)

2. Закон України від 18 січня 2001 року N 2235-III "Про громадянство України" // URL: <http://zakon5.rada.gov.ua/laws/show/2235-14> (The Law of Ukraine on September 18, 2001, №2235-III "On Citizenship of Ukraine")

3. Тарихий адолатнинг яна бир тантанаси // Халқ сўзи. 2020 й. 17 март. №56 (Another celebration of historical justice // Xalq so'zi. 2020. March 17. №56)

4. Калинин В.Н., Кальгина А.А. Изменение требований при приеме в Российское гражданство федеральным законом РФ от 20 апреля 2014 г. №71-ФЗ, связанных с владением русским языком // Вестник Московского университета МВД России. - 2014. - №12. - С. 25 (Kalinin V.N., Calgina A.A. Change in requirements for admission

to Russian citizenship by the federal law of the Russian Federation of April 20, 2014, №71 - related to the knowledge of the Russian language // Bulletin of the Moscow University of the Ministry of Internal Affairs of Russia. 2014. № 12. P. 25)

5.Изотова Е.Н.Институт гражданства Российской Федерации: особенности становления, правовое регулирование: Автореф. дисс. ..канд. юрид. наук. М.: 2015. С.7 (IzotovaE.N.Institute of Citizenship of the Russian Federation: features of formation, legal regulation: Abstract. diss. ... cand. legal sciences. М.: 2015. P. 7.)

6.Хабриева Т.Я. Избранные труды: в 10 т. Т. 4: монографии. Содерж.: Миграционное право России: теория и практика. - М., 2018. - С. 190-191. (Khabrieva T.Ya. Selected works: in 10 vol. Т. 4: monographs. Contents: Russian Migration Law: Theory and Practice. М., 2018. P. 190 191)

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

## ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ

ҲАМРОҚУЛОВ Баҳодир Мамашарифович,  
Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети  
тадқиқотчиси, юридик фанлар номзоди  
E-mail: info@advocateabf.com

### ИТАЛИЯ ВА БЕЛЬГИЯДА МАЪНАВИЙ ЗИЁННИ ҚОПЛАШ ҚОНУНЧИЛИГИ ВА СУД АМАЛИЁТИ

**For citation** (иқтибос келтириш учун, для цитирования): ҲАМРОҚУЛОВ Б.М. ИТАЛИЯ ВА БЕЛЬГИЯДА МАЪНАВИЙ ЗИЁННИ ҚОПЛАШ ҚОНУНЧИЛИГИ ВА СУД АМАЛИЁТИ // Юрист ахборотномаси - Вестник юриста - Lawyer herald. № 1 (2020), Б.32-38.



№1 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2020-1-4>

#### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Италия ва Бельгия давлатлари қонунчилигида маънавий зиённи қоплашни тартибга солишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ва суд амалиётини ўрганилган ва қиёсий таҳлил қилинган. Ўрганиш натижалари юзасидан оғриқ, мажруҳлик, ҳаёт қулайликларидан маҳрум бўлиш ва бошқа шу каби номоддий зарарлар учун мутаносиб миқдорда маънавий зиён компенсацияси тўланиши кераклиги асосланганди. Ушбу давлатларда маънавий зиённи ундиришда асосий эътибор жароҳат тури ва унинг жиддийлиги, жабрланувчининг доимий меҳнатга қобилиятсиз бўлиб қолиш даражаси ва унинг ҳаёт қулайликларидан маҳрум бўлиши, ота-оналар фарзандларининг жиддий ва узоқ муддатга жарахотланиши, яқин кишининг йўқотиши каби омилларга қаратилади. Италия ва Бельгия давлатлари қонунчилигида маънавий зиённи қоплаш мукамал йўлга қўйилган. Бу эса ушбу давлатлар фуқароларнинг мулкӣ ва номулкий ҳуқуқлари ҳар тарафлама ҳимояланганидан далолат беради.

**Калит сўз ва иборалар:** Европа; моддий зарар; номоддий зиён, маънавий зиён; субъект; маънавий зиён миқдори, жисмоний шахс; шаън; қадр-қиммат, ишчанлик, обрў, оғриқ, руҳий сиқилиш.

**ХАМРОКУЛОВ Баходир Мамашарифович,**  
Соискатель Университета мировой экономики и дипломатии,  
кандидат юридических наук  
E-mail: info@advocateabf.com

## **ВОЗМЕЩЕНИЕ ЗА МОРАЛЬНЫЙ ВРЕД В ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВАХ И СУДЕБНОЙ ПРАКТИКЕ ИТАЛИИ И БЕЛЬГИИ**

### **АННОТАЦИЯ**

В статье дается сравнительный анализ нормативно-правовых актов и судебной практики, направленный на урегулирование вопросов о компенсации морального вреда в законодательствах Италии и Бельгии. Результат изучения вопроса способствовал выявлению непропорциональности размера возмещения за моральный вред, таким немущественным вредом как боль, инвалидность, быть лишенным жизненных удобств и др. Анализ показал, что в этих странах при назначении компенсации за моральный вред, где особое внимание обращают к таким факторам как увечье, серьёзность последствий, уровень нетрудоспособности потерпевшего и лишение его жизненных удобств, смерть детей в результате получения серьезных и долговременных увечий, потеря близкого человека. В статье также указывается, что в Италии и Бельгии в достаточной мере функционирует система компенсации за моральный вред. Свидетельство тому является, что в этих государствах всесторонне охраняются имущественные и немущественные права граждан.

**Ключевые слова и выражения:** материальный ущерб, нематериальный вред, моральный вред, размер морального вреда, физическое лицо, честь, достоинство, деловая репутация, боль, нравственные страдания.

---

**HAMROKULOV Bahodir,**  
University of World Economy and Diplomacy, researcher,  
Candidate of Juridical Sciences  
E-mail: info@advocateabf.com

## **LEGISLATION ON COMPENSATION FOR MORAL DAMAGE AND JUDICIAL PRACTICE IN IN ITALY AND BELGIUM**

### **ANNOTATION**

This article examines and makes a comparative analysis of legal acts and judicial practice aimed at resolving issues of compensation for non-pecuniary damage in the legislation of Italy and Belgium. As a result of the study, the need for compensation for moral harm was justified in proportion to such non-material harms as pain, disability, being deprived of life amenities, etc. In these countries, when compensating for non-pecuniary damage, special attention is paid to such factors as the type of injury and its severity, the level of disability of the victim and the deprivation of his life comforts, the death of children as a result of serious and long-term injuries, the loss of a loved one. In such states as Italy and Belgium, the system of compensation for non-pecuniary damage works perfectly. This shows that the property and non property rights of citizens are fully protected in these states.

**Key words and expressions:** Europe; material damage; intangible damage, moral damage; subject; amount of moral damage, individual; reputation; dignity, working reputation, pain, mental deficiency.

---

Маънавий зиённи қоплаш давлатимиз ҳуқуқ тизимида мустақилликга эришганимиздан кейин назарда тутилган бўлсада, назария ва амалиётда бу масалани тартибга солишда бир қанча ўз ечимини топиши шарт бўлган муаммолар мавжуд. Уларни ёритишга қаратилган бир қатор илмий изланишларимизни қайд этган ҳолда, ушбу мақолада фақат хорижий давлатлар Италия ва Бельгиянинг бу борадаги қонунчилиги ва суд амалиёти тажрибаси ўрганиб чиқилди [1].

Маънавий зиён қоплаш амалий ва назарий жиҳатдан ўта мураккаб масала бўлганлиги сабабли, уни қоплашни тартибга солиниши демократик давлатларнинг қонунчилигида турлича кўринишда намоён бўлади. Европанинг қитъа ҳуқуқ тизими хос мамлакатларда маънавий зиённинг қопланиши масаласи, асосан, Франция Фуқаролик кодекси анъаналарида шакллантирилганлигини кўриш мумкин. Жумладан, Бельгия Қироллигида "Наполеон Кодекси"га асосланган "Бельгия Фуқаролик кодекси" [2] фуқароларнинг жавобгарлигини белгиловчи фундаментал нормаларни ўз ичига олади. Бу доктринал қоида сифатида Фуқаролик кодексининг 1382-моддасида белгиланган. Унга кўра, "ўзининг ғайриқонуний ҳатти-ҳаракати оқибатида бошқа бир шахсга зарар етказган ҳар қандай шахс ўша зарарларнинг ўрнини қоплаб беришга мажбур. У, шунингдек, нафақат ўз ҳаракатлари туфайли етказилган зарар, балки эҳтиётсизлиги ёки бепарволиги оқибатида етказилган зарар учун ҳам жавобгар ҳисобланади" [3].

Бельгия Фуқаролик кодекси эҳтиётсизлик оқибатида етказилган зарарни қоплашни назарда тутиш билан бирга, фуқаронинг айбидан қатъий назар жавобгарлик келиб чиқиши мумкин бўлган ҳолатларни ҳам назарда тутди. Бундай норма кодекснинг 1384-моддасида назарда тутилган бўлиб, унда фуқаро нафақат ўзининг ҳаракатлари учун, балки унинг ихтиёрида (бўйсунувида) бўлган бошқа шахсларнинг ҳаракатлари учун ҳам айби бўлишидан қатъий назар жавоб бериши белгиланган. Ушбу модданинг охириги бандида бундай жавобгарлик келиб чиқиши учун зарар кўрган шахснинг қонунга хилоф ҳаракатлари бўлмаслиги ва зарарнинг олдини олиш бўйича жавобгар барча чоралар кўрганига қарамасдан бундай зарарнинг келиб чиқиши асосий шарт қилиб белгиланган [4].

Бельгия Фуқаролик кодекси моддий зарар (*prejudice materiel*) ва маънавий (номоддий) зиённи (*dommage moral*) ажратмайди, балки зарар тушунчаси иккала ҳолатни ҳам ўзида ифода этади. Бельгия Олий судининг 1881 йил 17 майда чиқарган фундаментал қароридан бошлаб, маънавий (номоддий) зиён учун компенсация моддий зарар учун компенсация тайинлаш амалиёти билан бир хил кўринишга эга бўлган.

Бельгия ҳуқуқий тизимида кўра, жабрланувчи қуйидаги ҳолатларда маънавий (номоддий) зиён (*dommage moral*) учун компенсация талаб қилиши мумкин:

вақтинчалик ишга лаёқатсизлик давомида жабрланувчида маънавий зиённи (*dommage moral*) келтириб чиқарувчи жисмоний оғриқ ва руҳий азобланиш (*pretium doloris*) учун компенсация. Бу касалхонада даъволанганлик ва ишга лаёқатсиз бўлганлик муддатини ҳисобга олган ҳолда ундирилади;

доимий ишга лаёқатсиз бўлиб қолиши оқибатида етказилган маънавий зиён учун компенсация. Бу қуйидаги ҳолатларда келиб чиқиши мумкин: мажруҳ бўлиб қолиш (*prejudice esthétique*), ҳаётдан завқланиш имкониятининг йўқолиши ва ҳаёт қулайликларидан маҳрум бўлиш (*prejudice d'agrément*), ижтимоий ва жинсий ҳаётига путур етиши;

Бельгиянинг Фламанд қисмида жабрланувчининг меҳнат қобиляти 1 фоиздан 10 фоизгача йўқотилганлиги оқибатида етказилган зарар учун компенсация меҳнат қобилятини йўқотилганлик даражасига қараб, моддий ва маънавий зиёнлар



компенсацияси биргаликда бир йўла тўланади (*dommage matériel et moral confondu par point d'I.P.*, яъни моддий ва маънавий зиён биргаликда қисман лаёқатсизликнинг ҳар бир даражаси қараб).

Бельгия суд амалиётида танга жароҳат етказиш оқибатида келиб чиққан маънавий зиён ўртача қуйидаги миқдорда маънавий зиён ундириб келинмоқда; вақтинчалик ишга қобилиясизлик даврида (оғир касаллик даври), ҳар бир касалхонада бўлган кун учун 37,20 дан 44,60 еврогача ва касалхонани тарк этгандан кейин ишга тўлиқ қобилиятсизликнинг ҳар бир куни учун 29,75 евро ҳисобиди; иш қобилияти кўрсаткичларининг қисқариши (1-10 фоиз) оқибатида келиб чиқадиган моддий ва маънавий зиён учун бир йўла тўланадиган компенсация ҳар бир алоҳида зарар учун 743,70дан 1239,50 еврогача ҳисобиди ундирилган.

Ота-оналар фарзандларининг жиддий ва узоқ муддатга жараҳатланиши натижасида ўз бошларидан ўтказган руҳий сиқилишлари натижасида етказилган маънавий зиённи қоплашни талаб қилишлари мумкин ("*vue de souffrances d'un être cher*"). Бундай ҳолатларда ҳар бир ота-онага етказилган маънавий зиённинг миқдори ўртача 12395 евро бўлиши мумкин. Европа иттифоқи (ЕИ) кенгашининг 1998 йил 2 майдаги қарори билан пул бирлиги сифатида евро муомалага киритилган. Ўша пайтда муомалада бўлган 1000 Бельгия франки 24,79 еврога тенглаштирилган.

Яқин қариндошининг вафот этиши натижасида етказилган маънавий зиён учун компенсацияни ундириш бўйича вафот этган жабрланувчи бахтсиз ҳодиса ва ўлими оралиғидаги вақт мобайнида хушида бўлган даврида чеккан оғриқ ва азобланишлари учун (*préjudice ex haerede*) унинг ворислари томонидан даъво қилиниши мумкин. Маънавий зиённи (*dommage moral*) ундириш талаби билан судга фақат вафот этган шахсининг яқин қариндошлари мурожаат этишлари мумкин. Компенсация миқдори кўп жиҳатдан даъвогар вафот этган жабрланувчи билан бир уйда яшаган ёки яшамаганлиги фактига боғлиқ.

Ўз фарзандларидан айрилган ота-оналар, ўз ота ёки оналарини йўқотган фарзандлар, ўз турмуш ўртоғини йўқотган эр ёки хотин, ўз ака-ука ёки опа-сингилсини йўқотган ака-ука ва опа-сингиллар маънавий зиён учун компенсация талаб қилиш ҳуқуқига эгадирлар. Шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда, вафот этган жабрланувчи билан бирга яшаган ёки унаштирилган шахслар ҳам ўз шеригидан ажралганлиги учун компенсация талаб қилиши мумкин. Жабрланувчининг қолган қариндошлари эса алоҳида ҳолатларда компенсация олишлари мумкин.

Бельгияда жабрланувчи вафот этганлиги оқибатида маънавий зиён учун компенсация, тахминан қуйидаги ҳажмларда ундирилган:

турмуш ўртоғини йўқотиш: 6197,50 евро;

ота ёки онадан ажралиш: 1983,20 - 3718,50 евро;

ота ва онадан ажралиш: 7437 евро;

бир уйда яшовчи фарзандни йўқотиш: 3718,50 евро;

бир уйда яшамайдиган фарзандни йўқотиш: 1859,25 евро;

Ака ёки укадан ажралиш:

бир уйда: 1239,50 евро;

бир уйда бўлмаса: 867,65 евро;

қайлиғидан ажралиш: 2479 евро [5].

Судья компенсация белгилашда ўзи мақбул деб топган шаклни эркин танлайди. Маънавий зиён учун компенсация ҳар доим бир йўла тўланадиган сумма шаклида тайинланади. Суд етказилган зарарлар учун компенсация суммаси миқдорини ўзи лозим деб ҳисоблаган миқдорда тайинлайди. Бельгия қонунчилигида судья маънавий зиён миқдорини эркин белгилаш билан биргаликда, илгари айнан

шунга ўхшаш ишларда қанча миқдорда маънавий зиён компенсацияси тайинланганлигини ҳам ҳисобга олиши керак. Судья компенсация миқдорини қарор чиқарилаётган кундаги ҳолатни ҳисобга олиб чиқаради.

Италияда маънавий зиённи қоплашни назарда тутувчи асосий норматив-ҳуқуқий ҳужжат - Италия Фуқаролик кодекси (Codice Civile) [6] ҳисобланади. Фуқаролик кодексининг 2043-моддасида ҳар қандай етказилган зарар, зарар етказувчи томонидан қопланиши лозимлиги белгиланган. Шунингдек, Фуқаролик кодексининг бир неча моддаларида зарар етказувчининг айбидан қатъий назар, етказилган зарарни қоплаш ҳолатлар ўз ифодасини топган. Мисол учун, Кодекснинг 2054-моддаси 1-қисмида йўл транспорти ҳодисасида ҳайдовчи ёки автотранспорт воситаси эгаси учун шундай жавобгарлик белгиланган. Бундан ташқари, 2049-моддада (мулкдорларнинг жавобгарлиги), 2051-2053 (ижарага олувчилар, уй ҳайвонлари ва бино ва иншоотларнинг қулаши натижасида етказилган зарарларни қоплаш) моддаларда қатъий жавобгарлик учун аниқ ҳолатлар белгилаб қўйилган [7].

Италияда қонунлар ва ҳуқуқий амалиётга асосан зарарнинг қуйидаги икки тури бир биридан фарқланиши келтириб ўтилган:

а) моддий зарар (1223-модда);

б) номоддий зарар (2059-модда)

*danno morale, pretium doloris*: жисмоний оғриқ ёки маънавий азоб;

*danno estetico*: эстетик зарарлар, мажруҳлик ёки чандиқ қолиши;

*danno alla vita di relazione*: касбий маҳоратига путур етиши, ижтимоий, спорт ва маданий фаолиятига етказиладиган зарар.

Италияда шаклланган амалиётга кўра сўнгги йилларда, икки категория, яъни *danno estetico* ва *danno alla vita di relazione* учун *danno biologico*, яъни ақлий ёки жисмоний салоҳиятга шикаст етиши ёки соғлиққа етказилган зарарлар (моддий оқибатларидан қатъий назар) бўйича компенсация тўланиб келинмоқда [8].

1985 йилдан бошлаб, Италия судлари инсонга етказилган шикаст бўйича зарарнинг янги турини ("*danno biologico*") амалиётда қўллай бошлашди, яъни бу италян тилидан ўзбек тилига таржима қилинганда жисмоний ёки ақлий салоҳиятга етказилган шикастнинг доимий, шу жумладан, вақтинчалик оқибатларини билдиради. Жабрланувчилар ўзларининг моддий ҳолатига етказилган зарарга қўшимча равишда "биологик зарар" учун компенсация даъво қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Бунда инсоннинг ақлий ва жисмоний салоҳияти деганда, фақатгина унинг меҳнат қилиш қобилияти эмас, балки унинг жисмоний, интеллектуал, маданий ва ижтимоий соҳалардаги ривожланишини ҳам назарда тутлади. Яъни, бундай зарар меҳнат қилиш қобилиятига етказилган зарардан алоҳида қопланадиган номоддий зарарни англатади. Аммо, айрим ҳолатларда моддий ва номоддий зарар ўртасидаги аниқ фарқлар юзага келмайди, ва бунда "биологик зарар" учун компенсациянинг миқдори аниқ белгилаб қўйилмагани учун у моддий зарар элементлари таркибига киритилган.

Гарчи, етказилган зарар учун компенсация тайинлаш бўйича ягона тарифлар мавжуд бўлмасада, кўплаб судлар Женева трибунали тажрибасига асосланган ҳолда йиллик ижтимоий суғурта нафақасининг 3 карра миқдоридан "биологик зарар"ни ҳисоблаб чиқишда асос сифатида фойдаланиш амалиётини йўлга қўйишган [9]. Ҳозирги кунда, баъзи судлар ўзлари мақбул деб ҳисоблаган ҳисоблаш мезонларига асосанган ҳолда давлат томонидан ўрнатилган бу ижтимоий суғурта нафақаси 3 карра миқдоридан ҳам ошиқроқ қийматларни белгилашмоқда. Бунда компенсация тарафга етказилган зарарнинг йиллик анатомик/функционал шикастланиш даражасидан келиб чиқиб белгиланади. Бу олинган таянч қиймат

кейин Ижтимоий суғурта тизимида фойдаланиладиган коэффициентга кўпайтирилади (1922 йилда амалга киритилган ва 4,5фоиз фоиз ставкасига асосланади). Бу методнинг тарафдорлари Италия Конституциянинг 3-моддасида мустақамланган тенглик принципига ишора қилишади. Унга кўра, ҳар бир инсоннинг салоҳияти бир хилда юқори ўлчаниши ва ҳар бир шахсга етказилган зарар бир хил асосларда қопланиши лозим [10].

Зарар кўрган шахс ёки вафот этган жабрланувчининг яқин қариндошлари моддий ва биологик зарарга қўшимча равишда маънавий зиён (*danno morale*), яъни жисмоний оғриқ ёки маънавий азоб учун компенсация талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Судлар Италияда маънавий зиён миқдорини аниқлашда ҳар йил Олий суд томонидан белгилаб берилган Милан таблицасига асосланишади. Таблица қуйидаги кўринишда ифодаланган:

Касаллик кунлари (Invalidita)	Биринчи йил учун маънавий зиён (Danno non patrimoniale per il primo anno)	Биринчи ва иккинчи йил учун маънавий зиён (Danno non patrimoniale per il primo e il secondo anno)	Кейинги ҳар бир қўшилган йил учун маънавий зиён (Danno non patrimoniale per ogni ulteriore anno successivo)	Жабрланувчининг ҳолатига қараб миқдори кўпайтириш фоизи (Aumento personalizzato)
1 - 100	63 – 51810	110 - 90667	31- 25905	50 фоиз – 25 фоиз

1-устунда зарар етказилган кунлар;

2-устунда зарар етказилган кундан бир йилгача муддатда зарарнинг баҳоси (еврода);

3-устунда зарар етказилган кундан биринчи йилдан иккинчи йил тўлгунга қадар зарарнинг миқдори (еврода);

4-устунда учинчи йилдан бошлаб ҳар бир қўшилган йилга зарарнинг миқдори (еврода);

5-устунда жабрланувчи ва зарар етказувчининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб қўшиладига фоиз [11].

Суд амалиёти таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, корпоратив низолар бўйича даъво аризасида одатда бир нечта талаблар бирлаштирилган бўлади ва уларнинг айримлари иқтисодий судга, бошқалари эса фуқаролик ишлари бўйича судга ёки маъмурий судга тааллуқли бўлади. Хўжалик жамиятлари ва ширкатларининг устав фондидаги (устав капиталидаги) акцияларни, улушларни, кооперативлар аъзоларининг пайларини ўз ичига олувчи мерос мол-мулкни ёки эр-хотиннинг умумий мол-мулкни бўлиш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган низолар, меҳнатга оид низолар, давлат рўйхатига олиш билан боғлиқ бўлган ёки давлат органининг ҳужжатини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги талаблар шулар жумласидандир.

Ўзаро боғлиқ бир нечта талаб бирлаштирилган бўлиб, уларнинг айримлари фуқаролик ишлари бўйича судга ёки маъмурий судга, бошқалари эса иқтисодий судга тааллуқли бўлса, хусусан, иқтисодий судга тааллуқли бўлган талаб билан бирга давлат рўйхатига олиш билан боғлиқ бўлган ёки давлат органининг ҳужжатини ҳақиқий эмас деб топиш каби талаблар ҳам қўйилган бўлса, даъво аризаси (ариза) ИПК 155-моддаси биринчи қисмининг 4-бандига асосан қайтарилади [6]. Бунда эътибор қаратилиши лозим бўлган жиҳат шундаки, корпоратив низо билан бирга иқтисодий судга тааллуқли бўлмаган (фуқаролик ишлари бўйича судга ёки маъмурий судга тааллуқли) талаб бирлаштириб берилган тақдирда, даъво аризасини қабул қилишни рад этилишига йўл қўйилмаслигидадир. Қоида тариқасида (ИПК 25-моддаси) ўзаро боғлиқ бўлиб, баъзилари иқтисодий судга, бошқалари эса фуқаролик ишлари бўйича судга тааллуқли бўлган бир нечта талаб бирлаштирилган тақдирда, барча талаблар фуқаролик ишлари бўйича судда кўрилиши лозим.

Агар ўзаро боғлиқ бўлиб, баъзилари иқтисодий судга, бошқалари эса фуқаролик ишлари бўйича судга тааллуқли бўлган бир нечта талаб бирлаштирилиб берилган даъво аризаси иш юритишга қабул қилинган бўлса, ИПК 110-моддасининг 1-бандига асосан иш юритиш тугатилади.

Агар ўзаро боғлиқ бўлиб, баъзилари иқтисодий судга, бошқалари эса маъмурий судга тааллуқли бўлган бир нечта талаб бирлаштирилиб берилган даъво аризаси иш юритишга қабул қилинган бўлса, суд иқтисодий судга тааллуқли бўлган талабни мазмунан кўриб чиқиши, маъмурий судга тааллуқли талаб бўйича эса ИПК 110-моддасининг 1-бандига асосан иш юритишни тугатиши лозим.

Корпоратив низо бўйича даъво аризасини иш юритишга қабул қилиш масаласини ҳал қилишда, даъво аризаси судга судловга тегишлилик қоидасига риоя қилинган ҳолда тақдим этилганлиги ҳолатини ўрганиш зарур. Чунки, судловга тегишлиликнинг умумий қоидасидан фарқли равишда корпоратив низолар бўйича даъво аризаси жавобгар давлат рўйхатидан ўтган жойдаги судга эмас, балки юридик шахс жойлашган жойдаги судга тақдим этилади. ФК 46-моддасининг мазмунига кўра юридик шахснинг жойлашган жойи ва унинг давлат рўйхатидан ўтказилган жойи бир биридан фарқ қилиши мумкин. Зеро, юридик шахс қонунга мувофиқ таъсис ҳужжатларида жойлашган жойини мустақил белгилайди. Юридик шахснинг жойлашган ери (почта манзили) унинг таъсис ҳужжатларида кўрсатилади. Судловга тегишлилик қоидасига риоя қилинмаган ҳолда судга тақдим этилган корпоратив характердаги даъво аризаси (ариза) ИПК 155-моддаси биринчи қисмининг 3-бандига асосан қайтарилади.

Корпоратив низолар бўйича даъволарнинг судловга тегишлилигини аниқлашда ИПКнинг 32-моддасига ҳам эътибор бериш зарур. Чунки, тарафлардан бири (корпоратив низолар бўйича одатда акциядор, улуш эгаси, таъсисчи, иштирокчи) Ўзбекистон Республикаси норезиденти - чет эл шахси бўлган ишлар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар иқтисодий судлари томонидан кўриб чиқиладиган низолар тоифасига киритилганлиги сабабли бундай ишларни туманлараро, туман (шаҳар) иқтисодий судлари томонидан кўриб чиқилишига йўл қўйилмайди.

Қоида тариқасида бошқа даъволар сингари корпоратив даъволар бўйича ҳам судларга мурожаат қилинганда давлат божи олдиндан тўланади. Албатта, "Давлат божи тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (матнда Қонун деб юритилади)да назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Жумладан, қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи - Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги ва унинг ҳудудий органлари ўз зиммасига юклатилган ваколатларига мувофиқ судлар кўриб чиқиши учун киритиладиган даъволар бўйича давлат божи тўлашдан озода этилган бўлса, акциядорлар акциядорлик жамиятининг фаолиятдан келиб чиқадиган низолар бўйича ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисидаги даъво билан иқтисодий судга мурожаат қилган тақдирда акциядорларга давлат божини тўлаш муддати кечиктирилиб, бу бож кейинчалик айбдор тарафдан ундириб олиниши белгиланган.

Қонуннинг 4-моддасида белгиланган талаблардан келиб чиқиб, шуни инобатга олишлари лозимки, агар давлат божи даъвогар (аризачи) ўрнига бошқа шахс томонидан тўланган бўлса (корхона учун унинг раҳбари ёки таъсисчиси томонидан давлат божи тўланган ҳоллар бундан мустасно), давлат божи ҳақиқатда тўланмаганлигидан келиб чиққан ҳолда, даъво аризаси (ариза) ИПК 155-моддаси биринчи қисмининг 6-бандига асосан қайтарилиши лозим. Яъни корпоратив низо бўйича корхона томонидан киритилган даъво аризаси (ариза) учун давлат божи тўловини таъсисчи томонидан амалга оширилишига йўл қўйилади, аммо таъсисчи томонидан киритилган даъво бўйича даъво аризаси (ариза) учун давлат божини корхона томонидан тўланишига йўл қўйилмайди.

Судга корпоратив низолар бўйича мулкӣ хусусиятдаги (масалан: улушнинг ҳақиқӣ қийматини ундириш, мол-мулкни талаб қилиб олиш) даъво аризалари (аризалар) билан мурожаат қилинганда давлат божи миқдори ундириладиган суммадан, номулкӣ хусусиятдаги (масалан: юридик шахс иштирокчиларининг умумий йиғилишини чақиритиш, эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштириш жараёнида тузилган битимни ҳақиқӣ эмас деб топиш) даъво аризаларидан (аризалари) базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 бараваридатўланади. Даъво аризасида бир вақтнинг ўзида бир нечта номулкӣ талаб қўйилган бўлса (масалан: юридик шахс бошқарув органининг иккита қарорини ҳақиқӣ эмас деб топиш), ҳар бир талаб бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 бараваридан давлат божи тўланилиши лозим.

Бир вақтнинг ўзида мулкӣ ва номулкӣ хусусиятга эга бўлган корпоратив даъво аризалари (аризалар) учун мулкӣ хусусиятдаги даъво аризалари учун белгиланган ставкалар бўйича ва номулкӣ хусусиятдаги даъво аризалари учун белгиланган ставкаларга кўра ҳар бир талаб бўйича алоҳида-алоҳида давлат божи тўланади.

Даъво биргаликда бир нечта даъвогар томонидан бир ёки бир нечта жавобгарга нисбатан тақдим этилганда (бу каби даъволар корпоратив низоларда кўп учрайди), давлат божи даъвонинг умумий суммасидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб

чиқарилади ва даъвогарлар томонидан улар қўйган талаблар улушига мутаносиб тарзда тўланади. Шунини инобатга олиш лозимки, Қонунда мулкний тусдаги даъвогар бўйича давлат божи тўлови даъвонинг баҳосидан келиб чиқиб тўланиши (ҳисобланиши) белгиланганлиги сабабли биргаликда бир нечта даъвогар томонидан судга тақдим этилган даъво аризаси бўйича давлат божи белгиланган ставкаларга тенг миқдорда даъвогарлардан бири томонидан тўланганлиги ҳақидаги ваз билан даъво аризасини қайтарилишига йўл қўйилмайди. Ушбу қоида бир нечта даъвогар томонидан судга тақдим этилган номулкий тусдаги даъво аризаси бўйича тўланиши лозим бўлган давлат божи тўловига ҳам татбиқ этилади.

Шунини инобатга олишлари керакки, мазкур тоифадаги ишлар бўйича ИПКнинг 94-моддасида кўрсатилган даъвони таъминлаш чоралари қўлланилади. Бунда даъвони таъминлаш чоралари арз қилинган талабларга мос келиши, яъни бевосита низо предметиға боғлиқ, даъво талабларига мутаносиб, суд ҳужжати ижросини таъминлаш учун керакли ва етарли бўлиши лозим. ИПКнинг 93-моддасида даъвони таъминлашга, агар шундай чораларни кўрмаслик суд ҳужжатининг ижросини қийинлаштириши ёхуд бажариб бўлмайдиган қилиб қўйиши мумкин бўлса, иқтисодий суд ишларини юритишнинг ҳар қандай босқичида йўл қўйилиши тўғрисида тушунтириш берилган. Низо предметиға боғлиқ бўлмаган даъвони таъминлаш чорасини қўллашга йўл қўйилмаслиги лозим.

Амалиётда судга жамият иштирокчисини таъсисчилар сафидан чиқариш тўғрисидаги даъво аризасига илова сифатида ушбу даъвони таъминлаш мақсадида жамият балансидаги озиқ-овқат маҳсулотларини сотишга ихтисослашган савдо дўконига таъқиқ солиш, яъни ундан фойдаланишни таъқиқлаш тўғрисида ариза киритилган ҳолатлар мавжуд. Ушбу ҳолатда гарчи даъвони таъминлаш чораси низо предметиға боғлиқ бўлмасада, суд томонидан ариза қаноатлантирилган. Албатта мазкур ажрим кейинчалик юқори инстанция суди томонидан бекор қилинган. Аммо суд ҳужжатининг юқори инстанция судида бекор қилинишига бир ойдан ортиқ муддат керак бўлган. Суд томонидан бундай хатоликка йўл қўйилиб, озиқ-овқат маҳсулотлари савдосининг шу давр мобайнида чекланиши, уларнинг аксарият қисмини истеъмол муддатини ўтишига ва ўз-ўзидан манфаатдор шахс ҳуқуқларининг бузилишига сабаб бўлган.

Хулоса ўрнида шунини таъкидлаш жоизки, таалуқлилиқ ва судловлилиқ қоидаларига риоя қилинган, ишда иштирок этувчи шахслар доираси аниқланиб, мавжуд далиллар пухта ўрганилган, асослантирилган суд ҳужжати учун зарурий далиллар талаб қилинган ҳолда иш юритишга қабул қилинган даъво аризаси, шубҳасиз қонуний суд ҳужжати қабул қилинишига ва шу орқали мулкдорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилинишига хизмат қилади.

### **Иқтибослар/Сноски/References**

1.Раҳмонқулов Ҳ.Р, Гулямов С.С. Корпоратив ҳуқуқ. Т.: ТДЮИ нашриёти. 2008. - Б.448. (H.R. Rakhmonkulov, S.S. Gulyamov. Corporate law. T.: TSUL Publishing House. 2008. - pp.448)

2.Саидов М.Н. Корпоратив низолар: тушунчаси, турлари ва уларни судда кўришнинг ўзига хос жиҳатлари - Т.: Complex Print . 2019. - Б.196. (M.N. Saidov. Corporate disputes: concept, types and peculiarities of their consideration in court. T.: Complex Print. 2019. pp.196)

3.Ўзбекистон Республикаси Олий суди расмий сайти: <http://sud.uz/> (Official website of the Supreme Court of the Republic of Uzbekistan: <http://sud.uz/>)

4.Дорожинская Е.А. Корпоративное право: курс лекций. Е.А.Дорожинская: Изд-во СиБАГС, 2016. - 264 с. (Dorojinskaya E.A. Corporate law: lecture course. E.A.Dorojinskaya: Izd-vo SibAGS, 2016. p.264)

5.Ўзбекистон Республикасининг "Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида" 2015 йил 3 июндаги қонуни // <https://lex.uz/docs/2662539> URL: (Law of the Republic of Uzbekistan "On the securities market" of June 3, 2015 // <https://lex.uz/docs/2662539>)

6.Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг "Биринчи инстанция суди томонидан иқтисодий процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида" 2019 йил 24 майдаги 13-сонли қарори.<https://lex.uz/docs/4395285> (Resolution of the Plenum of the Supreme Court of the Republic of Uzbekistan "On some issues of application of the rules of economic procedure by the court of first instance" dated May 24, 2019 №13 <https://lex.uz/docs/4395285>)

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

## СУД ҲОКИМИЯТИ. ПРОКУРОР НАЗОРАТИ. ҲУҚУҚНИ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

**ОТАЖОНОВ Абдоржон Анварович,**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар  
малакасини ошириш маркази директорининг ўқув-услубий ва илмий ишлар  
бўйича биринчи ўринбосари, юридик фанлар доктори, профессор  
E-mail: abror\_otajonov@mail.ru

### ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИ УСТИДАН ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ОБЪЕКТИ ВА СУБЪЕКТЛАРИ

**For citation** (иқтибос келтириш учун, для цитирования): ОТАЖОНОВ А.А.  
ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИ УСТИДАН ЖАМОАТЧИЛИК  
НАЗОРАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ОБЪЕКТИ ВА СУБЪЕКТЛАРИ /  
/ Юрист ахборотномаси - Вестник юриста - Lawyer herald. № 1 (2020), Б..57-67.



№1 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2020-1-7>

### АННОТАЦИЯ

Мақолада ички ишлар органлари устидан амалга ошириладиган жамоатчилик назорати объекти ва субъектининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда олимларнинг бу борадаги фикр ва мулоҳозалари, шуниндек қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти таҳлил қилинган. Жамоатчилик назорати объекти асосий ва қўшимча объектига ажратилиши ҳамда жамоатчилик назоратини амалга оширишда, биринчи навбатда, барча фуқароларнинг, қолаверса, нодавлат ташкилотлар ва оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва ролини янада кучайтириш лозимлиги асосланган.

**Калит сўз ва иборалар:** ички ишлар органлари, жамоатчилик назорати, жамоатчилик назорати объекти, жамоатчилик назорати субъекти, фуқаролар, оммавий ахборот воситалари.

**ОТАЖОНОВ Абдоржон Анварович,**

Первый заместитель директора по учебно-методической и научной работе  
Центра повышения квалификации юристов при Министерстве юстиции  
Республики Узбекистан, доктор юридических наук, профессор  
E-mail: abror\_otajonov@mail.ru

## ОБЪЕКТ И СУБЪЕКТЫ ОБЩЕСТВЕННОГО КОНТРОЛЯ ЗА ДЕЯТЕЛЬНОСТЬЮ ОРГАНОВ ВНУТРЕННИХ ДЕЛ

### АННОТАЦИЯ

В статье рассматривается специфика объекта и субъекта общественного контроля за деятельностью органов внутренних дел, а также взгляды и труды ученых по этому поводу, вместе с этим проанализированы законодательство и правоприменительная практика. Дается обоснование, что при осуществлении общественного контроля разделяются объекты общественного контроля на основные и дополнительные, при этом необходимым условием является усиление роли и места всех граждан, а также неправительственных организаций и средств массовой информации.

**Ключевые слова и выражения:** органы внутренних дел, общественный контроль, объект общественного контроля, субъект общественного контроля, граждане, средства массовой информации.

ОТАЖОНОВ Abrorjon,

First Deputy Director of the educational, methodological and scientific affairs of the Lawyers' Training Center under the Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan, Doctor of law science, professor  
E-mail: abror\_otajonov@mail.ru

## THE OBJECT AND SUBJECTS OF PUBLIC CONTROL IMPLEMENTATION OVER THE ACTIVITY OF INTERNAL AFFAIRS ORGANS

### ANNOTATION

The article analyzes the specific features of the object and subjects of public control implementation over the activity of internal affairs organs, the views and thoughts of scientists in this regard, as well as the practice of law enforcement are thoroughly analyzed. It is grounded that the objects of public control are divided into main and additional objects, and in the implementation of public control, first, the role and place of all citizens, as well as non-governmental organizations and the mass media should be strengthened.

**Key words and expressions:** internal affairs organs, public control, the object of public control, the subject of public control, citizens, mass media.

Мамлакатимиз Президенти Ш.М. Мирзиёев томонидан 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг биринчи йўналишида жамоатчилик назорати механизмларини амалда татбиқ этиш, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ролини кучайтириш вазифаси белгилаб берилган. Хусусан, бу борада, Ўзбекистон Республикасининг "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги қонуни (2018 йил 12 апрель) қабул қилинганлиги мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг ижтимоийлашуви ҳамда коррупцияга қарши курашнинг янги босқичини бошлаб берди.

Бинобарин, давлат бошқаруви ва ҳокимияти органларининг самарали фаолият юритишида фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ролини кучайтириш муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, давлат органлари раҳбар-ҳодимларининг қонунларга қатъий амал қилиб, ўз зиммаларидаги вазифа ва



мажбуриятларини масъулият билан адо этишларида жамоатчилик назорати институтнинг таъсир доираси ниҳоятда юқори ҳисобланди.

Эътироф этиш керак, кейинги йилларда Ўзбекистонда амалга оширилаётган прагматик, очиқ-ошкора ва шаффофликка асосланган янги босқичдаги ислохотлар самараси туфайли жамиятимизда жамоатчилик назоратининг ҳам таъсир доираси сезиларли равишда кучайди. Айниқса, ижтимоий тармоқларда давлат органлари ва уларнинг раҳбар-мутасаддилари ҳатти-ҳаракатларига нисбатан билдирилаётган муносабатлар туфайли кўплаб камчилик ва муаммолар, қонун бузилиш ҳолатларига чек қўйилаётганлиги бунинг яққол исботидир. Мадомики, фуқароларнинг фаоллиги, ижтимоий ҳодисаларга дахлдорлик ҳиссининг ортиши ҳамда ҳар бир давлат хизматчисининг ўз фаолияти жамоатчилик назорати остида эканлигини чуқур ҳис этиб бориши фуқаролик жамияти шаклланиши жараёнининг муҳим шартларидандир.

Маълумки, ички ишлар органлари фаолиятининг устувор йўналишларидан бири фуқаролик жамияти институтлари билан конструктив мулоқотни амалга оширишга қаратилган жамоатчилик назоратини самарали йўлга қўйиш ҳисобланади. Шу боис, мамлакатимиз Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги "Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чоратадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5005-сон Фармонида ички ишлар органлари фаолиятида қонунийликни таъминлашга қаратилган жамоатчилик назоратини кучайтириш вазифаси алоҳида белгилаб берилди" [2].

Айтиш ўринлики, ички ишлар органлари ва жамият ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг хусусияти мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий вазиятнинг муҳим кўрсаткичларидан бири ҳисобланади, чунки аҳоли ички ишлар органлари мисолида давлат вакилини кўради. Шу боисдан бежизга эмас, Президент Шавкат Мирзиёев 2017 йилнинг 9 февраль куни ички ишлар органлари фаолиятида, тизимда мавжуд муаммо ва камчиликларни аниқлаш ва бартараф этиш, истиқболдаги вазифаларни белгилаб олишга бағишланган видеоселектор йиғилишида сўзлаган нутқида "Ички ишлар органлари шундай ишлаши керакки, токи халқ давлатдан рози бўлсин", деб алоҳида таъкидлаган. Бунинг замирида ички ишлар органларига юксак масъулият юклатилиши баробарида давлатнинг халқ билан бевосита иш олиб борувчи вакили - ички ишлар органлари ходимларига, ҳам ишонч, ҳам юксак масъулиятни ҳис этган ҳолда халқ манфаати йўлида фидоийлик билан хизмат қилиш вазифасини юклайди. Шунинг учун ҳам ички ишлар органлари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратининг ўрнатилиши фуқароларнинг давлатга бўлган ишончини оширишга хизмат қилади.

Чунончи, ички ишлар органлари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини амалга ошириш орқали, жамият учун муҳим бўлган мақсадларга эришилади, яъни у орқали ички ишлар органлари фаолиятида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг ҳимоя қилиниши, фуқаролар ва жамоатчилик ташкилотларининг қонуний манфаатларини рўёбга чиқаришга қаратилган қарорлар қабул қилинишида жамоатчилик фикрининг инобатга олинishi таъминланади. Айнан жамоатчилик назорати ички ишлар органлари фаолиятида қонун устуворлигини таъминлаш, унинг фаолияти самарадорлигини ошириш, қонунга хилоф ва жамоат манфаатларига зид бўлган қарорларни қабул қилиш ва амалга ошириш хавфини бартараф этишнинг муҳим воситаси ҳисобланади.

Бинобарин, Ички ишлар вазирлиги тизими кенг қамровли, ўзида бир қатор соҳаларни мужассамлаштирган мураккаб тузилмадир. Шу сабабли, мазкур тизимда

амалга ошириладиган жамоатчилик назоратининг объектини тўғри аниқлаш ва уни тўғри йўналтира олиш ички ишлар органлари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назорати ўрнатишнинг муҳим шарти ҳисобланади. Шундай экан, бу ерда ҳақли савол туғилади. Яъни, ички ишлар органларининг қайси тузилмалари устидан жамоатчилик назорати ўрнатилиши мақсадга мувофиқ ва ушбу назорат тизимнинг қайси соҳаларига йўналтирилса, кўзланган мақсадга эришилади ва самараси юқори бўлади? Бу эса, таъкидланганидек, жамоатчилик назоратининг вазифалари ва объектини тўғри аниқлашни тақозо этади. Ҳолбуки, бу соҳадаги жамоатчилик назорати ички ишлар органларининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, шахснинг ҳаёти ва соғлиғини, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашиш фаолиятининг қонунийлиги ва жамоат манфаатларига мувофиқлигини таъминлаш; тайёрланаётган ва қабул қилинган норматив ҳужжатларнинг қонунчилик ва жамоат манфаатларига мувофиқлигини ўрганиш; кадрлар, молиявий ва бошқа ресурсларни оқилона тақсимлаш ва улардан самарали фойдаланиш; тизимда коррупциянинг олдини олиш; кўрсатиладиган хизматларнинг сифатини ошириш, тўлиқлиги ва улардан фойдаланиш имкониятларини таъминлаш; жамоатчилик фикрини ўрганиш орқали фаолиятни баҳолаш ва ички ишлар органлари тўғрисида ижобий жамоатчилик фикрини ва унга бўлган ишончни шакллантириш каби вазифаларни амалга оширишга қаратилади.

Айни пайтда, "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 4-моддасида [4] "Давлат органлари ва улар мансабдор шахсларининг: қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, қарорларда, шунингдек ривожланиш давлат, тармоқ ва ҳудудий дастурларида жамоатчилик манфаатларини, жамоатчилик фикрини ҳисобга олишга; фуқароларнинг, юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, жамият манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларининг ижро этилишини таъминлашга; ўз зиммасига юклатилган, ижтимоий ва жамоатчилик манфаатларига дахлдор бўлган вазифалар ва функцияларни бажаришга; давлат хизматларини кўрсатишга; ижтимоий шериклик доирасида амалга ошириладиган битимлар, шартномалар, лойиҳалар ва дастурларни бажаришга доир фаолияти жамоатчилик назоратининг объекти сифатида белгиланиши мумкинлиги кўрсатилган.

Бироқ, Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 16 сентябрдаги "Ички ишлар органлари тўғрисида"ги қонунида ички ишлар органларининг жамоатчилик назорати объектларига аниқлик киритилмаган, гарчи, ушбу Қонуннинг 9-моддаси (Очиқлик ва шаффофлик принципи) жисмоний ва юридик шахсларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фойдаланилиши қонун билан чекланган ахборотлардан ташқари ички ишлар органларининг фаолияти ҳақида, шунингдек жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларига бевосита дахлдор бўлган ҳаққоний ахборотни олиш ҳуқуқини беради.

Наинки, жамоатчилик назорати объектини тегишли норматив ҳужжатда аниқ ифодаланмаслиги олимлар томонидан баҳс-мунозара [12, Б.55; 6, Б.99] га сабаб бўлаётган ҳолатдан ҳисобланади. Чунки субъект томонидан жамоатчилик назоратини амалга оширишдан қандай мақсад кўзланганлигини ва унинг муайян соҳанинг айнан қайси объектига йўналганлиги англамасдан туриб, кутилган натижага эришиб бўлмайди. Аммо, юқорида таъкидлаганимиздек, бирор бир нормативҳужжатда ички ишлар органларининг қайси тузулмалари фаолияти жамоатчилик назоратининг объекти бўлиши мумкинлиги ҳамда уларнинг жамоатчилик назорати субъектлари билан ҳамкорлигини таъминлашга оид алоҳида тартиб назарда тутилмаган. Шундан келиб чиқиб, ички ишлар органлари

фаолиятида жамоатчилик назорати объекти ҳақида гапирилганда, авваламбор, ички ишлар органлари тизими ҳақида батафсил тассаввурга эга бўлиш талаб этилади. Бинобарин, ушбу соҳада жамоатчилик назорати объектини аниқ белгилаш учун мамлакатимизнинг маъмурий-ҳудудий тузилиши ва шунга мос тарзда шакллантирилган ички ишлар органларининг маъмурий тизимлаштирилганлигини таҳлил қилиш лозим бўлади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 68-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, шунингдек Қорақалпоғистон Республикасидан иборат. Шунга мувофиқ ички ишлар органларида вертикал ва горизонтал бошқариш тизимини жорий қилиш ҳамда мамлакатимизнинг маъмурий-ҳудудий тузилиши бўйича аҳолига самарали хизмат кўрсатадиган ва жиноятчиликка қарши курашишга қаратилган ҳудудий тузилмалари шакллантирилган. Шу нуқтаи назардан, "Ички ишлар органлари тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ (13-модда), "Ички ишлар органлари тизимига Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси, вилоятлар ички ишлар бошқармалари, туманлар ва шаҳарлар ички ишлар бошқармалари (бўлимлари), транспортда хавфсизликни таъминлаш бошқармалари (бўлимлари), жазони ижро этиш муассасалари, ички ишлар органларининг ўта муҳим ва тоифаланган объектлардаги бўлинмалари, шаҳарча ички ишлар бўлинмалари ва ички ишлар органларининг таянч пунктлари, шунингдек таълим ва тиббиёт муассасалари, ички ишлар органлари зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун ташкил этиладиган бошқа бўлинма ва ташкилотлар, шунингдек, ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчилари учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳуқуқлар ва имтиёزلардан фойдаланадиган қоровул қўшинлари ҳамда халқаро аэропортларда хавфсизликни таъминлаш бўйича қўшинлар киритилган.

Кўриб турганимиздек, бундай ёндошув, албатта, кенг кўринишга эга, аммо самарали жамоатчилик назоратини амалга ошириш олдида турган вазифалар мажмуи, бундай объектлар тизимига муайян соҳанинг барча тузилмаларини максимал даражада киритилишини тақозо этади. Демак, ички ишлар органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, унинг соҳавий ва ҳудудий тузилмалари, шунингдек ички ишлар органлари зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун ташкил этилган бошқа бўлинма ва ташкилотларни киритишимиз мумкин.

"Ички ишлар органлари тўғрисида"ги қонуннинг 7-моддасига мувофиқ, ички ишлар органлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ҳисобланади. Шу жиҳатдан, Ички ишлар вазирлиги давлат ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва аҳолини мамлакатдаги криминоген вазият, ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш ҳолати, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар, шунингдек Вазирлик ва ички ишлар органлари зиммасига юклатилган бошқа вазифаларнинг амалга оширилиши тўғрисида тизимли равишда хабардор қилиб боради. Шунинг учун, ички ишлар органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг самарали тизимини шакллантириш муаммоси ички ишлар органларига фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи, ҳуқуқ ва эркинликлари, мулк ва жамият манфаатларини жинойи ва бошқа қонунга хилоф тажовузлардан ҳимоя қилишга қаратилган вазифалар ижросини самарали ҳал қилиш билан бевосита боғлиқдир. Бироқ, ички ишлар органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг асосий объектларидан ташқари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш функцияси

юклатилмаган унинг таркибий тузилмаларидан иборат бўлган қўшимча объектларини ҳам ажратиш талаб этилади. Айтиш пайтда бундай тузилмалар Ички ишлар вазирлигининг марказий аппарати ва ҳудудий бўлинмаларининг фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган фаолият олиб боради. Масалан, Ички ишлар вазирлигининг Кадрлар бош бошқармаси, Молия ва моддий-техника таъминоти бош бошқармаси, Тиббиёт бошқармаси, Ахборот технологиялари, алоқа ва ахборотни ҳимоялаш бошқармаси, Ички ишлар вазирлигининг таълим муассасалари ва бошқа шу кабилар бунга мисол бўла олади. Шу сабабли, жамоатчилик назорати нафақат ички ишлар органларининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлиб қолмасдан, балки унинг мазкур йўналиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа соҳаларига ҳам қаратилиши лозимдир.

Бундан ташқари, эътиборга олиш керакки, ички ишлар органлари ўз функциясига кўра махфий маълумотлар билан ишлайдиган бўлинмаларига ҳам эга ҳисобланади. Шу боис ички ишлар органларининг бундай бўлинмалари фаолияти жамоатчилик назоратининг объекти бўлиши мумкин эмас ёки у маълум даражада чекланган хусусиятга эга бўлади. Зеро, "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ, "Жамоатчилик назорати субъектларининг ахборот олишга бўлган ҳуқуқи, агар мазкур ахборот шахсга доир маълумотлар ёхуд давлат сирларини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотлар жумласига киритилган бўлса, чекланиши мумкин".

Биз кўриб чиқадиган долзарб масалалардан яна бири ички ишлар органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати ўрнатиши мумкин бўлган субъектлар муаммоси ҳисобланади.

Қонунчиликка кўра, ички ишлар органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати турли субъектлар томонидан амалга оширилиши мумкин. Хусусан, "Ички ишлар органлари тўғрисида"ги Қонунда (9-модда) "Ички ишлар органлари ўз фаолиятини очиқ ва шаффоф тарзда, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, бошқа ташкилотлар ва фуқаролар, шунингдек оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда амалга оширади" [2], деб белгиланган. Бундан ташқари, "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги Қонуннинг 3-моддасида, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатга олинган нодавлат ноижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари жамоатчилик назорати субъектлари сифатида назарда тутилган. Шунингдек, ушбу нормага мувофиқ жамоатчилик назорати жамоатчилик кенгашлари, комиссиялари ва бошқа жамоатчилик ташкилий тузилмалари томонидан ҳам қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Кўриб турганимиздек, қонунда жамоатчилик назорати субъектларига давлат органларидан ҳоли ва улардан деярли мустақил бўлган тоифадаги субъектлар киритилган. Аммо қайд этиш керакки, юридик адабиётларда жамоатчилик назорати субъектлари борасида ягона тўхтамга келинмаган. Жумладан, бу борада И.О. Сквирский, "Жамоатчилик назорати субъектлари фақат муайян давлатнинг фуқароси бўлибгина қолмасдан, балки унга чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳам киритилиши лозим" [9, Б.65], деб ёзади. Аммо биз жамоатчилик назорати муайян давлатда истеъқомат қилувчи фуқаролар ва жамоатчилик манфаатларига қаратилишини инобатга олиб, ушбу фикрни, қўллаб-қувватламаймиз.

Бундан ташқари, А.Б.Дидикин "Жамоатчилик назорати субъектлари қаторига инсон ҳуқуқлари, бола ҳуқуқлари ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакилларни ҳам киритиш лозим" [5, Б.125] лигини тавсия қилади.

Гарчи, мамалакатимизда Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили, бола ҳуқуқлари бўйича вакили ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилининг ваколатлари ва ҳуқуқлари тегишли қонун ҳужжатларида аниқ белгиланганлиги ҳамда улар тегишли давлат органи томонидан лавозимга тайинланишини инобатга олиб, жамоатчилик назорати субъектлари қаторига киритишни мақсадга мувофиқ эмас, деб ҳисоблаймиз.

Шунингдек, О.С. Соколова "Оммавий ахборот воситалари жамоатчилик назорати субъекти бўлиши мумкин эмас, чунки улар ахборот тарқатиш воситаси ҳисобланади холос" [8, Б.62], деб ёзади. М.С. Крицкая эса, "Давлат оммавий ахборот воситалари ва давлат бюджетидан тўла ёки қисман молиялаштирилаётган оммавий ахборот воситаларини жамоатчилик назорати субъекти деб ҳисобламаслик лозимлигини [6, Б.102] билдиради.

Шу ўринда, айтиш жоизки, мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 3 август куни миллий маданиятимиз намояндалари, ижод аҳли билан учрашувида бу соҳадаги ижодкорларга нисбатан "Нима учун маданий ҳаётимизда танқидий руҳ сезилмайди? Соғлом танқид, баҳс ва тортишув бўлмаган жойда чинакам ижод бўлиши мумкинми ўзи?" [1] деб мурожаат қилганлигини эслаш диққатга сазовордир. Чунки, баҳс-мунозара, ошкоралик, шаффофлик бўлмаган жойда ҳеч қачон тараққиёт, ривожланиш бўлмайди. Зеро, ошкоралик коррупция ёки фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари бузилишини олдини олади, бу соҳадаги мавжуд муаммоларга ҳаққоний ва ўз вақтида ечим топади. Шу боис фикримизча, мамлакатимизда ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш, мамлакат медиа-бозорини ривожлантириш орқали оммавий ахборот воситаларини том маънодаги "тўртинчи ҳокимият" даражасига етказишга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилаётганлигини инобатга олиб, оммавий ахборот воситалари давлат ёки нодавлат хусусиятга эга бўлиши ёхуд давлат бюджетдан молиялаштирилиши ёки молиялаштирилмаслигидан қатъи назар жамоатчилик назорати субъекти сифатида тан олинishi мақсадга мувофиқдир.

Демак, айтилганлардан келиб чиққан ҳолда, ички ишлар органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати тўғридан-тўғри Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатга олинган нодавлат ноижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, шунингдек, жамоатчилик кенгашлари, комиссиялари ва бошқа жамоатчилик ташкилий тузилмалари томонидан амалга оширилиши мумкин. Негаки, ушбу субъектлар ички ишлар органларининг айрим ходимлари томонидан йўл қўйилган хато ва камчиликлар, қонун бузилиш ҳолатлари тўғрисида объектив ва ишончли маълумот олишдан манфаатдор ҳисобланади. Зотан, фуқаролар жамоатчилик назоратига оид тадбирларни ўтказиш учун кўпроқ манфаатдор бўладилар, чунки давлат ҳокимияти органлари томонидан қонун бузилиш ҳолатларининг оқибатлари биринчилардан бўлиб уларга салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам айнан фуқаролар давлат органларини мавжуд қонунбузилиш ҳолатларига нисбатан эътиборини қарата олишлари ва уларни баратараф этишга йўналтира олишлари мумкин. Гарчи, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги шахс билан давлатнинг доимий сиёсий-ҳуқуқий алоқасини белгилаб берувчи мезондирки, бу алоқа уларнинг ўзаро ҳуқуқлари ва бурчларида ифодаланади [7, Б.51]. Негаки, фуқароларнинг ички ишлар органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш жараёнига жалб қилиш орқали жамоатчиликнинг ички ишлар органларига бўлган ишончини ошириш, ички ишлар органлари ходимларининг коррупцион ҳатти-

ҳаракатларига нисбатан мурасасизлик кайфиятини шакллантириш ҳамда ички ишлар органлари фаолияти самарадорлигини ошириш каби муҳим вазифалар ҳал қилинади.

Шу сабабдан жамоатчилик назорати субъектлари қаторида Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари алоҳида ўринга эга ҳисобланади. Улар ўз навбатида жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эга. Бундай иштирок этиш давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ривожлантириш ва такомиллаштириш йўли билан амалга оширилади. Фуқаролар жамоатчилик назоратини амалга оширишда бевосита ёки жамоат бирлашмалари, бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари таркибида ҳам иштирок этиш ҳуқуқига эга. Айти пайтда фуқароларнинг жамоатчилик назоратида иштирок этиши эркин ва ихтиёрий бўлиши лозим. Ҳеч ким фуқарога уни жамоат назоратида қатнашишга мажбурлаш учун таъсир ўтказишга, шунингдек унинг жамоат назоратида иштирок этиш ҳуқуқини амалга оширишга тўсқинлик қилишга ҳақли эмас.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда фуқаролар томонидан амалга ошириладиган жамоатчилик назоратининг шакллари ва усулларини, шунингдек уни амалга ошириш самарадорлигини аниқлаш устувор вазифалардан саналади. Аммо "Ички ишлар органлари тўғрисида"ги Қонунда мазкур тизим устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш учун фуқароларнинг бу борадаги ваколатлари аниқ қилиб белгиланмаган.

Ўз навбатида, "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги Қонунга (6-модда) мувофиқ, жамоатчилик назорати субъектлари томонидан давлат органлари фаолияти устидан қатор шаклларда, яъни давлат органларига мурожаатлар ҳамда сўровлар йўллаш, давлат органларининг очиқ ҳайъат мажлисларида қатнашиш, жамоатчилик муҳокамаси, жамоатчилик эшитуви, жамоатчилик мониторинги, жамоатчилик экспертизаси, жамоатчилик фикрини ўрганиш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан давлат органлари мансабдор шахсларининг ҳисоботлари ва ахборотини эшитиш каби усулларда назорат олиб боради. Айнан ушбу шакллар орқали давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигини ўрнатиш, бу орқали таъсирчан жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш мумкин. Бироқ, жамоатчилик назоратини амалга ошириш механизмлари таҳлил қилинса, фуқаролар томонидан ички ишлар органлари фаолияти устидан ўрнатиладиган жамоатчилик назорати ёзма ёки оғзаки мурожаат қилиш ёхуд ички ишлар органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотни олиш учун сўров юбориш орқали иштирок этишлари мумкинлигини кўрсатади. Хусусан, ички ишлар органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишда фуқаролар иштирокини таъминлаш бўйича амалдаги тартибга кўра, бу жараёнда фуқароларнинг тўғридан-тўғри иштирок этиши чекланганлик хусусиятини касб этади, чунки барча ҳолатларда жамоатчилик назорати ўрнатилишида фуқаронинг унда иштирок этишга қаратилган ҳулқ-атвори ташкилотнинг ихтиёри ва розилик беришига боғлиқ бўлади.

Шу жиҳатдан бўлса керак, ҳозирги кунда аҳоли жамоатчилик назоратини тўғридан-тўғри амалга оширишда жуда кам иштирок этмоқдалар. Иштирок этаётганларини ҳам фақат ўзида қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини бузилган деб ҳисобловчи фуқаролар ташкил этади. Шунингдек улар норасмий хусусиятга эга бўлган ҳамда давлат аҳамиятига алоқадор бўлмаган ахборот воситалари ёки ўзига тегишли аудио, фото ва видео қурилмалари орқали муайян вазиятни қайд қилиб, уларни Интернет жаҳон ахборот тармоғига жойлаштириш орқали жамоатчиликнинг эътиборини ўзларига қаратмоқдалар. Шу сабабли қонунчилик

доирасида фуқароларнинг ички ишлар органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш тартибини аниқ белгиланиши мақсадга мувофиқ бўлади. Аммо, шу ўринда таъкидлаш жоизки, жамоатчилик назоратини ўрнатишнинг амалдаги тартиби, фуқаролар учун ҳамма нарсага имкон беришини, унга ички ишлар органлари фаолиятини хоҳлаган тарзда назорат қилиши мумкин эканлигини англамайди. Чунки "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги Қонуннинг 5-моддасида белгиланган асосий принципларда бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун назорат қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилган ҳолда, оммавий ва очиқ, холис ва бегараз, давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари фаолиятига асоссиз аралашувга ва уларга ғайриқонуний таъсир кўрсатишига йўл қўймасдан ўтказилиши зарурлиги белгилаб қўйилган. Ушбу талабларга риоя қилмаслик жамоатчилик назорати тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш, деб ҳисобланиши мумкин.

Шу билан бирга ички ишлар органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатувчи фуқаро ақлий ривожланиш ва руҳий ҳолати жиҳатидан мурожаат қилиш ва сўров қобилиятига эга бўлиши талаб этади. Чунки, жамоатчилик назоратини амалга ошириш жараёнида бундай шахсларнинг ҳуқуқлари чекланиши мумкин. Мазкур ҳолатга В.Ю. Синюгин ўз эътиборини қаратар экан, у жамоатчилик назорати ўрнатилишида чекланган ҳуқуққа эга бўлган фуқаролар тоифасига ақли норасо ва чекланган ақли норасо ҳамда судланганлик ҳолати мавжуд бўлган шахсларни киритиш лозим [10, Б.25] лигини таъкидлайди. Бундан бошқачароқ фикр билдирган М.С.Крицкая, ички ишлар органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошираётган фуқароларнинг ҳуқуқларини айрим вақт оралигида чеклаш кераклигини қайд қилиб, ушбу вақт доирасига фуқаро томонидан шахснинг ҳуқуқларига, соғлиғига, жамоат ахлоқи қоидаларига, жамоат тартиби ва хавфсизлиги ҳамда бошқарув тартибига, ўзгалар мулкига ва ҳарбий хизматни ўташ тартибига тажовуз қилувчи маъмурий ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун маъмурий жазога тортилган вақтни киритади. Муллифнинг фикрича, фуқаронинг бундай ҳулқ-атвори жамоат манфаатларига мос келмайди, шу сабабли ҳам уни жамоатчилик назоратини амалга оширишдан вақтинча четлаштириш лозим [6, Б.104] бўлади. Бироқ биз биринчи муаллифнинг жамоатчилик назоратини амалга оширишда чекланган ҳуқуққа эга бўлган шахслар тоифасига судланганлик ҳолати мавжуд бўлган шахсларни киритишига қўшила олмаймиз, чунки бу тоифадаги шахсларнинг ҳуқуқларини бу тарзда чекланиши мумкин эмас ва бундай ҳолат адолатсизликни келтириб чиқаради. Бундан ташқари кейинги муаллифнинг фикрини ҳам қўллаб-қувватлаб бўлмайди, чунки муайян турдаги ҳуқуқбузарликларни содир этган шахсларни бундай тарзда ажратиб кўрсатиш инсон ҳуқуқ ва эркинликларини чеклайди. Бизнингча, бу ерда, инсон ҳуқуқларини таъминлаш нуқтаи назаридан, ҳаттоки жиноят содир этган ва жазони ўтаётган маҳкумларни ҳам жамоатчилик назоратини ўрнатишга қаратилган ҳуқуқларини чеклашга йўл қўйиб бўлмайди.

Юқорида таъкидланганлардан келиб чиққан ҳолда таҳлил қилинаётган масалалар бўйича қуйидаги хулосаларни илгари суриш мумкин:

1. Ички ишлар органлари фаолияти устидан ўрнатиладиган жамоатчилик назоратининг объекти Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, унинг таркибий, соҳавий ва ҳудудий тузилмалари, шунингдек ички ишлар органлари зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун ташкил этилган бошқа бўлинма ва ташкилотлар бўлиши мумкин. Бунда ички ишлар органларининг очиқ ва ошкора фаолият олиб борувчи тузулмалари устидан жамоатчилик назорати олиб бериллади.

2. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, Жамоатчилик палатасининг ва

худудий жамоатчилик палаталари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатга олинган нодавлат ноижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, жамоатчилик кенгашлари, комиссиялари ва бошқа жамоатчилик ташкилий тузилмалари, шунингдек ички ишлар органи ҳузурида тузилган жамоатчилик кенгашлари ва комиссиялари ички ишлар органлари фаолияти устидан ўрнатиладиган жамоатчилик назоратининг субъектлари ҳисобланади.

3. Ички ишлар органларида амалга ошириладиган жамоатчилик назоратини, фаолиятни ички ва ташқи жиҳатдан ўрганишни назарда турувчи икки турга ажратиш мумкин.

Ички жамоатчилик назорати тизимда ташкил этилган жамоатчилик кенгашлари ва комиссиялари томонидан фаолиятдаги суистеъмолликлар, камчиликлар, хатоликлар ва шу асосда қабул қилинган қарорларни аниқлашга қаратилган фаолиятни назарда тутди.

Ташқи жамоатчилик назорати фуқаролар, ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоатчилик бирлашмалари томонидан ички ишлар органларига юклатилган вазифаларни қонуний жиҳатдан ва лозим даражада бажарилишини ўрганиш, уларга мурожаат қилиш, сўровлар юбориш, очиқ ҳайъат мажлисларида иштирок этиш, ижтимоий аҳамиятга молик масалалар ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, уларнинг бошқа ҳужжат лойиҳалари юзасидан жамоатчилик муҳокамасини ва улар фаолиятини ўрганишга оид масалалар юзасидан жамоатчилик эшитувини ўтказиш, жамоатчилик манфаатларига дахлдор ахборотни йиғиш, умумлаштириш ва таҳлил этиш орқали жамоатчилик мониторингини амалга ошириш, улар мансабдор шахсларининг ҳисоботлари ва ахборотини эшитишга қаратилган фаолиятини англатади.

4. Жамоатчилик назорати субъектлари томонидан ички ишлар органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати ўрнатишнинг амалдаги тартиби ташкилот ихтиёри ва унинг розилик бериш тамойилиги асосланган. Шу сабабли қонунчилик доирасида жамоатчилик назорати субъектларини ички ишлар органлари фаолияти устидан тўғридан-тўғри назорат ўрнатиш мумкин бўлган тартиб ва уни амалга ошириш механизмлари ишлаб чиқилиши лозим.

5. Ички ишлар органлари устидан самарали жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун, ички ишлар органларининг фуқаролар ва жамоатчилик бирлашмалари билан тўғридан-тўғри мулоқот ўрнатиш механизмларини такомиллаштириш тақозо этилади. Бунинг учун бу вазифани ички ишлар органи бошлиғининг ўринбосаридан бири зиммасига юклаш ва унинг функциясига киритилишини таъминлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

### **Иқтибослар/Сноски/References**

1. Мирзиеёв Ш.М. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш - халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. Халқ сўзи. - 2017. - 4 сент. (Mirzieyov Sh.M. The development of literature and art, culture is a solid foundation of the improvement of spiritual world of our people. Xalq So'zi - 2017. - Sept. 4)

2. Ўзбекистон Республикасининг "Ички ишлар органлари тўғрисида"ги 2016 йил 16 сентябрдаги ЎРҚ-407-сон Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. - 2016. - №38. - 438-м. (Law of the Republic of Uzbekistan "On internal affairs organs", Dated on September 16, 2016 Law №. LRU-407 // Collection of Legislation, 2016. - № 38. Art. 438)

3. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. - 2017. - №15. - 243-м.



(Collection of law documents of the Republic of Uzbekistan. - 2017. - № 15. Article - 243.).

4.Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.04.2018 й., 03/18/474/1062-сон. (National Data base of Legislation, 13.04.2018, №. 03/18/474/1062)

5.Дидикин А.Б. Правовые формы участия граждан в общественном контроле / / Гражданское общество в России и за рубежом. -2015. - № 1. -С. 122-127. (Didikin A.B. Legal forms of citizen participation in public control // Civil society in Russia and abroad. -2015. - №. 1. -Pp. 122-127)

6.Крицкая М.С. Объекты и субъекты общественного контроля за деятельностью полиции в условиях децентрализации государственного управления// Вестник ДВЮИ МВД России. - 2016. - № 3 (36). - С. 98-105. (Kritskaya M.S. Objects and subjects of public control over the activities of the police in the conditions of decentralization of public administration // Bulletin of the Far Eastern Federal University of the Ministry of Internal Affairs of Russia. - 2016. -№.3 (36). - Pp. 98-105)

7. Нурмухаммедова Г.Б. Ички ишлар органларида коррупцияга қарши курашишда жамоатчилик назорати субъектларининг ваколатлари // Ҳуқуқий тадқиқотлар журнали. -2018. -№7. -Б.51. (Nurmukhammedova G.B. Powers of subjects of public control in the fight against corruption in internal affairs organs // Journal of Legal Research. - 2018. - №7. P. 51).

8.Соколова О.С. Правовое регулирование участия граждан в общественном контроле // Административное и муниципальное право. - 2015. -№ 2. -С. 61-63. (Sokolova O.S. Legal regulation of citizen participation in public control // Administrative and municipal law. - 2015. -№. 2. - Pp. 61-63).

9.Сквирский И.О. Понятие и основные признаки общественного контроля в современной административно-правовой доктрине Украины // Административное право и процесс. -2013. - № 4. - С. 65-66.(Skvirsky I. O. The concept and main features of public control in the modern administrative and legal doctrine of Ukraine // Administrative law and process. - 2013. - №. 4. - Pp. 65-66)

10.Синюгин В.Ю. К вопросу о формировании правовой основы общественного контроля в Российской Федерации // Административное право и процесс. - 2014. - № 7. - С. 26-28. (Sinyugin V.Yu. To the question of the formation of the legal basis of public control in the Russian Federation // Administrative law and process. - 2014. - №. 7. - Pp. 26-28)

11.Холиқова Ш.А. Жамоатчилик назорати шакллари ва уларни янада такомиллаштириш муаммолари // Ҳуқуқий тадқиқотлар журнали. - 2019. - №2. - Б. 52-60. (Kholikova Sh. A. Forms of public control and problems of their further improvement // Journal of Legal Research. -2019. - №2. - Pp. 52-60)

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

## ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ, ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ. КРИМИНОЛОГИЯ. ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ ҲУҚУҚИ

**РАСУЛЕВ Абдулазиз Каримович,**  
Исполняющий обязанности профессора кафедры "Профилактика  
правонарушений" Академии МВД Республики Узбекистан,  
доктор юридических наук  
E-mail.: rasuleff@mail.ru

### ПРОТИВОДЕЙСТВИЕ КИБЕРПРЕСТУПНОСТИ: СОВРЕМЕННЫЕ ПОДХОДЫ ПО ПОДГОТОВКЕ КАДРОВ

**For citation** (иқтибос келтириш учун, для цитирования): РАСУЛЕВ А.К.  
ПРОТИВОДЕЙСТВИЕ КИБЕРПРЕСТУПНОСТИ: СОВРЕМЕННЫЕ  
ПОДХОДЫ ПО ПОДГОТОВКЕ КАДРОВ // Юрист ахборотномаси - Вестник  
юриста - Lawyer herald. № 1 (2020), С.68-72.

 №1 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2020-1-8>

#### АННОТАЦИЯ

В данной статье были проанализированы вопросы противодействия киберпреступлениям с учетом развития современных информационно-коммуникационных технологий, использования молодёжью возможностей сети Интернет. Рассматриваются практика борьбы с киберпреступностью, и тенденция постоянного развития молодых хакеров. В заключении были разработаны предложения и рекомендации по совершенствованию мер противодействия киберпреступлениям в ВУЗах Республики Узбекистан.

**Ключевые слова и выражения и выражения:** молодёжь, Интернет, государственная молодежная политика, киберпреступность, информационно-коммуникационные технологии, хакер, хакерские группы.

**РАСУЛЕВ Абдулазиз Каримович,**  
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси "Ҳуқуқбузарликлар  
профилактикаси" кафедраси профессори вази фасини бажарувчи,  
юридик фанлар доктори  
E-mail.: rasuleff@mail.ru

### КИБЕРЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ: КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАРИ

## АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада замонавий ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш, ёшларнинг Интернет тармоғидан фойдаланишини ҳисобга олган ҳолда кибержиноятчиликка қарши курашиш масалалари таҳлил қилинган ҳамда Кибержиноятчиликка қарши кураш амалиёти ва ёш хакерларнинг доимий ривожланиш тенденцияси кўриб чиқилади. Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида кибержиноятчиликка қарши курашиш чора-тадбирларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўз ва иборалар:** ёшлар, Интернет, ёшларга оид давлат сиёсати, кибер жиноятчилик, ахборот-коммуникация технологиялари, хакер, хакерлик гуруҳлари.

---

**RASULEV Abdulaziz,**

Acting Professor of the Department "Crime prevention" Academy of the MIA of the Republic of Uzbekistan, Doctor of Law Sciences  
E-mail.:rasuleff@mail.ru

## COUNTERING CYBERCRIME: MODERN APPROACHES TO TRAINING

### ANNOTATION

This article analyzes the issues of countering cybercrime, taking into account the development of modern information and communication technologies, and the use of the Internet by young people. The article deals with the practice of fighting cybercrime and the trend of constant development of young hackers. In conclusion, proposals and recommendations were developed to improve measures to counter cybercrime in higher education institutions of the Republic of Uzbekistan.

**Keywords and expressions:** youth, Internet, state youth policy, cybercrime, information and communication technologies, hacker, hacker groups.

---

Глобальная информатизация общества является одной из доминирующих тенденций развития цивилизации в XXI в. Благодаря стремительному увеличению возможностей средств информатики, телекоммуникационных систем и новых информационных технологий формируется информационная среда обитания и жизнедеятельности людей, складывается информационное общество.

Интернет - это всемирная компьютерная сеть, соединяющая вместе тысячи сетей, включая сети правоохранительных органов и правительственных организаций. Изначально мало кто знал, что такое интернет и как им пользоваться, но шло время в интернете начали появляться различные сайты, форумы, блоги, интернет - магазины. Все больше людей стало узнавать о существовании интернета, и все больше стали пользоваться им.

В настоящее время интернетом пользуется огромное количество людей, и большая часть этих людей представители современной молодежи. Молодежь все больше и больше проводит время за компьютером в интернете. Любимые сайты молодежи как мне кажется это: сайты знакомств, "Badoo", "Rusdate", "Mamba", "Telegram", "Instagram", "Одноклассники" и сайты, которые предоставляют услуги электронной почты, форумы.

С развитием информационных технологий и увеличением количества интернет пользователей все более актуальное значение приобретает ограждение молодежи от различных угроз и чуждых идей. В 2019 году более 53% населения Земли, или 4,1 млрд человек, пользовались с интернетом, и это число продолжало расти. На

начало 2020 года в мире уже более 4,5 млрд человек пользуются интернетом - это на 7% больше, чем в прошлом году. Это почти 60% населения мира. По данным Международного союза электросвязи, в Европе этот показатель самый высокий (82,5%), а в Африке - самый низкий (28,2%) [7].

Согласно аналитическим данным 26,5% пользователей сети Интернет в мире составляют лица в возрасте от 10 до 24 лет, 26,7% пользователей - от 25 до 34 лет, 20,4% - от 35 до 44 лет [3]. Как мы видим, большое количество пользователей сети Интернет составляет молодежь. Специалисты одного из крупнейших российских медиа об IT и IT-безопасности "ХАКЕР" утверждают, что большинство хакеров - просто скучающие дети, у которых слишком много свободного времени. Только 10% хакеров отдают отчет в своих действиях. 90% актов вандализма в Интернете осуществляют 13-ти летние подростки, которым просто нужно "хорошо провести время" [8]. Определение возрастной характеристики пользователей сети Интернет позволяет также определить потенциальных субъектов, которые могут совершить преступления в сфере информационных технологий и безопасности. Служба безопасности Украины задержала в Ивано-Франковске хакера, известного под ником "Sanix". В начале прошлого года он привлек внимание мировых специалистов по кибербезопасности, выложив на одном из форумов объявление о продаже базы с 773 млн адресов электронной почты и 21 млн уникальных паролей [4]. По некоторым данным в США группа юных хакеров (школьников), которая называет себя CWA, в 2015 году взломала личную электронную почту директора ЦРУ Джона Бреннана и министра национальной безопасности Джея Джонсона [6].

С начала апреля 2020 года, Всемирная организация здравоохранения (ВОЗ) подверглась серии кибератак. Сотрудники организации получали фишинговые письма. Эксперты по безопасности полагают, что за атакой стояла иранская молодёжная хакерская группа [1].

Учитывая, что основная часть пользователей сети Интернет является молодежью, Интернет является очень комфортной средой для формирования личности хакера. В глобальной сети существует ряд ресурсов, предназначенных для обучения хакерским навыкам, в частности, сайты <http://dfiles.ru>, <https://ru.wikihow.com>, <https://kak-bog.ru>, а также медиа-файлы в канале You Tube. В XXI веке быстро растет процесс институализации хакеров, хотя они по-прежнему строго соблюдают принцип анонимности (вместо собственного имени используются псевдонимы типа "Ludichrist". "Sicko", "Packet Rat" и др.). Создаются регулярно действующие сообщества хакеров, они имеют свои сайты, журналы - "Access All Areas" ("Всеобщая доступность"), "Crypt News Letter's Home Page" ("Популярные криптографические новости"), "Old and New Hackers" ("Старые и новые хакеры"), "Chaos Computer Club" ("Клуб компьютерного хаоса") [2].

Однако, следует указать, что кроме негативных связей хакеров с преступными группировками, в последнее время отчетливо прослеживается тенденция взаимодействия хакерского движения с государственными и коммерческими структурами. В них принимают участие представители государственных органов безопасности, администраторы крупнейших фирм. Более того, некоторые из известных хакеров активно участвуют в государственных и международных организациях по информационной безопасности. Так, например, президент и основатель "Chaos Computer Club" (Клуб компьютерного хаоса) Энди Мюллер-Мэган входит в состав всемирной организации "ICANN" (Internet Corporation for Assigned Names and Numbers). Организованы хакерские школы всех уровней для детей (Гражданская школа хакеров), студентов (Foundstone-s hacking school) и сотрудников безопасности (Black Hat Briefings, Ethical Hacking).

На наш взгляд, данный опыт был бы полезным для Республики Узбекистан. Взаимодействие и тесное сотрудничество хакеров с государственными и правоохранительными органами, организациями и учреждениями позволит не только обеспечить эффективное раскрытие и предупреждение киберпреступлений, но и способствует исправлению нарушителей, перехода их из категории "правонарушителей" в категорию "исправленных" лиц. В свою очередь, практика показывает, что многие профессиональные хакеры являются отличными специалистами и мастерами своего дела, зачастую совершают преступления из корысти, редко преследуя политические и иные цели, а некоторые из них совершают правонарушения из чувства забавы или интереса. По данным исследований киберпреступности в 2014-2017 годах, проведенных компанией Group IB, практически все киберпреступления нацелены на получение финансовой выгоды максимально простым путем, а именно 98 % киберпреступлений совершаются из корыстных побуждений (кража, шантаж, вымогательство, мошенничество), по 1 % - с целью завладения информацией и кибертерроризма соответственно [5].

Такая практика также соответствует государственной молодежной политике в Республике Узбекистан. Как отмечал Президент Республики Узбекистан Ш.М. Мирзиёев "Вместе с тем все мы как родители, наставники и учителя хорошо понимаем, что в нынешнее сложное и непростое время вопрос воспитания молодежи остается для нас важнейшей и актуальной задачей. Поэтому мы не имеем никакого права допускать ошибки в вопросах обеспечения законных прав и интересов нашей молодежи, ее образования и воспитания. Ошибки в этом вопросе означают измену нашим детям, Родине" [9]. Следовательно, активное вовлечение молодых хакеров в деятельность государственных и, особенно, правоохранительных органов окажет положительное влияние на криминогенное состояние в республике.

В этих условиях, важное значение приобретают меры социального характера, которые направлены на формирование у людей, в частности, молодежи, осознания опасности и негативных последствий преступлений в сфере информационных технологий и безопасности.

Перед государством ставится основная задача - подготовить молодых кадров к условиям жизни и профессиональной деятельности в информационном обществе, научить их действовать в этой среде, использовать ее возможности и защищаться от негативных воздействий.

Для решения этой проблемы в Ташкентском Государственном юридическом университете и его филиале, Академии МВД Республики Узбекистан и других ВУЗах создана соответствующая материально-техническая база, активно функционируют специализированные кафедры и центры информационных ресурсов, однако требуется дальнейшее совершенствование их учебных программ с учётом современных реалий.

Вместе с тем следует отметить, что многие актуальные проблемы информатизации общества не в должной мере освещаются в процессе подготовки и переподготовки молодых сотрудников, что не вполне отвечает современной действительности и требованиям жизни. Этот тревожный факт должен стать объектом внимания, как профессорско-преподавательского состава ВУЗов правоохранительных органов, так и политиков, государственных деятелей нашей страны, поскольку качество образования - не только гуманитарная проблема, но стратегический фактор социально-экономического развития страны, обеспечения ее национальной безопасности.

В связи этим, предлагается на базе Академии МВД Республики Узбекистан открыть новый факультет по подготовке узкопрофильных специалистов в области раскрытия, расследования, профилактики и противодействия компьютерным преступлениям в целом. Кроме того, на начальном этапе можно ограничиться введением межкафедральной дисциплины "Противодействия преступлениям в сфере информационных технологий и кибербезопасности". Данная специальная дисциплина позволит выработать у курсантов научные и практические навыки по противодействию преступлениям в сфере информационных технологий, компьютерной преступности и безопасности.

Принимая во внимание масштабность проблемы, динамичного роста киберпреступности в мире, а также возникновения реальных рисков и угроз для всей общественности, в особенности для молодёжи, назревает необходимость кардинального пересмотра программ и методик по подготовке и переподготовке специализированных кадров в данной сфере. Наступил момент, когда национальные ВУЗы должны консолидироваться и своевременно реагировать на рост киберпреступности.

В целях реализации УП Республики Узбекистан от 29 апреля 2020 года № УП-5987 "О дополнительных мерах по кардинальному совершенствованию юридического образования и науки в Республике Узбекистан", а также принимая во внимание проводимые в республике общественно-политические, социально-экономические и судебно-правовые реформы, в том числе в сфере юридического образования необходимо глубоко изучить и внедрить передовой научно-практический зарубежный опыт в области подготовки передовых кадров для правоохранительных и правоприменительных органов республики.

### **Иқтибослар/Сноски/References**

- 1.<http://m.xabar.uz/ru/yangiliklar?min=1&load=6100>.
- 2.Современные молодежные субкультуры: хакеры. URL: <http://psyfactor.org/lib/vershinin4.htm>. (Modern youth subcultures: hackers URL: <http://psyfactor.org/lib/vershinin4.htm>)
- 3.Distribution of internet users worldwide as of 2019, by age group URL: <http://www.statista.com/statistics/272365/age-distribution-of-internet-users-worldwide>
- 4.<http://www.vestifinance.ru/articles/83789>
- 5.<https://psm7.com/security>.
- 6.<https://russian.rt.com/inotv/2015-10-20/CNN-YUnie-hakeri-vzломali-direktora>.
- 7.<https://tass.ru/obschestvo/7080150>.
- 8.<https://haker.ru/2016/07/19/13108>.
- 9.Выступление Президента Республики Узбекистан Ш.М. Мирзиёева на сессии Самаркандского областного Кенгаша народных депутатов от 10 ноября 2017 года (<http://press-service.uz/ru/lists/view/1223>). (Speech of the President of the Republic of Uzbekistan Sh.M. Mirziyoyev at the session of the Samarkand Regional Kengash of People's Deputies on November 10, 2017)
- 10.Указ Президента Республики Узбекистан от 29 апреля 2020 года №УП-5987 "О дополнительных мерах по кардинальному совершенствованию юридического образования и науки в Республике Узбекистан". (Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated April 29, 2020 №5987 "On additional measures to radically improve legal education and science in the Republic of Uzbekistan")

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

**ҚАЛАНДАРОВ Мақсуд Махмудович,**  
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Ташкилий бўлим бошлиғи,  
юридик фанлар номзоди, доцент  
E-mail: kalandarovm454@gmail.com

## ЎҚОТАР ҚУРОЛ, ЎҚ-ДОРИЛАР, ПОРТЛОВЧИ МОДДАЛАР ЁКИ ПОРТЛАТИШ ҚУРИЛМАЛАРИНИ ҒАЙРИҚОНУНИЙ МУОМАЛАСИ УЧУН ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИКНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ

**For citation** (иқтибос келтириш учун, для цитирования): ҚАЛАНДАРОВ М.М. ЎҚОТАР ҚУРОЛ, ЎҚ-ДОРИЛАР, ПОРТЛОВЧИ МОДДАЛАР ЁКИ ПОРТЛАТИШ ҚУРИЛМАЛАРИНИ ҒАЙРИҚОНУНИЙ МУОМАЛАСИ УЧУН ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИКНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ // Юрист ахборотномаси - Вестник юриста - Lawyer herald. № 1 (2020), Б.73-81.



№1 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2020-1-9>

### АННОТАЦИЯ

Мақолада амалдаги Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида ўқотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларининг ғайриқонуний муомаласи учун жавобгарликларнинг дастлабки ҳолати ва ўтган 15 йил давомида мазкур моддаларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларнинг ижтимоий зарурати, 1960 йилда қабул қилинган ЎзССР ва амалдаги Ўзбекистон Жиноят кодексларида ушбу турдаги жиноятлар учун назарда тутилган жиноий жавобгарликлар қиёсий таҳлили ва бугунги кунда ушбу нормаларни амалда қўллашда учраётган ва келгусида илмий жиҳатдан ҳал этилиши талаб этилаётган муаммолар баён қилинган.

**Калит сўз ва иборалар:** ўқотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар, портлатиш қурилмалари, ғайриқонуний муомала, жиноят, жиноий жавобгарлик.

**ҚАЛАНДАРОВ Мақсуд Махмудович,**  
Начальник Организационного отдела Академии МВД Республики  
Узбекистан, кандидат юридических наук, доцент  
E-mail: kalandarovm454@gmail.com

## СОВРЕМЕННОЕ СОСТОЯНИЕ УГОЛОВНОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТИ ЗА НЕЗАКОННЫЙ ОБОРОТ ОГНЕСТРЕЛЬНОГО ОРУЖИЯ, БОЕВЫХ ПРИПАСОВ, ВЗРЫВЧАТЫХ ВЕЩЕСТВ ИЛИ ВЗРЫВНЫХ УСТРОЙСТВ

## АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются современное состояние уголовной ответственности за незаконный оборот огнестрельного оружия, боеприпасов, взрывчатых веществ или взрывных устройств, предусмотренного первоначальной редакцией в действующем Уголовном кодексе Республики Узбекистан и социальная обусловленность внесения изменений и дополнений в эти статьи за последние 15 лет. Проведён сравнительный анализ соответствующих положений УК УзССР 1960 г. в и положений действующего УК РУз в сфере противодействия незаконного огнестрельного оружия, боеприпасов, взрывчатых веществ или взрывных устройств. А также изложены проблемы, возникающие при практическом применении этих норм и которые с научной точки зрения должны быть решены в будущем.

**Ключевые слова и выражения:** огнестрельное оружие, боевые припасы, взрывчатые вещества, взрывные устройства, незаконный оборот, преступление, уголовная ответственность.

**KALANDAROV Maksud,**

Head of the Organizational department of the Academy of the  
MIA of the Republic of Uzbekistan,  
Candidate of Juridical Sciences, associate professor  
E-mail: kalandarovm454@gmail.com

## CURRENT STATE OF CRIMINAL LIABILITY FOR ILLIGAL TRAFFICKING OF FIREARMS, AMMUNITION, EXPLOSIVES OR EXPLOSIVE DEVICES

### ANNOTATION

The article deals with the current state of criminal liability for illegal trafficking of firearms, ammunition, explosives or explosive devices provided for the initial citation in the current Criminal Code of the Republic of Uzbekistan and social conditionality of introducing amendments and additions to these articles over the past 15 years. A comparative analysis of the relevant provisions of the Criminal Code of the Uzbek SSR in 1960 and the provisions of the current Criminal Code of the Republic of Uzbekistan in the field of countering illegal firearms, ammunition, explosives or explosive devices is carried out. As well as the problems were set that arise in the practical application of these norms and they should be solved in the future from a scientific point of view.

**Key words and expressions:** firearms, ammunition, explosives, explosive devices, illegal trafficking, crime, criminal liability.

Бугунги кунда, дунёда ўқотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмалардан террористик ва қўпоровчилик ҳаракатларини содир этишда фойдаланиш шахсинг ҳаёти ва соғлиғига, жамоат хавфсизлигига, давлат хавфсизлигига катта хавф солувчи таҳдид сифатида намоён бўлмоқда. Шунингдек, мазкур предметларнинг ғайриқонуний муомаласига ўз вақтида қарши кураш олиб борилмаслиги терроризм, экстремизм, уюшган жиноятчилик, наркотрафик жиноятчиликни озуқалантирадиган сабаб ва омилларга айланмоқда. Жумладан, дунёда сўнгги йилларда содир этилган 187 та террорчилик ҳаракати оқибатида 13759 нафар инсон вафот этган, 1787 нафар инсон жароҳатланган [13]. Мазкур қўпоровчилик ҳаракатлари махсус лагерларда тайёргарликдан ўтган қуролланган террорчи кучлар томонидан бошқарилган ва Ўзбекистонда экстремистик, сепаратистик, фундаменталистик ва бошқа ташкилотга аъзо бўлган шахслардан



ташқил топган уюшган жиноий гуруҳлар томонидан содир этилган [3, Б.92; Б.183].

Ўқотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларини гайриқонуний муомаласига қарши курашда 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Жиноят кодекснинг 247-, 248- ва 249-моддаларида мазкур предметларнинг гайриқонуний муомаласи учун жиноий-ҳуқуқий тақиқ ўрнатилиб, жиноий жавобгарликлар белгилаб қўйилган [11, Б.124-125]. Жумладан, Жиноят кодексининг 247-моддасида ўқотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларини талон-торож йўллари билан қонунга хилоф равишда эгаллаш учун жавобгарлик белгиланди.

Ушбу моддада талон-торож қилиш йўли билан содир этилишининг ижтимоий хавфлилик даражаси ва хусусиятига кўра жиноят қонунида енгилдан оғирга қараб, яъни оддий таркибли жиноятдан оғирлаштирувчи ва ўта оғирлаштирувчи таркиблар тузилишида белгиланди. М.Х. Рустамбаев таъкидлаганидек, "Жиноят қонунчилиги Махсус қисм нормаларини жиноятларнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва хусусиятидан келиб чиққан ҳолда конструктив тузилишини тўғри белгилаш амалга оширилаётган жиноят-ҳуқуқий ислохотларнинг мақсад ва вазифаларини аниқ белгилаб беришга хизмат қилади" [4, Б.8]. Шу боисдан ҳам мазкур предметларни ўғрилик ва фирибгарлик йўли билан эгаллаш (ЖК 247-м., 1-қ.), талончилик, товламачилик, ўзлаштириш, растрата қилиш ва мансаб мавқеини суистеъмол қилиш йўли билан содир этилиши (ЖК 247-м., 2-қ.) учун жавобгарлик белгиланди. Амалдаги Жиноят кодекси 247-моддаси учинчи қисмида эса талон-торожнинг босқинчилик йўли билан содир этиш ҳолатини ўта оғирлаштирувчи ҳолат сифатида баҳолаш мезони сифатида белгилаб берилди.

Шу билан бир қаторда қонун чиқарувчи мазкур турдаги жиноятни содир этилишининг хавфлилик даражасига таъсир этувчи, жавобгарликни оғирлаштириш ва алоҳида оғирлаштиришга сабаб бўладиган "такроран" ва "бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб" содир этиш ҳолатларини ушбу модданинг иккинчи қисмида тегишинча "а" ва "б" бандларида, учинчи қисми "б" бандида "ўта хавфли рецидивист томонидан" ва "в" бандида "уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб" содир этилиши учун жавобгарлик белгиланган [12, Б.208].

1960 йилда қабул қилинган Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 210-1-моддасида эса, ўқотар қурол, ўқ-дорилар ва портловчи моддаларни ўзлаштириш, растрата қилиш (хизмат юзасидан ёки қўриқлаш учун ишониб топширилган шахс томонидан содир этилиши), босқинчилик йўллари билан содир этиш усулидан ташқари талон-торож қилишнинг қолган (ўғрилик, фирибгарлик, талончилик, товламачилик) учун жавобгарлик биринчи қисмида белгиланган бўлса [5, Б.175], иккинчи қисмида назарда тутилган ҳолатлар бугунги кунда амал қилаётган Жиноят кодексининг 247-моддаси иккинчи қисмидаги "такроран", "бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб" содир этиш ҳолатлари билан бир хил бўлганлигини кузатиш мумкин. Бунинг асосий сабаби, ҳозирги кунда ҳам мазкур предметларни такроран ёки бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этиш ҳолатларини кўплаб қайд этилаётганлиги ва оддий таркибига нисбатан жавобгарликни оғирлаштириб белгиланишига зарурат мавжуд бўлган. Чунки, "такроран" ва "бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб" жиноят содир этиш ҳолатлари амалдаги Жиноят кодексининг 56-моддасида жазони оғирлаштирувчи ҳолатлари сифатида белгиланган.

Шунингдек, таҳлил қилинаётган нормаларнинг учинчи қисмида ҳам жавобгарлик ҳолатларининг бир хил белгиланганлигини кузатиш мумкин. Яъни

иккала қонунда ҳам жавобгарликнинг алоҳида оғирлаштирувчи ҳолатлари сифатида "босқинчилик йўли билан эгаллаш" ва "ўта хавфли рецидивист томонидан" содир этиш ҳолатлари бир хил белгиланган бўлса-да, уларнинг фарқли жиҳатлари 1960 йилдаги Жиноят кодексида жиноят предмет (буюм)ларини "кўп миқдорда" содир этилиши учун жавобгарлик белгиланганлигидир. Амалдаги Жиноят кодексининг 247-моддаси 3-қисмининг "в" бандида эса "уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб" содир этиш учун жавобгарлик белгиланганлигини гувоҳи бўламыш.

Назаримизда, қонун чиқарувчи амалдаги жиноят қонунида "уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб" содир этиш учун жавобгарлик белгилаши ижтимоий заруратдан келиб чиққан, чунки айнан ўқотар қурол, ўқдорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларини қонунга хилоф равишда эгалланиши уюшган гуруҳни қуролланиши унинг барқарорлигини таъминлашга замин яратиши билан бирга уюшган жиноятчилик ўсишига туртки бўладиган омиллардан биридир [2, Б.55-56].

Дарҳақиқат, 1960 йилдаги ЖКнинг 210-1-моддаси 3-қисмида назарда тутилган "кўп миқдорда" содир этиш ҳолати диққатимизни тортади. Чунки, бугунги куда иқтисодий жараёнлар жаддалик билан ривожланиб мулкий манфаатлар ҳимоя қилинишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, 2019 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Қурол тўғрисида"ги қонунига асосан махсус рухсатнома биланжисмоний ваюридик шахсларга ўқотар қуролларнинг белгиланган турини муомалага киритиш ҳуқуқи берилган [10]. Шу боисдан, А.А. Бакрадзе тўғри таъкидлаганидек "ўқотар қуроллар ҳам бошқа мол-мулк каби моддий қийиматга эга" [1] бўлади. Уларни қонунга хилоф равишда эгалланишида жабрланувчи томонга муайян миқдорда моддий зарар етказилади.

Шундай экан, қонунда ушбу предметларнинг ноқонуний эгаллашда етказилаётган моддий зарарнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва хусусиятини ҳам инобатга олиш зарурати мавжуд. Шу билан бир қаторда мазкур жиноий қилмишлар моддий таркибли жиноят эканлигини инобатга олиш зарур. Назаримизда, Жиноят кодексининг 247-моддасида етказилаётган моддий зарарнинг миқдорлари(кўп, жуда кўп миқдори)дан келиб чиқиб, жавобгарликни ўрнатиш масаласига алоҳида эътибор қаратиш зарурати мавжуд.

Шунингдек, мазкур моддалар ўртасидаги тафовутлардан яна бири бу уларнинг санкциясида белгиланган жазо турларидир. 1960 йилдаги ЖКнинг 210-1-моддасининг барча қисмларида назарда тутилган ҳаракатлар учун фақат битта жазо тури, яъни озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо белгиланган бўлиб, ушбу модданинг биринчи қисмида етти йилгача, иккинчи қисмида ўн йилгача, модданинг ушбу қисмларида бундай тартибда жазони ўрнатилиши, яъни энг кам миқдорини кўрсатмасдан тўғридан-тўғри энг кўп миқдорини белгиланиши бизнингча бир оз тушунарсиз. Ушбу Кодекснинг 23-моддасига мувофиқ энг кам миқдори сифатида уч ой белгиланганлиги боис, ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисми учун жазо муддати бир хил миқдордан бошлаб, фақат якуни миқдорида фарқ қилинаётганлигидир, яъни биринчи қисмида етти йил, иккинчи қисмида эса ўн йил қилиб белгиланган. Назаримизда иккинчи қисмида қонун чиқарувчи етти йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо тайинланишини белгилаши лозим эди. Кўриниб турибки, ушбу моддада жазо тайинлаш тартибида ҳам камчиликлар мавжуд эканлиги кўзга ташланмоқда.

1960 йилдаги ЖКнинг 210-1-моддаси учинчи қисмида эса мазкур предметларни мусодара қилиш ёки мусодара қилмасдан олти йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо белгиланган.

Ҳозирги кунда амалда бўлган ЖКнинг 247-моддасининг биринчи қисмида муқобиллик асосида уч турдаги жазо, яъни уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари, икки йилдан беш йилгача озодликдан чеклаш ёхуд бир ойдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазолар белгиланган бўлса, иккинчи қисмида беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш, учинчи қисмида ўн йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо тайинланиши белгиланган.

Жазо тайинлаш бўйича нормаларнинг тарихий-қийёсий таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда амалдаги жиноят қонуни (ЖК 247-моддаси 3-қисми)да ўқотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларини қонунга хилоф равишда эгаллаш жиноятлари учун тайинланадиган жазо муайян миқдорда, яъни беш йилга фарқ қилинадиган ҳолда оғирлаштириш томонга ўзгартирилганлигига гувоҳ бўлиш мумкин.

Ва ниҳоят улар ўртасидаги яна бир фарқ бу уларнинг предметида. Яъни 1960 йилдаги ЖКнинг 210-1-моддасида назарда тутилган жиноятнинг предмет сифатида ўқотар қурол, ўқ-дорилар ва портловчи моддалар белгиланган бўлса, амалдаги ЖКнинг 247-моддасида улардан ташқари қўшимча тариқасида портловчи қурилмалар ҳам предмет сифатида белгиланган. Бу ҳолат қурол-яроғнинг турли замонавий мосламаларини ишлаб чиқилганлиги билан боғлиқ.

Тадқиқ қилинаётган предметларнинг қонунга хилоф муомаласини ташкил этувчи иккинчи жиноят тури - амалдаги Жиноят кодексининг 248-моддасида жавобгарлик белгиланган қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларига қонунга хилоф равишда эгаллик қилиш жиноятидир.

Амалдаги Жиноят кодексининг 248-моддаси биринчи қисмида "тегишли рухсатномасиз ўқотар қурол, шунингдек ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмалари тайёрлаш, олиш, олиб юриш, сақлаш, олиб ўтиш ёки жўнатиш" учун жавобгарлик белгиланган. Иккинчи қисмида "ўша ҳаракатлар такроран ёки хавфли рецидивист томонидан содир этилиши" оғирлаштирувчи ҳолат сифатида белгиланган бўлса, учинчи қисмида ўқотар қуролни, ўқ-дориларни, портловчи моддаларни ёки портлатиш қурилмаларини ўтказиш учун алоҳида оғирлаштирувчи ҳолатларда жавобгарлик белгиланган [12, Б.209].

Тўртинчи қисмида, рағбатлантирувчи норма - ушбу моддада назарда тутилган буюмларни ўз ихтиёри билан топширган шахс жавобгарликдан озод қилиниши белгилаб қўйилганлигига гувоҳ бўлиш мумкин.

1960 йилдаги Ўзбекистон Жиноят кодексига ҳам шу тартибдаги жиноят-ҳуқуқий норма ЖКнинг 210-моддасида белгиланган [5, Б.174]. Амалдаги Жиноят кодексининг 248-моддасида ушбу буюмларга қонунга хилоф эгаллик қилиш ҳаракатларидан ўтказиш ҳаракати бошқа эгаллик ҳаракатларига қараганда алоҳида оғирлаштирувчи ҳолатда жавобгарлик ўрнатилганлиги ҳамда илгари қонунда бўлмаган "ўша ҳаракатлар такроран ёки хавфли рецидивист томонидан содир этилиши" ҳолати учун жавобгарлик ўрнатилди. Аммо, таъкидлаш жоизки, давлат жиноят қонуни 1994 йилда мазкур ўзгаришларсиз қабул қилинган эди [11, Б.124-125].

Амалдаги Жиноят кодексининг 248-моддасида назарда тутилган санкция тури ва миқдори 1960 йилдаги Жиноят кодексининг 210-моддаси санкциясига нисбатан оғирлаштирувчи томонга ўзгартирилганлигини кузатиш мумкин.

Ўқотар қурол ва ўқ-дориларнинггайриқонуний муомаласини ташкил этувчи учинчи жиноят тури - амалдаги Жиноят кодексининг 249-моддасида жавобгарлик белгиланган ўқотар қурол ёки ўқ-дориларни бепарволик билан сақлаш жинояти ҳисобланади.

Амалдаги Жиноят кодексининг 249-моддасига мувофиқ - "ўқотар қурол ёки унга мўлжалланган ўқ-дориларни бепарволик билан сақлаш одам ўлишига ёки бошқа оғир оқибатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлиши" учун жавобгарлик белгиланган [12, Б.210]. Фақат жиноят қонунида назарда тутилган жиноий оқибатларнинг келиб чиқиши боис уни содир этган шахс жиноий жавобгарликка тортилади. Агарда ўқотар қурол ёки унга мўлжалланган ўқ-дориларни бепарволик билан сақлаш мазкур жиноий оқибатларни келтириб чиқармайдиган бўлса, унда мазкур қилмиш учун жиноий жавобгарлик эмас балки маъмурий жавобгарлик белгиланади [6].

1960 йилдаги Жиноят кодексига ўқотар қурол ёки ўқ-дориларни бепарволик билан сақлаш учун алоҳида жавобгарлик белгиланган бўлса-да, аммо ушбу жавобгарлик мустақил моддада эмас, балки ЖКнинг 211-моддаси учинчи қисмида ўқотар қурол ёки ўқ-дориларни бепарволик билан сақлаш, шунингдек ушбу қурол ёки ўқ-дориларни вояга етмаган шахсларга бериб юбориш одам ўлишига ёхуд бошқа оғир оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлганлиги учун жиноий жавобгарлик белгиланиб, ушбу жиноятни содир этган шахсларга нисбатан суд томонидан икки йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки бир йилгача муддатга ахлоқ тузатиш ишлари тариқасидаги жазо турлари тайинланиши белгиланган.

Амалдаги Жиноят кодексининг 249-моддасида назарда тутилган мазкур турдаги жиноят учун энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши белгиланган.

Кўриниб турибдики, юқоридаги жиноятлар каби ушбу моддада ҳам санкцияда кўрсатилган озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо миқдори нисбатан, яъни уч йилга кўп муддатга оғирлаштирилган.

Шундай қилиб, ўқотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларини ғайриқонуний муомаласи учун белгиланган жавобгарликларнинг ҳозирги ҳолатида озодликдан маҳрум қилиш тариқасида тайинланаётган жазо миқдори 1960 йилдаги Жиноят кодексига мазкур феномен учун тайинланаётган жазога нисбатан муайян даражада кўпайтирилиб, жазони оғирлаштирувчи хусусият касб этмоқда.

Ўқотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларининг ғайриқонуний муомаласи учун жиноий жавобгарлик масалалари тарихий-ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил қилинганда, 1926 ва 1960 йилда қабул қилинган Ўзбекистон ЎзССР Жиноят кодексларида мазкур турдаги жиноятлар учун жиноий жавобгарлик ҳолатлари замоннинг ўтиши, жамият ҳаётининг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий жабҳаларида рўй берган ўзгаришлар боис такомиллаштирилиб борилганлиги каби, амалдаги Жиноят кодекси ҳам бундан ҳоли бўлмаган ҳолда, тадқиқ қилинаётган жиноят предметларининг ғайриқонуний муомаласи учун жавобгарлик белгиланган нормаларга ҳам бир қатор ўзгартириш ва қўшимчлар киритилишига олиб келди.

Чунончи, амалдаги Жиноят кодексининг дастлабки таҳриридаги 247-, 248- ва 249-моддаларига бир қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси 1996 йил 27 декабрдаги 357-1-сонли қонунига мувофиқ амалдаги ЖКнинг 248-моддаси биринчи қисм диспозициясига "*олиб ўтиш*" ва "*жўнатиш*" ҳаракатлари қўшимча тарзда киритилиб, "*ўтказиш*" ҳаракати биринчи қисмдан учинчи қисмда алоҳида норма сифатида жавобгарлик ўрнатилиб, молк-мулк мусодара қилиб, ўн йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазо тайинланиши [7] белгиланган

бўлса, Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги 254-II-сон Қонунига мувофиқ эса, жазоларни либераллаштириш муносабати билан "мол-мулкни мусодара қилиш" тариқасидаги жазо тури амалдаги Жиноят кодексининг барча санкциялари, қаторида ЖКнинг 247 ва 248-моддаларида назарда тутилган санкциялардан ҳам чиқарилиб ташланди [8].

Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 10 августдаги ЎРҚ-389-сонли Қонуни билан ЖКнинг 247- ва 248-моддалари 1-қисмларининг санкцияларига қўшимча тариқасида *"икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш"* жазо тури қўлланиладиган бўлди. ЖКнинг 249-моддаси 1-қисми санкциясида *"икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш"* тариқасидаги жазо [9] тури киритилди.

Мазкур ўзгартиш ва қўшимчаларни киритилиши, жиноятчиликка қарши курашиш сиёсати борасида амалга оширилаётган ислохотлар, яъни ўқотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларининг ғайриқонуний муомаласида ижтимоий хавфлилиги юқори бўлган ушбу буюмларни қонунга хилоф равишда "ўтказиш" учун жавобгарлик алоҳидалаштирилиб, энг оғир жазо тариқасида ўн йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилишнинг қўлланилиши билан ушбу турдаги жиноят билан қарши курашиш чораси кучайтирилган бўлса, кейинги ўзгаришлар бевосита жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан инсонпарвалик таъмойилларига асосланган ҳолда "мол-мулкни мусодара қилиш" тариқасидаги жазонинг бекор қилиниши ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазога муқобил бўлган янги турдаги "озодликни чеклаш" жазоси ўрнатилиши мазкур предметларнинг ғайриқонуний муомаласи учун жавобгарлик белгиланган нормаларни такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Юқоридаги таҳлиллар ва суд-тергов амалиётини ўрганиш натижасида бугунги кунда амалдаги Жиноят кодексига ўқотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларининг ғайриқонуний муомаласи учун жиноий жавобгарлик белгиланган нормаларни амалда қўллашда учраётган ва келгусида илмий жиҳатдан ҳал этилиши талаб этилаётган қуйидаги муаммолардан холи эмаслиги кўзга ташланмоқда: биринчидан, ушбу буюмларни қонунга хилоф равишда эгаллаш натижасида жабрланувчига етказилган моддий зарарни қоплаш ва унинг учун жавобгарлик масаласи; иккинчидан, амалдаги ЖКнинг 247-моддасининг конструктив тузулишида юридик-техник жиҳатдан юридик атамаларни тўғри қўлланилмаганлиги; учинчидан, амалдаги ЖКнинг 248-моддасининг номланиши билан боғлиқ, яъни модда номи "қурол" деган сўз билан бошланиши, қуролнинг барча турини тушуниш лозимлигини уқтирсада, аммо диспозициясида фақат "ўқотар қурол" ҳақида баён қилинган, шунингдек мазкур буюмларни қонунга хилоф равишда эгаллик қилиш тушунчаси назаримизда "ўтказиш" сўзини қамраб олмаслиги билан ҳам боғлиқ; тўртинчидан, 2019 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Қурол тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ ушбу жиноятлар турларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши заруратининг юзага келганлиги; бешинчидан, тегишли рухсати бўлган ҳолда ушбу буюмларни ташиш, олиш, олиб юриш, ўтказиш оғир оқибатларга сабаб бўлган ҳолда қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик масаласи; олтинчидан, ўқотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларини қўриқлаш вазифаси юклатилган шахс томонидан белгиланган қоидаларни бузганлик натижасида оғир оқибатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлиши учун жавобгарлик масаласи ва шуларга ўхшаш яна бир қатор жиноят-ҳуқуқий масалаларни ҳал этиш талаб этилади.

**Иқтибослар/Сноски/References**

1. Бакрадзе А.А. Причинение материального ущерба при неоконченном хищении и оконченное хищение без материального ущерба // Вестник Университета. - 2012. - № 4. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/prichinenie-materialnogo-uscherba-pri-neokonchenom-hischenii-i-okonchennoe-hischenie-bez-materialnogo-uscherba/viewer>. (Bakradze A.A. Causing material damage in case of incomplete theft and completed theft without material damage. University Herald. - №4. - 2012)

2. Исмаилов И. Жиноятчиликда уюшганлик: назария ва амалиёт муаммолари. Монография. - Т.: - 2005. - Б. 55-56. (Ismailov I. Organized crime: problems of theory and practice. Monograph. - Т.: - 2005. - P. 55-56)

3. Ражабова М.А. Диний экстремизм ва террорчилик: Унинг илдизи қерда? Мақсади нима? Унга қарши қандай курашиш керак? - Т.: - 2000. - Б. 92; Исмаилов И. Жиноятчиликда уюшганлик: назария ва амалиёт муаммолари. Монография. - Т.: - 2005. - Б. 55-56. (Rajabova M.A. Religious extremism and terrorism: Where are its roots? What is the purpose? How to fight against it? - Т.: - 2000. - P. 92; Ismailov I. Organized crime: problems of theory and practice. Monograph. - Т.: - 2005. - P. 183)

4. Рустамбаев М.Х. Уголовное законодательство Узбекистана: история создания, действительность, перспективы развития. Жиноят қонунчилигини такомиллаштириш муаммолари // Илмий амалий конференция материаллари тўплами. - Т.: "ТДЮИ нашриёти". - 2010. - Б. 8. (Rustambaev M.Kh. Criminal legislation of Uzbekistan: history of creation, reality, development prospects. Problems of improving criminal law. Proceedings of the scientific-practical conference. - Т.: TSLU Publishing House. - 2010. - P.8)

5. Уголовный кодекс Республики Узбекистан: (С изм. и доп. на 1 июля 1993 г.). - Т.: "Адолат", - 1993. - С. - 175. (Criminal Code of the Republic of Uzbekistan: (with amendments and additions on July 1, 1993). - Т.: Adolat, - 1993. - P. - 175)

6. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 220-моддаси // URL: <https://lex.uz/docs/97664#200535>. (Article 220 of the Code of Administrative Responsibility of the Republic of Uzbekistan URL: <https://lex.uz/docs/97664#200535>)

7. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги ЎРҚ-357-1-сон Қонуни // URL: <https://www.lex.uz/acts/36953>. (Law of the Republic of Uzbekistan "On amendments and additions to certain legislative acts of the Republic of Uzbekistan" №357-1 of December 27, 1996 // URL: <https://www.lex.uz/acts/36953>)

8. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги "Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги 254-II-сон Қонуни / URL: <https://lex.uz/docs/87124>. (Law of the Republic of Uzbekistan №. 254-II of August 29, 2001 "On amendments and additions to the Criminal, Criminal Procedure Codes and Code of Administrative Liability of the Republic of Uzbekistan in connection with the liberalization of criminal penalties" // URL: <https://lex.uz/docs/87124>)

9. Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 10 августдаги "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги ЎРҚ-389-сон Қонуни // URL: <https://lex.uz/docs/2717325>. (Law of the Republic of Uzbekistan №-389 of August 10, 2015 "On amendments and additions to some legislative acts of the Republic of Uzbekistan" // URL: <https://lex.uz/docs/>)

2717325)

10.Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 29 июлдаги "Қурол тўғрисида"ги Қонунининг 10-, 13- ва 20-моддалари // URL: <https://lex.uz/docs/4445288>. (Articles 10, 13 and 20 of the Law of the Republic of Uzbekistan "About weapons" of July 29, 2019. URL: <https://lex.uz/docs/4445288>)

11.Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. - Т.: "Адолат". - 1995. - Б. 124-125. (Criminal Code of the Republic of Uzbekistan. - Т.: "Justice". - 1995. - P. 124-125).

12.Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси: (2019 йил 1 июлгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан) Расмий нашр - Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. - Т.: "Адолат" ҳуқуқий ахборот маркази"- 2019 й - Б. 208. (Criminal Code of the Republic of Uzbekistan: (as amended and supplemented until July 1, 2019) Official publication - Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan. - Т.: "Adolat" Legal Information Center, -2019. - P. 208)

13.Статистика Терроризма // URL: <https://vawilon.ru/statistika-terrorizma/> (Terrorism Statistics URL: <https://vawilon.ru/statistika-terrorizma/>)

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

ТАДЖИБАЕВА Дилдора Абдурахимовна,  
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси  
Олий ўқув юртидан кейинги таълим факультети докторанти  
E-mail: eldorado.dt7@gmail.com

## ПЕНИТЕНЦИАР МУАССАСАЛАР МАҲКУМЛАР ЖИНОЯТЧИЛИГИ ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАККОМИЛЛАШТИРИШГА ОИД АМАЛИЁТДА УЧРАЁТГАН МУАММОЛАР

**For citation** (иқтибос келтириш учун, для цитирования): ТАДЖИБАЕВА Д.А. ПЕНИТЕНЦИАР МУАССАСАЛАР МАҲКУМЛАР ЖИНОЯТЧИЛИГИ ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАККОМИЛЛАШТИРИШГА ОИД АМАЛИЁТДА УЧРАЁТГАН МУАММОЛАР // Юрист ахборотномаси - Вестник юриста - Lawyer herald. № 1 (2020), Б.82-94.



№1 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2020-1-10>

### АННОТАЦИЯ

Мақолада ҳозирги кунда пенитенциар тизимда учраб турган маҳкумлар томонидан содир этиладиган жиноятларнинг профилактик механизмини такомиллаштириш жараёнида жиноят-ижроия амалиётида учраётган муаммолардан баъзиларини белгилаб олиш ҳақида сўз юритилади.

**Калит сўз ва иборалар:** жиноят-ижроия тизими, пенитенциар муассаса, маҳкумлар жиноятчилиги профилактикаси ва унинг механизми, пенитенциар медиация, маҳкумларнинг пенитенциар радикаллашуви.

ТАДЖИБАЕВА Дилдора Абдурахимовна,  
Докторант факультета послевузовского образования  
Академии МВД Республики Узбекистан  
E-mail: eldorado.dt7@gmail.com

## ПРОБЛЕМЫ В ПРАКТИКЕ КАСАТЕЛЬНО СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ПРОФИЛАКТИКИ ПРЕСТУПЛЕНИЙ, ОСУЖДЕННЫХ В ПЕНИТЕНЦИАРНЫХ УЧРЕЖДЕНИЯХ

### АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются некоторые проблемы, возникающие в уголовно-исполнительной практике в процессе совершенствования механизма профилактики преступлений, совершаемых осужденными в пенитенциарных учреждениях. В заключении даны предложения по совершенствованию и принятию комплекса



мер профилактики преступлений, осужденных в пенитенциарных учреждениях.

**Ключевые слова и выражения:** уголовно-исполнительная система, пенитенциарные учреждения, профилактика преступлений, осужденных и её механизм, пенитенциарная медиация, пенитенциарная радикализация осужденных.

**ТАЈИБАЕВА Dildora,**

PhD doctoral student of Faculty of Postgraduate Education  
of the Academy of the MIA of the Republic of Uzbekistan  
E-mail: eldorado.dt7@gmail.com

## PROBLEMS IN PRACTICE OF IMPROVING PREVENTION OF CRIMES COMMITTED BY CONVICTS IN PENITENTIARY INSTITUTIONS

### ANNOTATION

The article discusses some of the problems that arise in penal practice in the process of improving the prevention mechanism of crimes committed by convicts in the penitentiary institutions.

**Keywords and expressions:** the penal system, penitentiary institutions, the prevention of crimes committed by convicts and its mechanism, penitentiary mediation, penitentiary radicalization of convicts.

Озодликдан маҳрум қилиш жойларидаги жиноятчилик мураккаб табиатга эга, бу жиноий жазоларни ижро этишдаги ўзига хос зиддиятлар, ижтимоий-маънавий, руҳий-психологик ҳодиса ва жараёнлар билан узвий боғлиқ. Муайян жиноий ҳаракатлар кўпинча алоҳида қурбонларга зарар етказишдан ташқари, колониялар, турмалар ва тергов ҳибсхоналари ишини издан чиқариш билан бирга маҳкумлар аксарият қисмининг манфаатлари ва хавфсизлигига ҳам таъсир этади [1].

Ю.С. Пулатовнинг фикрига кўра, пенитенциар жиноятчилик профилактикасига доир илмий тизимини ишлаб чиқиш учун: пенитенциар жиноятчилик кўрсаткичлари ва қонуниятларини тадқиқ этиш; пенитенциар жиноий хатти-ҳаракатнинг шартлари ва сабабларининг субъектив ва объектив криминологик таҳлилини ўтказиш; ҳозирги шароитда мавжуд бўлган жазони ижро этиш муассасаларида жиноятчиликни олдини олиш амалиётини ўрганиш; озодликдан маҳрум қилиш жойларида жиноятчиликни профилактикаси бўйича тавсияларни ишлаб чиқишни [2] амалга ошириш зарур.

Биз олим Ю.С. Пулатовнинг тавсиясига амал қила бориб, пенитенциар жиноятчилик таркиби, кўрсаткичлари, динамикаси, хусусиятлари, тенденциялари ўрганиб чиқдик. Юртимизда содир этиладиган пенитенциар жиноятлар: Жазони ижро этувчи муассасалар (ЖИЭМ) маъмурияти қонуний талабларига бўйсунмаслик (1-ўринда); конституциявий тузумга қарши қаратилган жиноятлар (2-ўринда); жазони ижро этиш муассасидан қочиш (3-ўринда); Жазони ижро этувчи муассасалар ишини издан чиқарувчи жиноятлар (4-ўринда); ўзгалар мулкани талон-торож қилиш жинояти (5-ўринда); соғлиққа қарши ҳамда қасддан одам ўлдириш жиноят тури (6- ва 7-ўринда); гиёҳвандлик воситаларининг айланиши билан боғлиқ жиноятлар (8-ўринда) эканлигини, уларнинг асосий қисмини онги экстремизм гоёси билан захарланган маҳкумлар томонидан содир этилишини аниқладик ва мазкур ҳодиса юзага келишининг сабабий боғланишлари ҳақида баъзи хулосаларга келдик. Шу билан бирга замонавий пенитенциарист-олимлар қарашлари, жазони ижро этиш тизими бой амалий тажрибага эга бўлган

собиқ ходим-фахрийлар билан ўтказилган интервью, пенитенциар амалиёти ходимлари, турли тоифадаги маҳкумлар орасида олиб борилган анкета-сўровномалар натижалари ҳамда соҳага оид махсус адабиётлар таҳлиliga асосланиб амалиётда учраётган пенитенциар жиноятчилик профилактикасига оид муаммоларни ажратиб кўрсатишга уриниб кўрамиз.

Жиноят-ижроия ҳуқуқи принципларини амалга оширишдаги асосий муаммо жиний жазо ва бошқа таъсир чораларини ижро этувчи органлар фаолиятининг номукамаллиги ҳамда қонунчиликда бўшлиқ ва коллизияларнинг мавжудлиги ҳисобланади [3], бизнинг мисолимизда булар: амалдаги жиноят-ижроия нормаларининг мавжуд жиноят-ижроия қонунчилиги принципларига номувофиқлигидан келиб чиқадиган муаммолар; жиноят-ижроия тизими мақсад ва вазифалари ҳамда жиноят-ижроия ҳуқуқи назариясининг илмий мазмуни ўртасидаги жиддий тафовутлар; жиноят-ижроия нормалари ифодаланган тилдаги техник, лингвистик ноаниқлик ва мужмалликлар, атамалар унификациялашмаганлиги, талқиндаги камчиликлар; жазонинг ўрнатилган тартибини бузган маҳкумларга интизомий чоралар қўлланилиши соҳасига оид қонунчиликдаги бўшлиқлар; жиноят, жиноят-процессуал ва жиноят-ижроия кодексларидаги пенитенциар коллизиялардир.

Жиноят-ижроия тизимига таъсир кўрсатувчи ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва бошқа жараёнларнинг таҳлили ҳозирги босқичда пенитенциар тизим фаолиятидаги асосий муаммоларни белгилашга имкон яратади, уларни ҳал этмай туриб кейинги ислохотлар босқичига ўтиш мумкин эмас. Аввало, бу давлат томонидан жиний ижроия сиёсатини шакллантиришдир, деб ҳисоблайдиган олимлар фикри билан ҳамжиҳатмиз [4].

Жиноят-ижроия тизимимиз билан боғлиқ сиёсий қарорларнинг таҳлили давлат ҳозирги пенитенциар тизимга нисбатан ўз сиёсатини ҳали тўла ва аниқ белгиламаган, деган хулоса чиқаришга имкон беради. Бизнинг фикримизча, жиноят-ижроия тизимига оид қабул қилинган қарор ва концепция [5] баҳс-мунозарага ўрин қолдирган. Демак бундан, жиноят-ижроия тизимига оид ҳам сиёсий, ҳам ташкилий-ҳуқуқий қарорларнинг изчиллиги ва тўлиқлиги кўринмаяпти, деган хулосага келиш мумкин.

Давлатимизда жиноят-ижроия сиёсати шаклланиши йўлида жиддий муаммо **илмий таҳлилнинг етишмаслиги**. Одатда жиний жазоларни ижро этувчи амалиётчиларимиз турли сабабларга кўра илмий тадқиқотлар билан машғул бўлишга имкон топмайдилар, жиноят-ижроия назарияси билан шуғулланадиган ҳамда соҳада юзага келаётган муаммоларни чуқур таҳлил қила оладиган пенитенциарист-олимлар эса жуда озчиликни ташкил этади.

Бизнинг фикримизча, кўп ҳолларда илмий тадқиқотлар ташкилий ва қонуний белгилаб қўйилган қарорлар натижалари бўйича амалга оширилаяпти ҳолос. Шу ўринда фикримиз, Н.К. Потоцкийнинг "...бунинг оқибатида олимлар фақат қабул қилинган чора-тадбирлар самарасиз бўлганлигини тан олишдан бошқа чораси қолмаяпти"[6], деган фикри билан ўхшашлигини эътироф этишимиз даркор.

Биз Н.П. Барабанов ва С.Н. Кленовлар, жиноят-ижроия тизимининг амалдаги ислохотларини, унинг концепциясига ўтишни белгилаб берувчи, яқин келажакда ислохотлар кечишини башоратловчи ва янги жамиятга мос келувчи назарий тамойилларини ишлаб чиқмасдан туриб амалга ошириб бўлмайди [7], деган таъкидларига қўшилаемиз ва бунинг учун эса, ислох қилинадиган объектнинг ҳолатини дастлабки илмий баҳолаш тизимини жорий этиш; илмий тавсияларни ишлаб чиқиш; норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини криминологик баҳолаш лозим деб ҳисоблайемиз.

Кўпчилик пенитенциарист-олимларнинг фикрига кўра, жиноят-ижроия қонунчилиги ва жиноят-ижроия тизими ислоҳотлари жазони ижро этиш институтларининг инсонпарварлашуви ва демократлашувига йўналтирилган [8]. Жиноят-ижроия кодексимизга киритилаётган қўшимча ва ўзгартиришлар миллий қонунчилигимизни жазони ижро этиш ва ўташнинг халқаро стандартларига бутунлай бўлмаса-да, анчайин яқинлаштирди. Бироқ бизнинг фикримизча, ҳозирги жиноят-ижроия тизими фаолиятидаги жиддий камчиликлар жиноят-ижроия ҳуқуқи назарияси илмий мазмуни билан жиноят-ижроия тизими учун шакллантирилган мақсад ва вазифалар ўртасидаги тафовутнинг мавжудлигидан келиб чиқади.

Амал қилаётган жиноят қонунчилигимизда (ЎЗР ЖИК 42-моддаси 2-қисми) шу нарса ўрнатиб қўйилганки, "...Жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятини давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади". Ахлоқ тузалиши деганда, бу - маҳкум шахсиятининг қадриятлар тизимига оид ахлоқий меъёрларидаги ўзгаришлар тушунилади. Модданинг мазмунига кўра, жазонинг пировард мақсади ижтимоий натижаларда ифодаланиб, уларга эришиш учун ҳам жиноий жазо қўлланилади. Ижтимоий натижалар шахс ижтимоийлашуви даражасини белгилайдими, деган ўринли савол туғилиши табиий.

Кўп олимлар жазонинг мақсади замирида қилган жинояти барча зарарларини англаб етган, озодликдаги ҳаётга мослашиб, фойдали фаолият билан шуғулланиб кетадиган, жамият билан узилган ижтимоий алоқаларини тиклаб оладиган жиноятчининг қонунга итоаткор шахсга айланишини кўзда тутиб "маҳкумнинг қайта ижтимоийлашуви" тушунчаси ҳақида гап юритадилар [9]. Кўпинча ушбу икки тушунча, гарчи улар орасида фарқ катта бўлса-да, айнанлаштирилади. Қайта ижтимоийлашув, бу - кишилиқ ҳамжамиятида яшаб қолиш учун йўқотилган ижтимоий-фойдали фазилатлар ва амалий кўникмаларни тиклаш ёки сингдиришидир. Бундай ҳолда, "қайта ижтимоийлашув мақсади" ҳам жазо мақсадларига қўшилиши керак, деган фикрга келдик.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 42-моддаси 2-бандида "...Жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятни давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади", дейилади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 7-моддаси 2-бандида эса **"Маҳкумни ахлоқан тузатиш**нинг асосий воситаларига жазони ижро этиш ва ўташнинг белгиланган тартиби (режими), ижтимоий-фойдали меҳнат, тарбиявий иш, умумий ва ҳунар таълими, касб тайёргарлиги ва жамоат таъсири киради", деб кўрсатилган. Маҳкумларга нисбатан маҳкумларни жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга нисбатан тузатиш мақсади (озодликни чеклаш бундан мустасно), олдини олишнинг янада аниқроқ мақсади билан алмаштирилиши керак, чунки амалда ушбу турдаги жазолар ижросида Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 7-моддасида белгиланган ахлоқ тузатиш воситалари қўлланилмайди, демакжамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар учун бошқа воситаларни ишлаб чиқиш лозим.

Жиноят-ижроия ҳуқуқи принциплари шаклланишининг устувор манбаи давлатнинг ижтимоий-ҳуқуқий сиёсати ва жиноят ҳуқуқи доктринаси ҳисобланади [10]. Шу ўринда яна бир россиялик олима Н.И. Ганина РФнинг Жиноят-ижроия кодекси 3-модда 4-бандида жазонинг ижроси ва маҳкумларга бўлган муносабатга оид масалаларда халқаро ташкилотларнинг тавсиялари (декларациялари) Россия Федерациясининг жиноят-ижроия қонунчилигида зарурий иқтисодий ва ижтимоий имкониятларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади [11], деган далили уни

миллий қонунчилигимизга ҳам татбиқ этиш фикрини пайдо қилди.

Шу ўринда яна таъкидлаш лозимки, жиноят-ижроия қонунчилигимизни халқаро стандартларга мос келишини таъминлаш ҳамда жиноят-ижроия тизими органлари фаолиятини такомиллаштириш молиявий-иқтисодий сарф-ҳаражатларни тақозо этади ва бунда мавжуд имкониятлардан келиб чиқиш зарур. Агар халқаро стандартларни эътироф этиш, қабул қилишга интилиш бўлса-ю, уларни моддий таъминлаш ташкил этилмаса, амалда буни уддаламаган давлат обрўси ва сиёсатига жиддий путур етказилади.

Мамлакатимизда жазони ижро этиш тизими фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш масалалари илмий жиҳатдан кам ўрганилган ва унинг мезонлари ишлаб чиқилмаган. Пенитенциар тизим фаолияти самарадорлиги ҳамда озодликдан маҳрум этиш амалиётини оптималлаштиришга оид масалаларни тадқиқ этиш маҳкумни тузатиш ва профилактик таъсир механизминини ишлаш ҳолати, жинорий жазолар ижроси соҳасида миллий қонунчилик модернизацияси истиқболлари тўғрисида илмий асосланган тушунчага ва жиноят-ижроия тизими ислоҳотларини келтириб чиқарувчи ҳуқуқни қўллаш амалиётига янгича назар билан қараш имконини беради.

Россиялик олим, доцент П.В. Тепляшиннинг фикрига кўра, пенитенциар тизим самарадорлиги мезонларига қўйида келтирилган омилларни киритиш мумкин: 1) пенитенциар тизим фаолияти учун харажат ресурслари (иқтисодий омил); 2) пенитенциар ва постпенитенциар рецедив жиноятчилиги (жиноятчилик сиёсатига таҳдид омили); 3) маҳкумларга ноҳақ (зўрлик, таҳқирлаш ва б.) муносабат коэффициенти (ҳимояланганлик омили); 4) тизим фаолияти натижаларини жамоатчилик томонидан маъқулланиш даражаси (жамоат маъқуллови омили) [12].

Шуни таъкидлаш лозимки, баъзи махсус тадқиқотларда жиноят-ижроия тизимининг ҳам яхлит тизим сифатида, ҳам унинг алоҳида соҳалари: тезкор, тартибот (режим), тарбиявий ишлар, ишлаб чиқариш фаолиятлари самарадорлигини баҳолаш тажрибаси мавжуд эканлиги ҳақида гапирилади. Бизнинг фикримизча, уларнинг алоҳида фаолият соҳалари: жиноят-ижроия тизими ходимларининг педагогик фаолияти [13], қабул қилинган бошқарув қарорлари [14], қўриқлаш функциялари [15], жамоат назорати [16], маҳкумларни меҳнатга жалб қилиш [17] самарадорлигини баҳолаш мезонлари асосида тизим фаолиятининг умумий самарадорлиги ва натижадорлиги мезонларини белгилаб олиш имкониятини юзага келтириш мумкин.

Жазони ижро этиш тизими фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш соҳасида бошқа олимлар таклиф этаётган омилларни ҳам эътиборга олиш мумкин. Масалан, И.Б. Казак жазони ижро этиш муассасалари ва тергов ҳибсхоналари жамоат тартибини таъминлаш фаолияти самарадорлигини баҳолаш омиллари сифатида: 1) ахборот таъминотининг даражаси, сифати ва талабларга жавоб беришидан; 2) маҳкумлар ўртасида салбий ҳодиса ва жараёнларнинг профилактикасига қаратилган криминологик ва бошқарув башоратлар самарадорлигидан; 3) жазони ижро этиш муассасаси барча даражадаги раҳбарлари томонидан тайёрланган бошқарув қарорларисамарасидан; 4) пенитенциар муассасалар ташкилий тузилиши хусусиятларидан; 5) муассасаларнинг кадрлар билан таъминганлиги ҳолатидан фойдаланишни таклиф этади [18].

Жазони ижро этиш тизими фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш учун таклиф этилаётган кўрсаткичлар тизимини назарий ривожлантириш ва амалда қўллаш давлат бошқаруви такомиллашувининг муҳим йўналишларидан бири бўлиши мумкин.

Таҳлил ишларини жиноят-ижроия тизимининг барча орган ва муассасалари амалга оширади, ҳар қандай фаолият турини таҳлилсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ҳозирги вақтда ушбу функцияни пенитенциар тизимнинг барча даражаларида ахборот-таҳлилни яратиш орқали амалга оширилишига қарамай ушбу соҳада муаммолар етарли.

ЖИЭББнинг Ташкилий-инспекторлик ва ахборот-таҳлил бошқармаси белгиланган фаолият турига умумий раҳбарликни амалга ошириш мақсадида тузилган, унинг таркибига - Таҳлил, режалаштириш ва фаолиятни назорат қилиш бўлими киради. Мазкур бўлимнинг вазифаси жазони ижро этувчи органларини бошқариш тизимини яратиш эканлигига қарамай унинг фаолиятини ташкиллаштиришда сусткашликка йўлга қўйилиши, заҳравий ва таркибий тузилишни таъминлаш, мазкур фаолият турини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш, пенитенциар тизимнинг барча даражаларидаги таҳлилчилар ўзаги таркибини яратишда бир қанча камчиликларни келтириб чиқаряпти.

Бизнинг фикримизча, таҳлилий иш бошқарув функцияларининг бири сифатида, озодликдан маҳрум этишни амалга оширувчи органлар фаолиятидаги ижобий ва салбий тенденцияларни илмий методлар билан аниқлаш, уларни намоён бўлиш сабаб-шароитларини белгилаш, мазкур тенденцияларини ривожланишини башорат қилишга ва уларни ўзгартиришга қаратилган асосли хулоса-тавсияларни тайёрлашга асосланиши лозим.

В.А. Заборовскийнинг фикрига қўра, пенитенциар жиноятларни олдини олиш мазкур процедурани комплекс таъминловчи самарадор ва муайян профилактик чораларни яратишда ифодаланган пенитенциар муассасадаги тезкор вазиятнинг илмий таҳлиliga асосланиши керак [19].

Аналитик ишда тезкор ходимнинг профессионал интуицияси муҳим ўрин тутди, бироқ унинг асосида қилинган тусмол ва тахминлар синчковлик билан ҳар томонлама текширилиб, синаб кўрилиши керак. Ишнинг муваффақиятини айнан махсус тайёргарликка эга, оператив ахборот-таҳлилий ишларни удалайдиган кадрлар белгилайди. Ахборот-таҳлил йўналишдаги ишларни оптималлаштиришни бутун идоравий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тартибга солмасдан туриб амалга ошириш имконсиз [20].

Аналитик ишни сифатли амалга ошириш борасида соҳага оид статистикани юриштининг ўрни беқиёс, лекин озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этиш борасида у яхши йўлга қўйилган дея олмаймиз. Жиноят-ижроия статистикасининг вазифаси - бу жамиятни жиноятчиликнинг, судланишларнинг, уларга қарши ижтимоий-ҳуқуқий тадбирларнинг ҳақиқий аҳволи тўғрисида ахборот билан таъминлашдан иборат, шу билан бирга улар ўртасида алоқадорликни топишдир. Жазони ижро этиш тизимидаги ҳуқуқбузарликларнинг мамлакатдаги сиёсий, маънавий, ижтимоий-иқтисодий ҳолати билан ўзаро боғлиқлигини ҳамда уларни ривожланиши тенденциясини аниқлаш ҳам унинг тўғридан-тўғри мақсадидир. Пенитенциар статистика тармоқни ривожлантирмай туриб, бу соҳада юқори натижаларга эришиш мушкул.

Маҳкумлар томонидан содир этиладиган жиноятлар башоратининг ташкилий асослари хусусиятлари - уларнинг техник жиҳозланиши сустиги, пенитенциар тизим бошқаруви барча босқичларида прогнозлаш соҳасида малакали мутахассислар етишмаслиги, шунингдек, маҳкумлар жиноятчилигини башоратлаш соҳасида ахборот-таҳлил бўлинмаларда ишлаш учун кадрлар тайёрлаш тизимининг ишлаб чиқилмаганлиги билан характерланади. Мазкур ҳолат аномалга ўхшаш кўринсада, уни жиноят-ижроия тизимининг янги ташкилий-ҳуқуқий шароитлардаги шаклланиши ва ривожланиши қийинчиликлари билан тушунтирса

бўлади [21]. Хусусан, эндиликда маҳкумлар жиноятини, шу жумладан мониторинг асосида башорат қилиш тизимини тўлиқ шакллантириш учун шарт-шароит юзага келган.

Озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этиш амалиётида учрайдиган кейинги муаммо - маҳкумларнинг экстремизм ғояси билан **радикаллашиши** муаммоси ва унинг ўз навбатда пенитенциар муассасаларда радикал мафкуралар ва амалиётнинг тарқалишига олиб келаётганидир. Ташқи кўринишдан улар сақлаш режими ва хавфсизлик ҳолатига хавф туғдирмаётгандек бўлса-да, асли ҳолат бунинг акси. Шу ўринда А.Н. Антиповнинг фикрига қўшилмасдан илож йўқ. Унинг таъкидлашича, кундалик "бир хил жорий иш" орасида юришлик муассаса маъмуриятига мазкур гуруҳ вакиллари ва улар томонидан содир этилиши мумкин бўлган ноқонуний ҳаракатларга алоҳида эътибор қаратишга, профилактик ва тезкортаъсирни кучайтиришга имкон бермайди [22]. Экстремистлар орасидаги обрўга эга шахслар, ёлловчилар ва бошқалар маҳкумлар билан бир бино, хонада яшаши тарбиячилар, руҳонийлар ва тушунтириш ишларни олиб борадиган бошқа шахсларга қараганда жиддийроқ таъсирга эгадирлар. Осон бошқариладиган маҳкумларни экстремист- манипуляторлар билан бир ерда жойлаштирмаслик яхшироқ. Мақола муаллифи бу борада А.Н. Антиповнинг маҳкумлар билан олиб бориладиган дерадикаллаштириш ишларини ривожлантиришда узлуксизликка алоҳида эътибор қаратиш лозим деган қарашларига қўшилади [22].

Муаммонинг бошқа томони ҳам мавжуд, муассаса ходимлари бу соҳага оид тўлиқ билим ва маълумотга эга эмаслар. Ушбу ҳолатни жазони ижро этиш хизмати тизимимиз амалиётчилари орасида ўтказилган сўровномалардан олинган натижалар билан россиялик олим А.А. Шиков томонидан ўтказилган тадқиқот натижаларига ўхшашлигитасдиқланди, унга кўра, жазони ижро этиш тизими тезкор бўлинмалари ходимларининг 95 фоизи "ваҳобийлик" ва "салафийлик" тушунчалари, шунингдек улар ўртасидаги тафовут, фарқлар ва ўхшашликларни ажратиб бера олмаганлар [23].

Мамлакатимиз жиноят қонунинида жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш ва терроризм жиноятини содир этганларга умрбод озодликдан маҳрум этиш жазо чораси қўлланилади ва мазкур шахсларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 73-моддаси 4-қисмига кўра, жазони ўташда муддатидан илгари шартли озод қилиш қўлланилиши мумкин эмас, 51- моддаси 1-қисмига кўра эса маҳкумни жазони ижро этиш муассасига **муддатсиз** даврга (умрбод) жойлаштирилади. Мазкур жиноий жазо ўта қаттиқ жазо туридир, чунки унинг охири кўринмайди. Ҳар қандай одамда истиқбол бўлиши керак, аммо умрбод озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинганларда у йўқ, шунинг учун ушбу шахслар руҳияти бузилади, ўз қобилигига ўралиб қолади, социумда узилади ва деградация ва газабланишга дучордир. Мазкур жазо турининг шафқатсизлиги шундаки, ўз номига, моҳиятига, ҳақиқатига кўра маҳкум ахлоқини тузатиш ва уни жамиятга қайтаришни кўзда тутмайди.

Бу ҳолат яна бир муаммони - умрбод озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган шахсларнинг ҳуқуққа хилоф ҳаракатларини келтириб чиқаради, яъни умидсизлик ва тушкунликдан ҳосил бўлган оқибатни улар сақлаш тартиботига қарши қаратади.

Жавоблар бир неча вариантларини кўзда тутган "умрбод озодликдан маҳрум қилинган маҳкумлар орасида қандай кайфият юради?" деган саволга, улар сақланадиган муассасада сўров ўтказилган ходимларининг 56 фоизи яшаб қолишга интилиш; 27,5 фоизи бутунлай апатияда; 16,5 фоизи истиқбол йўқлиги ва умидсизлик дея жавоб қайтарганлар. Шунинг ҳам таъкидлаш керакки, мазкур тоифадаги маҳкумлар орасида ўтказилган сўровда, улар ҳам муддатдан илгари

шартли озод қилиниш имконияти яратилишига умид қилиб яшар экан.

Умрбод озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўташдан муддатдан илгари шартли озод қилиш - умрбод озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган шахснинг ҳуқуқий ҳолатини яхшилашга сезиларли даражада ўзгартиришга қодир бўлган бирдан-бир ҳуқуқий восита бўлиб, у маҳкумнинг ахлоқан тузалиши ва қайта ижтимоийлашуви учун ягона рағбатлантирувчи омилдир. Мамлакатимизда эҳтимол, умрбод озодликдан маҳрум этилган сони мамлакат аҳолиси ёки қамоқ аҳолиси сонига нисбатан улкан миқдорда эмасдир, уларнинг тузалгани унданда камроқдир, бироқ жиноят қонунчилигига кўра жазони қўллашдан мақсад маҳкумнинг тузалиши экан, нега кўп йиллар таъсирида ўз қилмишидан пушаймон қилган, ахлоқи тузалган, ўз айбини ювишга тайёр бўлган кишиларни, тушкунлик оқибатида деградацияга учраб, бутунлай инсонлик қиёфасини йўқотгунча ҳужра-камерада тутқунликда сақлаш керак, деган ўринли саволни келтириб чиқаради. Муаллиф ҳар қандай умрбод озодликдан маҳрум қилинган маҳкумни эртамикечми озод қилиш керак деган фикрдан йироқ, бироқ ахлоқи тузалганларига умид бериш, адолатпарварлик тамойилидан келиб чиқиб бошқаларга тақдим этилаётган имтиёздан маҳрум этмасликлозим деган мулоҳазадан келиб чиқади.

Яна эътибор қаратиш лозим бўлган масала - пенитенциар тизимда низолар нафақат маҳкумлар ўртасида, балки маҳкум ва муассаса маъмурияти ёхуд пенитенциар персонали ўртасидаги ўзаро можаролар кўринишида ҳам юзага келиши мумкинлигидир, ушбу ҳолат пенитенциар жиноятчилик профилактикаси олдида яна бир муаммо. Қонуний тарзда белгиланган пенитенциар медиация ва одил судловни тиклаш тушунчалари ишлаб чиқилмаганлигига қарамай, бизда бундай "ҳаракат"нинг пайдо бўлиши учун шарт-шароитлар мавжуд деб ҳисоблаймиз.

В.Г. Громов ва Н.И. Минкиналарнинг фикрига кўра, "пенитенциар медиация процедураси - бу ўзаро мақбул ечимга етишиш учун томонларнинг ихтиёрий розилиги асосида медиатор ёрдами билан пенитенциар муассасаларда маҳкумлар ўртасидаги низоларни ҳал қилиш усули" экан [24].

Чет эллик ҳамкасбларимиз, маҳаллий амалиётчилар ҳамда олимлар томонидан олиб борилаётган тадқиқотлар натижаларини инобатга олган ҳолда, юртимиз жазони ижро этиш муассасаларида тикловчи медиацияни жорий этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Фикримизча бунинг учун, жазони ижро этиш муассасаларида фаолият юритаётган маҳкумларни бўшатиладан кейин меҳнат ва маиший ўрнашишини таъминлайдиган тарбиявий бўлим нозири лавозими ўрнига, юрист-психолог ихтисослигини мукамал эгаллаган пенитенциар-медиаторлар лавозимини киритиш лозим. Психолог сифатида мазкур медиатор маҳкумларнинг ишончини қозониб улар ҳаётида юзага келаётган муаммоларни аниқлайдилар, муассаса доирасида микро-муҳитга тўғри мослашишига кўмак берадилар ҳамда малакали юрист сифатида маҳкумлар жазони ўташи даврида ҳам, бўшатиладан кейин ҳам маҳкум ҳаётида юзага келадиган маиший, оилавий, ҳуқуқий муаммоларини бартараф этиш бўйича ҳаракат қиладилар, қайта ижтимоийлашувини таъминлайдилар.

Ҳаммамизга маълумки, шу кунга қадар халқимиз ички ишлар органларига жазоловчи орган сифатида қараб келган. Шахслар қийноққа солиниши, уларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлиши ҳақидаги фикрлар борлиги сир эмас. Бундай салбий ҳолатларга чек қўйиш мақсадида Президентимизнинг 2017 йил 30 ноябрдаги Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги фармони асосида барча жазони ижро этиш муассасалари, ички ишлар органларининг тергов ҳибсхоналари, вақтинча сақлаш ҳибсхоналари, махсус қабулхоналари ва

маъмурий қамоқни ўташ жойларининг видеокузатув мосламалари билан жиҳозланганлик даражаси аниқланиб, тегишли чора-тадбирлар белгиланган.

Илғор хорижий давлатлар тажрибаси ҳамда халқаро стандартлар асосида ички ишлар органларида энг сўнгги замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, жумладан, сўроқ жараёнини стенография қилиш, видеокузатув, шунингдек, тергов ҳаракатларини аудио ва видео қайд этиш тизимлари билан жиҳозланган махсус хоналар ташкил этилмоқда.

Эндиликда маҳкумлар томонидан чеклов ва мажбуриятларнинг бажарилиши устидан самарали контроль қилишни таъминлаш мақсадида, назорат ва контролнинг аудиовизуал, электрон ва бошқа техник воситалар қўлланилишига йўл қўйилади. Электрон мониторинг белгиларига: объектни мунтазам кузатиб бориш; салбий оқибатларнинг олдини олиш ва уларга жавобан зудлик билан таъсир кўрсатиш мақсадида кузатиш; мониторинг воситалари бўлган - объектни доимий кузатиш, унинг физикавий параметрларини ўзгаришини кузатиш, салбий ўзгаришларга дарҳол жавоб бериш ва кейинги таҳлил учун олинган маълумотларни тўплаш имконини берадиган турли хил электрон қурилмаларни киритиш керак [25].

Мавжуд амалиётнинг таҳлили шундан далолат бермоқдаки, электрон мониторингдан фойдаланишда ҳуқуқий, ташкилий ва техник хусусиятга эга муаммолар пайдо бўлаяпти. Электрон мониторингни амалга ошириш фуқароларнинг эркинликлари ва шахсий дахлсизлик, шахсий ҳаёт дахлсизлиги, уй-жой дахлсизлиги ҳуқуқи каби конституциявий кафолатланган ҳуқуқларига бевосита таъсир қилади. Бундай ташқари фуқарога унинг розилигисиз шахсий ҳаёт тўғрисидаги маълумотлар тўпланиши, сақланиши, фойдаланиши ва тарқатилишига йўл қўйилмаслиги лозим [26]. Бизнинг фикримизча, назорат ва контроль қилишнинг, озодликдан маҳрум қилинган, озодлиги чекланган, бошқа озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ўтаётган маҳкумларга нисбатан аудиовизуал, электрон ва бошқа техник воситаларни қўллаш имкониятини назарда тутувчи "Электрон кузатув ҳақида қонун" лойиҳаси ёки бошқа норматив ҳужжат ишлаб чиқилиши лозим.

Пенитенциар жинойтларнинг латентлиги озодликдан маҳрум этиш жойларида пенитенциар профилактикани амалга ошириш йўлидаги яна бир муаммо, мавжудлигининг салбий оқибатлари унинг криминологик моҳияти ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлмасдан, тушунчаси, белгилари, турларини аниқламасдан олдини олиб бўлмайди.

Бугунги кунда ҳам, авваллари бўлгани каби жазони ижро этиш муассасалари профилактик фаолияти самарадорлигини белгиловчи мезон бу жинойтчиликнинг ҳолати. Бу бир томондан маҳкумларни жинойий жавобгарликка тортишда жиддий тўсиқлар яратмоқда, чунки жинойтлар содир этилган муассасалар тезкор вазияти ноқулай бўлган бўлинмалар қаторига киритилишига сабаб бўлади. Ушбу муносабат билан муассаса маъмурияти жинойтлар мавжудлигини эътибордан қолдиришга мажбур бўлиб, уларни интизомий ҳуқуқбузарлик тоифасига ўтказди. Агар жинойт содир этилганлигини яшириш мумкин бўлмай қолса, маъмурият вакиллари оғир турдаги содир этилган жинойтни енгилроғига алмаштиришга ҳаракат қилади. Пенитенциар жинойтни атайин латентлаш эса, жинойий-низоли ҳаракат тури ҳисобланади [27].

Жазони ижро этиш муассасаларида латент жинойтчиликнинг мавжудлигининг ўзи криминологик жиҳатдан жиддий оқибатларга: а) жинойтчилик ҳақиқий даражаси, муайян маҳкумга, муассасага, бутун тизимга етказилган зарар даражаси ва унинг тавсифи ҳақида нотўғри тасаввур ҳосил қилишига; б) пенитенциар



жиноятлар содир этилиши шарт-шароитлари ва сабабларини аниқлашга ва ўз вақтида бартараф этишга тўсқинлик яратишига; в) ноқонуний ҳаракатлар учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини амалга оширишда қийинчиликлар туғдириши ва шу билан маҳкумлар пенитенциар-криминоген мотивациясини шакллантиришда салбий омил бўлиб хизмат қилишига; г) маҳкумларда муассаса маъмурияти унда юз бераётган салбий ижтимоий жараёнлар назоратини уддалай олмаётгани ва жазосизлик ҳақида фикр шаклланишига; д) маҳкумлар онгида бутун жазо тизими улар шахсий хавфсизлигини, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлай олишига шубҳа туғилишига; е) пенитенциар жиноятни башоратлаш ҳамда превенциявий дастур ва методикаларни ишлаб чиқиш имкониятининг чекланишига олиб келади.

Ҳозир амалдаги пенитенциар тизимимиз собиқ шўролар давридан мерос бўлиб қолган ва унда юзага келаётган муаммолар МДҲга аъзо давлатлар учун умумий ва долзарб бўлган муаммолар бўлгани учун уларни ажратиб кўрсатган С.А. Хохринга ҳамфикрдирмиз, булар:

қўриқланаётган объектларнинг инженер-техник воситалар билан султ жиҳозланиши ёхуд ўз вақтида такомиллашмаганлиги хизматни олиб боришнинг илғор усулларига ўтишни мураккаблаштираётганлиги;

маҳкумлар изоляциясини таъминлаш асосий омил бўлган қўриқлов ва назоратнинг инженер-техник воситалари ҳолати сифатининг ёмонлашувидир [28]. Юқорида келтириб ўтганимиздек мазкур муаммоларни бартараф этиш учун давлатнинг иқтисодий асослари мустаҳкам ривожланган бўлиши даркор.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, пенитенциар жиноятлар профилактикаси - бу озодликдан маҳрум қилиш жойларида содир этиладиган жиноятлар профилактикасини амалга ошириш ва ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг криминологик методлари ва ҳуқуқий воситалари мажмуи ҳисобланади. Озодликдан маҳрум қилиш жойларида мавжуд ушбу объектив камчиликларини юмшатиш ва бартараф этиш пенитенциар профилактиканинг асосий вазифасидир.

Пенитенциар жиноятчилик профилактикаси нафақат амалиёт шакли сифатида, балки илмий билимлар концептуал тизими, озодликдан маҳрум этиш жойларида ғайри-ижтимоий намоён бўлишларнинг олдини олишга қаратилган амалий фаолият генезисада олинган билимлар, назария сифатида ҳам кўриб чиқилиши лозим.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, пенитенциар жиноятлар профилактикаси ва уларни олдини олиш турли хил чора-тадбирларни амалга оширишдан, маҳкумлар ҳуқуққа хилоф ҳаракатларининг сабаб ва шароитларини аниқлаш ва бартараф этишга қаратилган ҳамда ўзига хос хусусиятлардан иборат бўлган яхлит ижтимоий жараён бўлиб, озодликдан маҳрум этиш жойларида жиноятчиликка қарши янги методларни ишлаб чиқиш ва мавжудларини такомиллаштириш бўйича комплекс тадбирлардан иборат. Уларни ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий хусусиятларини, шунингдек умумий ва индивидуал шаклдаги профилактик чораларни ажратиб кўрсатиш мумкин, уларни тўғри қўллаш эса пенитенциар жиноятчи шахсига самарали таъсир кўрсатиш, озодликдан маҳрум қилиш жойларида жиноятчиликка қарши курашиш ва олдини олишга ёрдам беради.

### **Иқтибослар/Сноски/References**

1.Зубков А.И. Социально-правовые и организационные проблемы труда осужденных к лишению свободы. Рязань. 1980. С.87. (A.I. Zubkov. Socio-legal and organizational problems of labor of prisoners sentenced to imprisonment. Ryazan. 1980.

Р.87)

2. Пулатов Ю.С., Ахмедова Г.У. Современные проблемы пенитенциарной преступности. Т., 2011., С.5. (Yu.S.Pulatov., G.U.Akhmedova. Modern problems of penal crime. T., 2011, P. 5)

3. Южанин В.Е., Горбань Д.В. Принцип прогрессивной системы отбывания наказания в виде лишения свободы // "LEXRUSSICA" 2017. №2. С. 123-134. (V.E. Yujanin, D.V. Gorban. The principle of a progressive system of serving a sentence of imprisonment. "LEXRUSSICA" 2017. №2. P. 123-134)

4. Потоцкий Н.К. О некоторых проблемах в деятельности уголовно-исполнительной системы Российской Федерации на современном этапе. (N.K. Pototskiy. About some problems in the activity of the penal system of the Russian Federation at the present stage).

5. 2017 йил 11 августдаги 3200-сон "Ички ишлар органларининг озодликдан махрум этиш билан боғлиқ бўлган жазоларни ижро этиш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги ва 2018 йил 7 ноябрдаги 4006-сон "Жиноят-ижроия қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" Президент Қарорлари. (Resolution the President of the Republic of Uzbekistan from 08/11/2017 "About measures to improve the activities of the bodies of the internal affairs in the sphere of execution of punishments related to detention of freedom" № 3200 and Resolution the President of the Republic of Uzbekistan from 11/07/2018 "About measures for the improvement of criminal executive legislation" № 4006)

6. Потоцкий Н.К. О некоторых проблемах в деятельности уголовно-исполнительной системы Российской Федерации на современном этапе. (N.K. Pototskiy. About some problems in the activity of the penal system of the Russian Federation at the present stage)

7. Барабанов Н.П., Кленов С.Н. Особенности безопасности информации в уголовной и уголовно-исполнительной системе. Рязань: Академия права и управления Минюста России, 2003. С.204. (N.P. Varabanov. S.N. Klenov. Information security features in the penal system. Ryazan: Academy of Law and Management of the Ministry of Justice of Russia, 2003. P.204)

8. Зубков А.И., Филимонов О.В. Актуальные проблемы российской уголовной политики // Проблемы укрепления законности и борьбы с преступностью на региональном уровне (наркотики и преступность). Уголовное право, криминология, уголовно-исполнительное право на рубеже XX-XXI веков: Матер. междунар. науч.-практ. конф. Ч. 2 / Под ред. Л.А. Соловьева. М.; Смоленск, 2003. С. 12-20. (A.I. Zubkov, O.V. Filimonov. Actual problems of the Russian criminal policy // Problems of strengthening the rule of law and the fight against crime at the regional level (drugs and crime). Criminal law, criminology, penal law at the turn of the XX - XXI centuries: Mater. Int. scientific-practical conf. Part 2 / Ed. L.A. Solovyov. M.; Smolensk, 2003. P. 12-20)

9. Рыбак М.С. Ресоциализация осуждённых к лишению свободы: проблемы теории и практики. Саратов, СГАП. 2004. С. 53-56. (Ribak M.S. Resocialization of prisoners: problems of the theory of practice. Saratov, SGAP. 2004. P. 53-56)

10. Бабаян С.Л. Современное состояние и перспективы развития поощрительных институтов уголовно-исполнительного права // Уголовно-исполнительная система: право, экономика, управление. 2013. №3. С. 5-8. (S.L. Babayan. The current state and development prospects of incentive institutions of criminal executive law // Criminal Executive System: Law, Economics, and Management. 2013. №3. P. 5-8)

11. Ганина Н.И. Реализация принципов уголовно-исполнительного

законодательства при исполнении наказания в виде лишения свободы // Молодой ученый. 2017. №45 (179). С.101-104. (N.I.Ganina. The implementation of the principles of criminal executive law in the execution of sentences of imprisonment // Young scientist. 2017. №45 (179). P.101-104)

12. Тепляшин П.В. Эффективность пенитенциарной системы: корреляция факторов, уровни. Оптимизация исполнения наказания в виде лишения свободы. // Юридическая наука и правоохранительная практика // №4 (38), 2016, С.92-105. (P.V. Teplyashin. Penitentiary system efficiency: correlation of factors, levels. Optimization of the execution of sentences of imprisonment. // Jurisprudence and law enforcement practice // №4 (38), 2016, P.92-105)

13. Чириков А.Г., Ивашко Н.Н. Эффективность педагогической деятельности начальников отрядов исправительных учреждений // Вестник Кузбасского института. 2016. № 2 (27). С. 184-189. (A. G. Chirikov, N.N. Ivashko. The effectiveness of the pedagogical activity of the heads of detachments of correctional institutions // Bulletin of the Kuzbass Institute. 2016. № (27). P. 184-189)

14. Водополов А.И. Критерии эффективности принимаемых управленческих решений в уголовно-исполнительной системе // Человек: преступление и наказание. 2014. № 4. С. 91-96. (A.I. Vodopolov. Criteria for the effectiveness of managerial decisions in the criminal executive system // Man: crime and punishment. 2014. № 4. P. 91-96)

15. Скрыль С.В., Исаев О.В. Оценка эффективности охранных функций объектов уголовно-исполнительной системы // Автоматизированные информационные и электроэнергетические системы: материалы II межвуз. науч.-практ. конф. Краснодар, 2012. С. 280-285. (S.V. Skryl, O.V. Isaev. Evaluation of the effectiveness of security functions of objects of the penitentiary system // automated information and electric power systems: materials of the II inter-university. Scientific-practical conf. Krasnodar, 2012. P. 280-285)

16. Белик В.Н. К вопросу об эффективности общественного контроля в исправительных учреждениях уголовно-исполнительной системы // Законы России: опыт, анализ, практика. 2012. №5. С. 95-97. (V.N. Belik. To the question of the effectiveness of public control in correctional institutions of the penal system // Laws of Russia: experience, analysis, practice. 2012. №5. P. 95-97)

17. Антонян Е.А. Повышение экономической эффективности привлечения осужденных к труду в условиях исправительного учреждения // Вестник Московского государственного областного университета. Сер.: Юриспруденция. 2015. №2. С. 80-86. (E.A. Antonyan. Improving the economic efficiency of attracting convicts to labor under conditions of a correctional institution // Bulletin of Moscow State Regional University. Ser.: Jurisprudence. 2015. №2. P. 80-86)

18. Казак И.Б. Система факторов, оказывающих влияние на эффективность деятельности по обеспечению правопорядка в пенитенциарных учреждениях // Уголовно-исполнительное право. 2014. №2. С. 58-64. (I.B. Cozack. The system of factors affecting the effectiveness of law enforcement in penitentiary institutions // Criminal Executive Law. 2014. №2. P. 58-64)

19. Заборовский В.А. Криминологическая характеристика и предупреждение пенитенциарной преступности // Дисс. на соискание учен. степ. канд. юрид. наук. С.Петербург., 2005., С.166. (V.A. Zaborovsky. Criminological characteristics and prevention of penal crime. // Diss. For the academic degree of Candidate of Law. S. Petersburg., 2005, P. 166)

20. Улендеева Н.И., Герасимов К.И. Проблемы нормативно-правового обеспечения информационно-аналитической работы в пенитенциарной системе. /

/ Baltic Humanitarian Journal. 2018. Т. 7. № 4 (25). С.379. (N.I. Ulendeeva, K.I. Gerasimov. Problems of legal support of information and analytical work in the penitentiary system. 2018. Т. 7. № 4 (25). P.379)

21. Коломийченко Е.В. Прогнозирование преступности осужденных в местах лишения свободы. // Дисс. на соиск. уч. степ. канд. юрид. наук // М., 2000. С.91. (E.V. Kolomyiychenko. Forecasting the crime of convicts in prison. // Diss. In the degree of Candidate of Law, Candidate of Legal Sciences // М., 2000. P. 91)

22. Антипов А.Н. Религия и экстремизм: вопросы обеспечения безопасности: Сборник материалов.- М.: ФКУ НИИИТ ФСИН России, 2017. С.255 (A.N. Antipov. Religion and Extremism: Security Issues: A Compendium of Materials. - М.: PKU NIIT FSIN of Russia, 2017. P.255)

23. Шиков А.А. Отдельные вопросы противодействия оперативных подразделений уголовно-исполнительной системы религиозным экстремистским организациям // Вестник ННГУ. 2016. №2. URL: <http://cyberleninka.ru/article/n/> (A.A. Shikov. Some issues of counteracting the operational units of the penitentiary system to religious extremist organizations // Vestnik NNGU)

24. Громов В.Г., Минкина Н.И. Принципы медиации в исправительных учреждениях // Алтайский юридический вестник, 2016. №2 (14). С. 94-97. (Gromov V.G., Minkina N.I. The principles of mediation in correctional institutions // Altai Legal Bulletin, 2016. №2 (14). P. 94-97)

25. Бобылев О.В. Электронный мониторинг в уголовно-исполнительной системе: Монография. М., 2010. С. 8 - 9. (O.V. Bobylev. Electronic monitoring in the penal system: Monograph. М., 2010. P. 8-9.)

26. Казак Б.Б., Борисенко И.В. Использование электронного мониторинга при контроле за осужденными без изоляции от общества. (B.B. Cozack, I.V. Borisenko. The use of electronic monitoring in monitoring prisoners without isolation from society)

27. Уваров А.И. Латентность пенитенциарной преступности: понятие и виды / Гуманитарные, социально-экономические и общественные науки // С.132. (Uvarov A.I. Latency of penal crime: concept and types. / Humanitarian, socio-economic and social sciences // S.132)

28. Хохрин С.А. Некоторые аспекты профилактики пенитенциарной преступности // Пенитенциарная наука // 2015, Вестник института. С.58. (S.A. Hohrin. Some aspects of the prevention of penal crime // Penitentiary science // 2015, Bulletin of the Institute. P.58)

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

## ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ. КРИМИНАЛИСТИКА, ТЕЗКОР- ҚИДИРУВ ҲУҚУҚ ВА СУД ЭКСПЕРТИЗАСИ

**NE'MATOV Jasur,**

Professor of "Economy of labor and management" department Plekhanov  
Russian University of Economics in Tashkent, Doctor of Law Sciences, Professor  
E-mail: [nematov\\_jasur@mail.ru](mailto:nematov_jasur@mail.ru)

**SIDIKOVA Feruza,**

Dean of Digital Economy and Finance Faculty Plekhanov  
Russian University of Economics in Tashkent  
E-mail: [feruzik2003@yandex.ru](mailto:feruzik2003@yandex.ru)

### PURPOSE AND FEATURES OF METHODOLOGY FOR INTERROGATION IN CRIMINAL PROCEEDINGS

**For citation** (иқтибос келтириш учун, для цитирования): NE'MATOV J.,  
SIDIKOVA F. PURPOSE AND FEATURES OF METHODOLOGY FOR  
INTERROGATION IN CRIMINAL PROCEEDINGS // Юрист ахборотномаси -  
Вестник юриста - Lawyer herald. № 1 (2020), P.95-103.



№1 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2020-1-11>

#### ANNOTATION

In this article there discussed procedural and tactical foundations of interrogation of criminal proceedings participants by judge according to the Laws of the Republic of Uzbekistan. In particular, there determined purpose and grounds for attracting a person to participate in criminal proceedings, specifics of using tactical techniques during interrogation, influence of professional and psychological qualities of a judge on formulation and statement of question, and requirements for processing the results of interrogation. The author's methodology for preparation and conduct of interrogation, as well as correct legal assessment of established circumstances are disclosed.

**Key words and expressions:** criminal proceedings, Code of Criminal Procedure, trial participants, interrogation, protocol, defendant, victim, expert, witness, evidence, establishing the truth in a case.

**НЕЪМАТОВ Жасур Аминжонович,**

Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университетининг Тошкент  
шаҳридаги филиали "Меҳнат иқтисодиёти ва бошқарув" кафедраси  
профессори, Юридик фанлар доктори, профессор,

E-mail: nematov\_jasur@mail.ru

**СИДИКОВА Феруза Хайруллаевна,**

Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университетининг Тошкент шаҳридаги филиали "Рақамли иқтисодиёт ва молия" факультети декани

E-mail: feruzik2003@yandex.ru

## **ЖИНОЙ ИШЛАР БЎЙИЧА СУД ЖАРАЁНИДА СЎРОҚ ҚИЛИШ УСЛУБИЯТИНИНГ МАҚСАДИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ**

### **АННОТАЦИЯ**

Ушбу мақолада Ўзбекистон қонунчилигига мувофиқ жиноий ишлар бўйича суд жараёнида иштирокчиларнинг судья томонидан сўроқ қилишнинг процессуал ва тактик асослари кўриб чиқилган. Хусусан, жиноий ишлар бўйича суд жараёнига шахсни жалб қилиш мақсади ва асоси, сўроқ вақти тактик усулларни қўллашнинг аҳамияти, судьянинг саволларни шаклантиришда ва тартиб бўйича қўйишда профессионал ва психологик фазилатлари таъсири, сўроқ натижаларини расмийлаштириш талаблари белгиланган. Сўроққа тайёрланиш ва ўтказишда ҳамда аниқланадиган ҳолатларга тўғри ҳуқуқий баҳо беришни муаллиф услубиёти ёритилган.

**Калит сўз ва иборалар:** жиноий ишлар бўйича суд жараёни, жиноят процессуал кодекс, процесс иштирокчилари, сўроқ, баённома, судланувчи, жабрланувчи, эксперт, гувоҳ, далил, иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш.

**НЕЪМАТОВ Жасур Аминжонович,**

Профессор кафедры "Экономика труда и управления" Филиала РЭУ им.

Г.В.Плеханова в г. Ташкенте, доктор юридических наук, профессор

E-mail: nematov\_jasur@mail.ru

**СИДИКОВА Феруза Хайруллаевна**

Декан факультета Цифровой экономики и финансов

Филиала РЭУ им. Г.В.Плеханова в г. Ташкенте

E-mail: feruzik2003@yandex.ru

## **ЦЕЛЬ И ОСОБЕННОСТИ МЕТОДОЛОГИИ ПРОВЕДЕНИЯ ДОПРОСА В УГОЛОВНОМ СУДОПРОИЗВОДСТВЕ**

### **АННОТАЦИЯ**

В настоящей статье рассматриваются процессуальные и основы тактики проведения допроса судьёй участников уголовного судопроизводства по законодательству Республики Узбекистан. В частности, определены цель и основания привлечения лица к участию в уголовном судопроизводстве, особенность применения тактических приемов в ходе допроса, влияние профессиональных и психологических качеств судьи на формулирование и постановку вопросов, требования к оформлению результатов допроса. Раскрыта авторская методология подготовки и проведения допроса, а также правильная правовая оценка устанавливаемых обстоятельств.

**Ключевые слова и выражения:** уголовное судопроизводство, уголовно-процессуальный кодекс, участники процесса, допрос, протокол, подсудимый, потерпевший, эксперт, свидетель, доказательство, установление истины по делу.

The Constitution of the Republic of Uzbekistan contains norms that form separate

institutions of law regulating fundamental rights, freedoms and duties of a person and citizen [1]. In relation to the legal status of an individual in criminal court proceedings, all citizens, entering into criminal procedural relations, on the basis of constitutional status, have the same rights and freedoms and are equal before the law without distinction of gender, race, nationality, language, religion, social origin, beliefs, personal and social status [2]. The equality of citizens before the law and the court in the administration of criminal justice is similarly reflected in Article 16 of the Code of Criminal Procedure of the Republic of Uzbekistan [3]. Therefore, the implementation of the requirements of the Constitution and the Code of Criminal Procedure of the Republic of Uzbekistan regarding the observance of human and civil rights and freedoms in criminal process is a guarantee of ensuring the rights and legitimate interests of the individual, which for some reason or other is involved in the sphere of criminal procedure relations. The specificity of criminal proceedings is in the fact that court activity established by law and brought into the form of legal relations, content of which is consideration and resolution of criminal cases. Accordingly, as it follows from procedural legislation, the legal status of an individual in criminal court proceedings is characterized by the fact that it arises in view of obligation of prosecutor, investigator and inquiry officer, within its competence and gives the person one or other criminal procedural status, if they detect signs of crimes and need to take all measures prescribed by law to establish the events of crime, perpetrators of crime for their subsequent punishment [4]. This implies that the person is involved in criminal proceedings by gaining publicity at the stages of inquiry and preliminary investigation, therefore, determining the status of trial subject does not largely depend on court. Along with this, for each trial participant the procedure for attracting in criminal proceedings is determined by place and role, occurrence of event related to crime and occurrence of criminal offenses.

Article 18 of the Code of Criminal Procedure of the Republic of Uzbekistan stipulates that all state bodies and officials who are responsible for criminal proceedings have to protect the rights and freedoms of citizens participating in criminal process. These include judges whose actions in the event of deviation from the requirements of procedural law, entail prosecution depending on nature and degree of public danger of committed act. Besides, damage caused to a person as a result of violation of his rights and freedoms in the proceedings is subject to compensation [5]. A citizen cannot enter into criminal procedural relations on his own initiative based on given provisions of legislation. Consequently, such initiative is given to officials who are responsible for criminal proceedings. In this case, the entry into criminal procedural relations of people who have independent and represented legal interest is carried out through procedure provided by the Code of Criminal Procedure to attract one or another participant in criminal proceedings [6]. Namely, if a person committed a crime and it was subsequently established, an exhaustive list of reasons for restriction of rights which was given in Article 221 of the Code of Criminal Procedure of the Republic of Uzbekistan, then he is involved in criminal case as a suspect, then as an accused and has become a defendant [7]. Whereas the entry of victim, civil plaintiff, civil defendant, legal representative and representative into criminal procedural relations is mediate. In cases if these people are involved by court in the process than a determination is made [8]. At the same time, criminal procedural status of a person who is involved in legal proceedings as a witness is determined by calling this person to testify as a witness. According to Article 65 of the Code of Criminal Procedure, any person who may be aware of any circumstances to be established in criminal case may be called as a witness to testify. However, it should be noted that data provided by participants in the process cannot serve as evidence in case if they are obtained from unknown source or from a source that cannot be established in course of

The article provides the analysis the legal status of board of attorneys and advocacy firm as advocacy structures, the necessity of its precise definition was investigated both from a theoretical point of view and through the prism of legislation. The article contains the consideration of peculiarities of the legal status of board of attorneys and advocacy firm as advocacy structures, and specific proposals for improving legislation are given.

**Keywords and expressions:** advocacy, board of attorneys, advocacy firm, advocacy structure, legal status, board of attorneys, advocacy firm, legislation, attorney.

1996 йил 27 декабрда қабул қилинган "Адвокатура тўғрисида"ги Қонунда (кейинги ўринларда - Қонун) илк бор адвокатура фаолиятининг ташкилий ҳуқуқий шакли сифатида амалда фаолият кўрсатаётган адвокатлар ҳайъати билан бир қаторда адвокатлик фирмаси, адвокатлик бюросини ташкил этилиши белгилаб қўйилди.

Таъкидлаш жоизки, адвокатлик тузилмаларидан адвокатлар ҳайъати "энг қадимгиси" бўлиб, Қонун билан уларнинг монопол фаолиятига чек қўйилди. Юридик ёрдам кўрсатишда соғлом рақобатни вужудга келиши учун ҳуқуқий замин яратилди. Натижада ўша давргача фаолият кўрсатиб келган адвокатлар ҳайъатларининг аксарияти қайта ташкил этилиб, уларда фаолият кўрсатиб келган адвокатлар ўзлари адвокатлар ҳайъати, адвокатлик фирмаси ва адвокатлик бюрларини таъсис этиб, мустақил равишда фаолиятларини бошладилар. 1997 йил 1 июль ҳолатига кўра, мамлакатимизда 20 та адвокатлар ҳайъати, 42 та адвокатлик фирмаси ва 80 та адвокатлик бюрлари ташкил этилган бўлиб, уларда жами фаолият кўрсатган адвокатлар сони 2701 нафарга етган [1, Б. 7-9].

Шу боис, тадқиқотимизда адвокатлик тузилмаларининг ушбу шакллари ҳуқуқий мақомини тадқиқ этишни лозим деб топдик. Умуман олганда, адвокатлик тузилмаларининг бир-биридан фарқли жиҳатларининг баъзи масалалари олимлар томонидан таҳлил қилинган [2, Б.111-115], [3, Б.265-270], [4, Б.145-163], [5, Б.119-131], [6, Б.177-188]. Даставвал, уларнинг умумий ва ўхшаш жиҳатларини ёритишга ҳаракат қиламиз:

Биринчидан, адвокатлар ҳайъати адвокатлик тузилмасининг коллегиял шакли ҳисобланади. Шу жиҳати билан адвокатлик ҳайъати бошқа учта шакл - адвокатлик бюроси, фирмаси ва юридик маслаҳатхонадан фарқ қилади.

Иккинчидан, адвокатлар ҳайъати ва адвокатлик фирмасини камида 2 ва ундан ортиқ адвокат таъсис этади. Қонун мазмунидан шу нарса англашиладики, адвокатлик фирмаси учун камида 2 нафар адвокат, адвокатлар ҳайъати учун камида 10 нафар адвокат ушбу адвокатлик тузилмаларига аъзо бўлишлари лозим.

Учинчидан, устав ва таъсис шартномаси (ёки шериклик шартномаси) адвокатлар ҳайъати ва адвокатлик фирмасининг таъсис ҳужжатлари ҳисобланади. Қонунда адвокатлик фирмасининг таъсис ҳужжати этиб, унинг муассислари томонидан тасдиқланадиган устави белгиланган. Фикримизча, шериклик шартномаси ҳам унинг таъсис ҳужжати саналади. Бу борада О.В. Поспеловнинг таъкидлашича, шериклик шартномаси адвокатлар томонидан кўрсатиладиган юридик ёрдамни кўрсатиш жараёнини белгилайдиган ҳужжат [7, Б.113]. Худди шу фикрни бошқа олимлар ҳам билдиришган [8, Б.124]. Бошқа бир олимларнинг фикрига кўра, хусусан, В.И. Сергеев адвокатлик бюросининг (адвокатлик фирмаси Россия Федерациясида адвокатлик бюроси деб юритилади изоҳ муаллифники) таъсис ҳужжатларига устав ва шериклик шартномаси киришини айтади [9, Б.115-124; 147-170], [10, Б. 577-602, 603-614]. Ю.А.Костановнинг фикрига кўра эса, шериклик шартномаси адвокатлик фирмасининг ягона таъсис ҳужжати ҳисобланади [11, Б.198].

Фуқаролик кодексининг 43-моддасида шериклик шартномаси мазмун ва моҳиятан таъсис шартномасида назарда тутиладиган шартларни белгилайди. Хусусан, адвокатлик фирмасини таъсис этган адвокатлар оддий ёзма шаклда ўзаро шериклик шартномасини тузади, унга кўра адвокатлар - шериклар барча шериклар номидан юридик ёрдам кўрсатиш учун ўз саъй-ҳаракатларини бирлаштириш мажбуриятини олади. Шу боис, фикримизча, қонун чиқарувчининг позициясига қўшилган ҳолда адвокатлик фирмасининг таъсис ҳужжатига устав кирази.

Тўртинчидан, адвокатлик фирмасининг ёки адвокатлар ҳайъатининг жойлашган ери яшаш учун мўлжалланмаган жойда бўлади. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 11 октябрдаги ЎРҚ-497-сонли Қонуни асосида "Адвокатура тўғрисида"ги Қонуннинг 4-моддаси еттинчи қисмига адвокатлик бюроларини таъсис этган адвокатлар ўз фаолиятини мулк ҳуқуқи асосида ёки бошқа қонуний асосда ўзларига тегишли бўлган турар жойларда амалга ошириши мумкинлиги, бунда адвокатга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган турар жойларни адвокатлик бюроси фаолиятида фойдаланиш мақсадида яшаш учун мўлжалланмаган жойлар тоифасига ўтказиш талаб қилинмаслиги белгиланди.

Бешинчидан, адвокатлар ҳайъати ва адвокатлик фирмаси нотижорат ташкилот ҳисобланади. Уларни ташкил этишдан асосий мақсад фойда олиш эмас, балки аъзо адвокатлар ва шерик адвокатларга адвокатлик фаолиятини самарали ташкил этиш ҳисобланади.

Олтинчидан, адвокатлар ҳайъати ва адвокатлик фирмаси ўзларининг ваколатхона ва филиалларини ташкил этишлари мумкин. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 11 октябрдаги ЎРҚ-497-сонли Қонунига асосан "Адвокатура тўғрисида"ги Қонунининг 4-моддасига адвокатлик фирмаси ва адвокатлар ҳайъати Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳамда чет давлатларда ушбу давлатларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ ўзининг алоҳида бўлинмаларини (ваколатхоналари ва филиалларини) ташкил этишга ҳақли эканлиги, бунда адвокатлик фирмаси ва адвокатлар ҳайъати алоҳида бўлинмани очиш тўғрисидаги қарори ҳақида рўйхатдан ўтказувчи органни олдиндан хабардор қилиши ҳақидаги қўшимчалар киритилди.

Шунингдек, Қонуннинг 43-моддасида адвокатлар ҳайъати юридик ёрдам

кўрсатиш учун ўзи турган ердан ташқарида жойлашган филиаллар тузишга ҳақли эканлиги яна эътироф этилган.

Фикримизча, Қонуннинг 4-моддасида белгиланган норманинг ўзи филиал билан боғлиқ масалаларни аниқ ҳал этиб берган. Қонун чиқарувчи ушбу масалага нима учун яна бир бор тўхталганини тушуниш қийин. Шу боис, Қонуннинг 43-моддасида филиал билан боғлиқ нормаларни чиқариб ташлаш мақсадга мувофиқ.

Эттинчидан, адвокатлар ҳайъати ва адвокатлик фирмаси солиқ агентлари ҳисобланади. Хусусан, адвокатлар ҳайъати ва адвокатлик фирмаси адвокат томонидан юридик ёрдам кўрсатилганлиги учун олинган сумма билан адвокатлар ҳайъатларини, адвокатлик фирмаларини сақлаб туриш учун ўтказиладиган маблағлар суммаси ўртасидаги фарқ сифатида аниқлайди.

Саккизинчидан, адвокатлар ҳайъати адвокати таъсис шартномасидан ҳамда адвокатлик фирмаси адвокати шериклик шартномасидан чиққан тақдирда, ўзи иштирок этган даврда юзага келган умумий мажбуриятлар бўйича ишонч билдирувчи шахслар (ҳимоя остидаги шахслар) ва учинчи шахслар олдида жавобгар бўлади.

Бундай норма Қонуннинг адвокатлар ҳайъатига оид қисмида бевосита белгиланмаган. Бироқ, фикримизча, Қонуннинг 43-моддасини қуйидаги таҳрирдаги қисм билан тўлдириш таклиф этилади:

"Таъсис шартномасидан чиққан адвокат таъсис шартномасида ўзи иштирок этган даврда юзага келган умумий мажбуриятлар бўйича ишонч билдирувчи шахслар (ҳимоя остидаги шахслар) ва учинчи шахслар олдида жавобгар бўлади."

Тўққизинчидан, адвокатлар ҳайъати ва адвокатлик фирмаларини тугатиш уларнинг муассислари (шериклари, аъзолари) қарорига биноан амалга оширилади.

Энди эса, адвокатлик фирмасининг адвокатлар ҳайъатидан фарқли жиҳатларини таҳлил қиламиз.

Биринчидан, адвокатлик фирмаси адвокатлар-шериклардан ташкил топган. Қонуннинг 42-моддасига асосан шериклик шартномасига кўра адвокатлар-шериклар барча шериклар номидан юридик ёрдам кўрсатиш учун ўз саъй-ҳаракатларини бирлаштириш мажбуриятини олади.

Шериклик шартномасида бошқарувчи шерикни сайлаш тартиби ва унинг ваколатлари кўрсатилиши керак (Қонуннинг 42-моддаси тўртинчи қисми). Қонуннинг 42-моддаси бешинчи қисмида бошқарувчи шерикнинг асосий ваколати акс этилган: "Адвокатлик фирмасининг умумий ишларини юритиш, агар шериклик шартномасида бошқача қоида белгиланган бўлмаса, бошқарувчи шерик томонидан амалга оширилади." Айнан ушбу қоида фирманинг шериклари ва уларга ишонч билдирувчи шахслар (мижозлар) ўртасидаги муносабатларнинг ўзига хос хусусиятини белгилайди.

Иккинчидан, адвокатлик фирмаси юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги шартноманинг субъектлари таркиби. Адвокатлар ҳайъатидан фарқли ўлароқ, бир тарафи адвокатлик фирмаси бўлган юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги шартнома бўйича айнан бир адвокат эмас, балки фирманинг барча адвокатлар-шериклари ишонч билдирган шахснинг олдида жавобгар ҳисобланади. Қонуннинг 42-моддаси бешинчи қисмига биноан, ишонч билдирувчи шахс билан юридик ёрдам кўрсатиш ҳақидаги шартнома бошқарувчи шерик ёки барча шериклар номидан улар берган ишончномалар асосида бошқа шерик томонидан тузилади. Ишончномаларда ишонч билдирувчи шахслар ва учинчи шахслар билан битимлар ҳамда келишувлар тузаётган шерикнинг ваколатлари бўйича барча чекловлари кўрсатилади. Мазкур чекловлар ишонч билдирувчи шахслар ва учинчи шахслар эътиборига етказилади.

Учинчидан, адвокатлик фирмаси адвокатларининг ишонч билдирувчи шахслар олдидаги умумий (улушли ва/ёки солидар, ва/ёки субсидиар) жавобгарлигидир. Фирманинг адвокатлар-шериклари ҳайъатнинг адвокатлар- аъзоларидан фарқли ўлароқ, бошқарувчи шерик ёки бошқа шерик билан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги битим тузган барча ишонч билдирувчи шахслар олдида солидар жавобгар бўладилар. Фуқаролик кодексининг 252-моддасига асосан қарздорлар шерик бўлиб мажбурият олганида кредитор ҳамма қарздорлардан мажбуриятни солидар бажаришни ҳам, уларнинг ҳар биридан алоҳида-алоҳида бажаришни ҳам, шу билан бирга қарзни тўла ёки унинг бир қисмини бажаришни ҳам талаб қилишга ҳақли. Солидар қарздорларнинг биридан тўлиқ қаноатланмаган кредитор ололмаган нарчасини бошқа солидар қарздорлардан талаб қилиш ҳуқуқига эга. Солидар қарздорлар мажбурият тўла бажарилгунича бурчли бўлиб қолаверадилар.

Шу билан бирга, ушбу Қонуннинг 43-моддасида адвокатлар ҳайъати аъзоларининг жавобгарлиги белгиланмаган. Бироқ аъзолик хусусияти бу юридик шахснинг мажбуриятлари бўйича аъзоларнинг жавобгарликни келтириб чиқармайди. Шу муносабат билан, Қонуннинг 43-моддаси қуйидаги мазмундаги тўртинчи қисм билан тўдириш таклиф этилади: "Адвокатлар ҳайъати аъзолари ҳайъат мажбуриятлари бўйича, адвокатлар ҳайъати эса унинг аъзолари мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди".

Фирма адвокатлар-шерикларининг солидар жавобгарлиги Қонуннинг 42-моддаси еттинчи қисми билан императив тарзда ўрнатилган: "Шериклик шартномаси тугатилган пайтдан эътиборан унинг иштирокчилари ишонч билдирувчи шахсларга (ҳимоя остидаги шахсларга) ва учинчи шахсларга нисбатан ижро этилмаган умумий мажбуриятлар бўйича солидар тартибда жавобгар бўладилар".

Тўртинчидан, адвокатлик фирмасида шериклик шартномасининг амал қилиш муддати мавжуд бўлади. Фирмадан фарқли ўлароқ, адвокатлар ҳайъати умумий қоидага кўра, номуайян муддатга ташкил этилади. Қонуннинг 42-моддасига асосан, адвокатлар-шериклар фирманинг амал қилиш муддати тўғрисида келишиб олишлари лозим. Шериклик шартномаси тугатилганидан кейин адвокатлар янги шериклик шартномасини тузишлари шарт. Агар янги шериклик шартномаси аввалги шериклик шартномасининг амал қилиши тугатилган кундан эътиборан бир ой ичида тузилмаса, адвокатлик фирмаси адвокатлик тузилмасининг бошқа шаклига ўзгартирилиши ёки тугатилиши керак. (Қонуннинг 42-моддаси ўнинчи қисми).

Бешинчидан, адвокатлик фирмасида шериклик шартномаси бекор қилинган пайтдан бошлаб адвокатларга юридик ёрдам кўрсатиш шартномасини тузиш таъқиқланган. Ушбу мажбурий талаб Қонуннинг 42-моддаси ўн биринчи қисмида кўзда тутилган. Шу билан бирга, шуни ёдда тутиш керакки, шериклик шартномаси нафақат унинг амал қилиш муддати тугаганлиги сабабли, балки, агар шериклик шартномасида бошқа шериклар ўртасидаги муносабатларда ушбу шартноманинг кучда қолиши назарда тутилмаган бўлиб, шериклардан бири бўлган адвокатнинг мақоми тугатилганда ёки тўхтатиб турилганда ҳам ёки шериклардан бирининг илтимосига биноан шериклик шартномаси бекор қилинган тақдирда ҳам бекор бўлади.

Олтинчидан, адвокатлик фирмасининг шериклари томонидан манфаатлари бир-бирига зид бўлган шахсларга юридик ёрдам кўрсатишни таъқиқланган.



Мазкур қоида Қонунда белгиланмаган бўлсада, Адвокатнинг касб этика қоидаларининг 40-банди саккизинчи хатбошиси мазмунидан англашилади.

Хусусан, агар аниқ ҳолатлар натижасида турлича манфаатларга эга бўлган шахсларга юридик ёрдам кўрсатиш зарурияти, шунингдек манфаатлар зиддияти потенциал имконияти бўлса, шериклик шартномасига асосан биргаликда юридик ёрдам кўрсатаётган адвокатлар топшириқ ижросини давом эттириш учун барча зиддиятли муносабатлар тарафларидан ёзма розилигини олишлари ҳамда шу манфаатларни ҳуқуқий ҳимоя қилишининг тенг имкониятларини таъминлашлари шарт. Бироқ ушбу талабга амалиётда риоя этилиши даргумон. Чунки ушбу норма қонун даражасида белгиланмаган.

Қонуннинг 42-моддаси учинчи қисмигаасосан шериклик шартномасига кўра адвокатлар-шериклар барча шериклар номидан юридик ёрдам кўрсатиш учун ўз саъй-ҳаракатларини бирлаштириш мажбуриятини олади. Шу нуқта назардан, шериклик шартномасига асосланган адвокатлик фирмаси бир-бирига қарама-қарши тарафларга юридик ёрдам кўрсатиши мантиқан нотўғри. Бироқ қонунда бир адвокатлик фирмаси адвокатларига бир фуқаролик иши бўйича ҳам даъвогар, ҳам жавобгарнинг манфаатларини ҳимоя қилишига ёки бир жиноят иши бўйича ҳам айбланувчи, ҳам жабрланувчининг вакили сифатида иштирок этишига йўл қўйилиши масаласи қонунда белгиланмаган. Шу боис, Қонуннинг 42-моддасини қуйидаги мазмундаги қисм билан тўлдириш таклиф этилади: "Адвокатлик фирмаси бир иш бўйича қарама-қарши тарафларга юридик ёрдам кўрсатиши мумкин эмас."

Бир адвокатлар ҳайъати адвокатлари учун бундай чекловлар Қонунда назарда тутилмаганлиги адвокатлик тузилмасининг ушбу шакли учун хос хусусиятдир.

Еттинчидан, адвокатлик фирмасини тарк этган адвокатларнинг фаолиятига оидишлар Қонуннинг 42-моддаси саккизинчи қисмига асосан шериклардан бири шериклик шартномасидаги иштирокини бекор қилганида, Шериклардан бири шериклик шартномасидан чиққанда у ўзи юридик ёрдам кўрсатган барча ишлар бўйича иш юритишни бошқарувчи шерикка топшириши шарт.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, амалдаги қонунга мувофиқ, адвокатлар ҳайъатида аъзолик, адвокатлик фирмаларида шериклик муносабатларини назарда тутган деган хулосага келишимиз мумкин. Бунда аъзолик тенг мақомни англатса, шериклик муносабатларида ўзаро шартномавий тартиб-таомилни билдиради.

Шу билан бирга, адвокатлик фирмаси асосан адвокатларнинг жавобгарлик хусусиятлари, мажбуриятлари юзасидан асосан бизнес тузилмалари фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш, фуқаролик, иқтисодий суд ишларида вакилликни амалга оширишни назарда тутди, адвокатлар ҳайъати эса, асосан жиноий ва маъмурий суд ишларидаги иштироки нуқтаи назарда маъқулроқ деган хулосага келишимиз мумкин.

О.В. Поспеловнинг фикрича, жамоавий тарзда фуқароларга юридик ёрдам кўрсатишда адвокатлар учун адвокатлар ҳайъати афзал ҳисобланади, тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий таъминлашдаги адвокатлик фаолиятида эса, шерик адвокатларнинг умумий жавобгарлиги остида адвокатлик фирмаси муҳим ўрин тутди [12, Б.119]. Биз ҳам ушбу фикрга қўшилаемиз.

Тан олиб айтиш керакки, Қонун ўзига хос "ўтиш даври"даги масалаларни ҳал қилувчи ҳуқуқий ҳужжат бўлган, десак янглишмаймиз. Айни пайтда, бугунги кунда бозор муносабатларининг тараққий этиши, хусусий мулк ва инвестиция фаолиятининг долзарблигининг ошиши билан адвокатуранинг, хусусан адвокатлик тузилмаларининг ҳам олдига муайян маънода ўзгаришларни талаб этмоқда.

"Адвокатура тўғрисида"ги Қонуннинг 91-моддасига асосан адвокатлик фаолияти адвокат ва ишонч билдирувчи шахс (ҳимоя остидаги шахс) ўртасида тузиладиган юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги битим (шартнома) асосида амалга оширилади. Яъни бундай битимни (шартнома)нинг бир тарафида ишонч билдирувчи шахс-жисмоний ва юридик шахслар бўлса, иккинчи тарафида юридик адвокатлик тузилмалари эмас, балки адвокат бўлади. Демак, адвокатлик тузилмалари юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги битим (шартнома)ни тузиши таъқиқланади.

Юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги шартнома адвокатлик тузилмалар томонидан тузилиши кераклиги ҳақида фикрлар мавжуд. Уларнинг мулоҳазаларига кўра, бундай шартноманинг адвокатлик тузилмалари томонидан тузилиши иккинчи томон - тижорат ташкилотлари учун анча қулай ва ишончли бўлган бўлар эди [13, Б.16-17].

Хорижий мамлакатлар, хусусан, АҚШ, Германия, Англия, Франция тажрибаси таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, тадбиркорлик субъектларига юридик ёрдам (хизмат) адвокатлик тузилмалари номидан кўрсатилади. Уларда адвокатларни меҳнат шартномаси асосида ишга олиш амалиёти мавжуд.

Бироқ ушбу амалиётга қарши фикр билдирувчилар ҳам бор. Хусусан, уларнинг фикрича, ишонч билдирувчи шахс ва адвокатлик тузилмаси - юридик шахс ўртасида ишончли муносабатлар бўлиши мумкин эмас [14, Б.11]. Адвокатларни меҳнат шартномаси асосида ишга ёллаш адвокат мақоми ҳақидаги тасаввур, унинг нуфузини тушириб юборади. Г.М. Резник Франция Қироллик адвокати Этьен Паскъенинг куйидаги фикрларини қайд этади: "Адвокатуранинг нуфузини доимий равишда унинг обрўли касб эканлигини эслатиб туриш билан сақлаб туриш мумкин. Адвокатларни ўз "хизматларини сотадиган оддий мутахассислар" билан тенглаштириш ҳар қандай танқидга арзийди" [15, Б.25].

Тадқиқотимиз давомида 2019 йилнинг июнь-июль ойларида ўтказилган социологик сўровда қатнашган 1550 нафар адвокатларнинг "Агар зарур бўлса келажакда адвокатурани табиати қандай бўлиши лозим?" деган саволга респондентларнинг 43,4 фоиз (673 нафар адвокат) нотижорат шаклда, 4,7 фоиз (73 нафар адвокат) тижорат шаклида ҳамда 46,5 фоиз (720 нафар адвокат) аралаш шаклда бўлиши лозим деган фикрни билдиришган [16].

Фикримизча, мамлакатимизда бугунги кунда шаклланган амалиёт, адвокатуранинг нуфузини ошириш нуқтаи-назаридан адвокатларни меҳнат шартномаси асосида адвокатлик тузилмаларида ишга ёллаш тизимини йўлга қўйиш зарур деб ҳисоблаймиз. Шу боис, бугунги кунда мамлакатимизда адвокатларни у ёки бу адвокатлик тузилмасига меҳнат шартномаси асосида ҳам ишга қабул қилиш тизимини яратиш адвокатлик фаолияти, адвокатларни жамиятдаги обрў-эътиборига, юридик ёрдам кўрсатиш сифатининг ошишига мустаҳкам замин яратади.

### **Иқтибослар/Сноски/References**

1. Адвокат журналы, № 3. 2007 й. - Б. 7-9. (Advokat journal, №3, 2007. - p. 7-9)
2. Поспелов О.В. Формы адвокатских образований в России. - М.: Российская Академия адвокатуры, 2008. - 255 б. (Pospelov O.V. Forms of legal education in Russia. - M.: Russian Bar Academy, 2008. - 255 p.)
3. Кучерена А.Г. Роль адвокатуры в становлении гражданского общества в России.-360 б. (Kucherena A.G. The role of the advocacy in the development of civil society in Russia. - 360 p.)

4. Павлова Г.А. Статус адвокатуры в Российской Федерации на современном этапе ее развития. - 245 б. (Pavlova G.A. The status of the advocacy in the Russian Federation at the modern stage of its development. - 245 p.)

5. Хоменья А.В. Особенности формирования правового статуса адвокатуры в России. - 188 б. (Khomenuya A.V. Features of the formation of the legal status of the advocacy in Russia. - 188 p.)

6. Просвиркин А.Н. Организационные основы адвокатской деятельности и адвокатуры: сравнительно-правовой анализ исторического развития и формирования нормативно-правовой базы в России и зарубежных странах. - 231 б. (Prosvirkin A.N. Organizational foundations of advocacy: a comparative legal analysis of historical development and the formation of a regulatory framework in Russia and foreign countries. - 231 p.)

7. Поспелов О.В. Формы адвокатских образований в России. - М.: Российская Академия адвокатуры, 2008. - 255 б. (Pospelov O.V. Forms of activity of advocacy in Russia. - M.: Russian Bar Academy, 2008. - 255 p.)

8. Научно-практический комментарий к Федеральному закону "Об адвокатской деятельности и адвокатуре в Российской Федерации" / Под ред. Д.Н. Козака. - 240 б. (Scientific and practical commentary on the Federal Law "On advocacy and the Bar activity in the Russian Federation" / Edited by D.N. Kozak - 240 p.)

9. Сергеев В.И. Адвокат и адвокатура: Учеб. пособие для вузов. - 178 б. (Sergeev V.I. Lawyer and advocacy: Textbook for universities. - 178 p.)

10. Адвокатская деятельность: Учеб. практ. пособие / Под общ. ред. канд. юрид. наук В.Н. Буробина. - Изд. 2-е, перераб. и доп. - М.: ИКФ "ЭКМОС", 2003. - 623 б. (Advocacy: A training manual / Under the general editorship of a PhD in law V.N. Burobin. - 2nd edition, revised and enlarged - M.: IKF Ekmos, 2003. - 623 p.)

11. Комментарий к Федеральному закону "Об адвокатской деятельности и адвокатуре в Российской Федерации" (постатейный) / А.В. Гриненко, Ю.А. Костанов, С.А. Невский / Под ред. А.В. Гриненко. - М.: ООО "ТК Велби", 2003. - 549 б. (Commentary on the Federal Law "On Advocacy and the Bar in the Russian Federation" (itemized) / A.V. Grinenko, Yu.A. Kostanov, S.A. Nevsky / Edited by A.V. Grinenko. - M.: LLC "TK Velbi", 2003. - 549 p.)

12. Поспелов О.В. Формы адвокатских образований в России. - М.: Российская Академия адвокатуры, 2008. - 255 б. (Pospelov O.V. Forms of activity of advocacy in Russia. - M.: Russian Bar Academy, 2008. - 255 p.)

13. Буробин В. Коммерциализация адвокатуры - благо для ее развития // Российская юстиция. 2002. № 5. - Б. 16-17. (Burobin V. Commercialization of the bar - the benefit for its development // Russian justice. 2002. №5. - p. 16-17)

14. Крохмалюк А. Судьбоносные решения с негативным эффектом // ЮРИСТ. 2006. № 49. - Б. 11. (Krokhmalyuk A. Fateful decisions with a negative effect // YURIST e-journal. 2006. №. 49. - p. 11)

15. Резник Г.М. Адвокаты в Совете Федерации: продолжение диалога // Вестник Федеральной палаты адвокатов РФ. 2007. № 2. - Б. 25. (Reznik G.M. Lawyers in the Federation Council: continuation of dialogue // Bulletin of the Federal Chamber of Lawyers of the Russian Federation. 2007. № 2. - p. 25)

16. Давлятов В.Х. Адвокатура ва адвокатлик фаолияти буйича ўтказилган социологик тадқиқот натижалари таҳлили (ахборот-таҳлилий маълумот) // В.Х. Давлятов. - Т.: "Lesson press" нашрияти, 2020. Б. 20. (Davlyatov V.X. Analysis of the results of sociological research on advocacy (information - analytical information) // V. Davlyatov. - T.: "Lesson press", 2020)

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

## ҲУҚУҚИЙ АМАЛИЁТ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

**BAKHRAMOVA Mokhinur,**

Lecturer at Intellectual Property Department of Tashkent State University of Law  
E-mail: moot.arbitrations@tsul.uz

### ARBITRATION AND LITIGATION IN THE UAE: ADVANTAGES OF ARBITRATION IN COMPARISON TO LITIGATION

**For citation** (иқтибос келтириш учун, для цитирования): BAKHRAMOVA M. ARBITRATION AND LITIGATION IN THE UAE: ADVANTAGES OF ARBITRATION IN COMPARISON TO LITIGATION // Юрист ахборотномаси - Вестник юриста - Lawyer herald. № 1 (2020), P.134-139.



№1 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2020-1-16>

#### ANNOTATION

World economy and business are changing thanks to high growth economy in emerging markets and disagreements are settling by the international arbitration tribunals. The majority number of international company's of UAE: is signing legal contracts with the clause to solve the disputes by the arbitration. In this article, a thorough analyses to what extent is arbitration more advantageous than litigation will be evaluated in more details: First, principles and practices of litigation and arbitration; second, the governing litigation and arbitration by federal and Emirati courts, then, comprehensive account of the principles arbitration and litigation under the Dubai International Financial Centre (DIFC) and Abu Dhabi Global Market (ADGM) Laws; next, before we draw a conclusion, comparative analyses of arbitration and litigation will be done.

**Keywords and expressions:** Litigation, arbitration, UAE Constitution, Abu Dhabi Global Market (ADGM) Laws, Dubai International Financial Centre (DIFC) laws, Islamic Sharia, the governing litigation and arbitration by federal and Emirati courts, Onshore and Offshore zones, Civil Procedure Law, alternative dispute resolution, Arbitral Tribunal, enforcement.

## БАА ДА АРБИТРАЖ ВА СУД ТИЗИМИ: АРБИТРАЖНИНГ СУД МУҲОКАМАСИДАН УСТУНЛИГИ ЖИҲАТЛАРИ

**БАҲРАМОВА Моҳинур Баҳрамовна,**

Тошкент давлат юридик университети  
Интеллектуал мулк кафедраси ўқитувчиси

## АННОТАЦИЯ

Мақолада жаҳон иқтисодиёти ва бизнес ривожланаётган бозорлар юқори ўсиш иқтисодиётига ўтаётганлиги туфайли ўзгариб бориши оқибатида БААдаги халқаро йирик компаниялар томонидан низоларни халқаро арбитраж судларида кўриб чиқилиши масалалари ҳамда унинг фойдали томонлари ва афзалликлари кўриб чиқилган. Суд ва арбитраж принциплари ва амалиёти ҳамда федерал ва Амирлик судлари томонидан бошқариладиган суд ва арбитраж, шуниндек Дубай халқаро молия маркази (DIFC) ва Абу-Даби глобал маркет (ADGM) қонунларига биноан арбитраж ва суд ишлари тамойиллари таҳлил қилинади.

**Калит сўз ва иборалар:** Суд тизими, арбитраж, БАА Конституцияси, Дубай халқаро молия маркази (DIFC) ва Абу-Даби глобал маркет (ADGM) қонунлари, Исломи шариат, федерал ва Амирлик судлари томонидан бошқариладиган суд ва ҳакамлик, оншор ва оффшор зоналар, фуқаролик процессуал қонуни, низоларни альтернатив ҳал қилиш, арбитраж трибунали, ижро.

---

## АРБИТРАЖ И СУДЕБНАЯ СИСТЕМА В ОАЭ: АСПЕКТЫ ПРЕИМУЩЕСТВ АРБИТРАЖА ОТ СУДЕБНОГО РАЗБИРАТЕЛЬСТВА

**БАХРАМОВА Мохинур Бахрамовна,**

Преподаватель кафедры Интеллектуальная собственность  
Ташкентского государственного юридического университета,

E-mail: moot.arbitrations@tsul.uz

## АННОТАЦИЯ

Мировая экономика и бизнес меняются благодаря развитию экономической деятельности в формирующихся рынках, а споры разрешаются международными арбитражными судами. В статье анализируется оценка арбитража в отличие от судебного разбирательства: во-первых, принципов и практики судебного разбирательства и арбитража; во-вторых, рассмотрение судебных и арбитражных разбирательств федеральными и эмиратскими судами, а также комплексное изложение принципов арбитражного и судебного разбирательств в соответствии с законодательствами Дубайского международного финансового центра (DIFC) и Абу-Дабийского глобального маркета (ADGM).

**Ключевые слова и выражения:** судебный процесс, арбитраж, Конституция ОАЭ, законы Абу-Даби глобал маркет (ADGM), законы Международного финансового центра Дубая (DIFC), исламский шариат, регулирующие судебные и арбитражные разбирательства в федеральных и эмиратских судах, оншорные и оффшорные зоны, гражданский процесс, альтернативное разрешение споров, Арбитражный суд, правоприменение.

---

## INTRODUCTION

Today, because of developing commerce and trade there are occurring various types of disputes between companies. The arbitration became strong and widely used as a tool for conflict resolution. It is difficult to say the exact percentage of international disputes but some commentators have suggested more than 90 percent of disputes are governing by arbitration clauses.

Sharp globalization and enhancement of business effected on drafting different international contracts, which settled by arbitration law. In turn, the existence and

effectiveness of international arbitration are targeted at facilitating cross-border trade and investment.

#### SYSTEM OF LITIGATION WITHIN FREE ZONE AREAS AND THE DEGREE OF INTERACTION WITH, AND GOVERNANCE BY, FEDERAL AND EMIRATI COURTS

Litigation is the action of putting the dispute before a court or tribunal, which is regulated by the Civil Procedure Law of the country. The UAE's legal system is a civil law system. The primary source of law in the UAE is the UAE Constitution. The Constitution of the UAE ensures that an official religion of the country is Islam and the Islamic Sharia is the main source of legislation.

When a person has a dispute with someone and it not cannot solved by themselves they could go to the court and start a lawsuit. The started process is called litigation where all the issues will be solved according to the Federal laws. After beginning the lawsuit, the parties will get legal names as a plaintiff and a defendant. The claimant may summon the civil suit to the civil plaintiff and make a suit against the defendant by presenting a copy of the appeal and complaint. Notice shall be served upon a party's request or a court order by the process server or in any other way prescribed by the Law. The Court may authorize the plaintiff or his attorney to serve the notice. According to the article 4, the UAE Civil Procedure Law, the language of courts is Arabic, all proceedings in the UAE's courts, whether federal or not, are conducted in Arabic. Pleadings are made in Arabic and evidences are submitted in Arabic. If an original document exists in another language, a translation into Arabic of that document, made by a Ministry of Justice translator must be provided. The complaint must indicate the injuries suffered by the defendant and request money damages or equitable relief. The notification paper shall include all the required information according to the Article 7, UAE Civil Procedure Law.

As a federation, the United Arab Emirates is governed by a constitution that regulates, among other things, the issuing of legislative powers among the federation (country capital is Abu Dhabi) and the individual emirates. Under the UAE Constitution, federal laws have the advantage over individual laws. However, "emirates are permitted to enact private laws. Individual emirates can also legislate on matters where the federation has not yet implemented its legitimate powers. Federal laws, with exception of property law, generally govern civil and commercial transactions [1, P.56].

"United Arab Emirates" legal system is based on civil law principles and the Islamic Sharia law. Such as:

- The Constitution;
- Federal laws and regulations;
- Emirate laws and regulations;
- Islamic Sharia;

The Dubai International Financial Centre (DIFC) and the London Court of International Arbitration (LCIA).

There are many Financial Free zones in United Arab Emirates, but the majority numbers of zones are situated in Dubai. The most popular Free zones are:

- DIFC - Dubai International Financial Centre;
- JAFZ - Jebel Ali Free Zone;
- DMCC - Dubai Multi Commodities Centre;
- DAFZ - Dubai Airport Free Zone;
- DCC - Dubai Creative Clusters, otherwise known as TECOM and which includes Dubai Internet City, Dubai Media City;
- KIZAD - Khalifa Industrial Zone Abu Dhabi;

Masdar City;

Within most of the free zones, we typically see two main types of free zone limited liability companies:

Free Zone Establishment;

Free Zone Company [2, P. 66-67].

The FRZ (free zone) established in the Emirate shall have a sovereign lawful personality and enjoy full legal capacity and financial and administrative independence. It shall be affiliated with the Government and called Abu Dhabi Global Market [3, P.78]. The goals of the Global Market is the promotion of the Emirates as a global financial center, develop the Emirates economy, and to create an attractive environment for financial investments and contribution to the international financial services industry.

UAE "onshore" courts: Court of First Instance; Court of Appeal; Court of Cassation.

Dubai International Financial Centre (DIFC) courts: Court of First Instance; Court of Appeal.

Abu Dhabi Global Market (ADGM) courts: Court of First Instance; Court of Appeal.

Arbitration;

Courts of another jurisdiction.

Different laws and rules were adopted to solve the international and domestic arbitration disputes such as AAA Commercial Arbitration Rules (01.01.1991), International Arbitration Rules (01.03.1991), ICC Rules of Conciliation and Arbitration (01.01.1988), Rules of London Court of International Arbitration(01.01.1985), UNCITRAL Arbitration Rules, U.S. Arbitration Act, U.K. Arbitration Acts 1950, 1975, 1979 (28.07.1950), UNCITRAL Model Law on International Arbitration (21.06.1985), UN Convention on the Recognition and Enforcement of Foreign Arbitral Awards (10.06.1958), Inter-American Convention on International Commercial Arbitration (30.01.1975) and others.

"The arbitration really has a long history. As it has been determined, there are examples in Romans and even before". It is known from the past of arbitration, that The United States and the United Kingdom pioneered arbitration to resolve disputes. President William Howard Taft was a great defender. The USA in 1911 signed arbitration conventions with France and Britain.

If the business parties have a dispute with each other and they could go to the UAE "onshore" courts, the disputes will be solved by the Civil law and the judges do not decide the dispute according to the previous dispute (like in a common law system, the law is not binding). In addition, parties could go to the Dubai International Financial Centre (DIFC) courts where all the proceedings will be followed by The Dubai International Financial Centre Court Law [4, P.28]. The Dubai International Financial Centre courts were formed in 2004 and have jurisdiction over various civil and commercial matters. The courts set up in the Dubai International Financial Centre according to the Judicial Authority Law, that is the Court of First Instance and the Court of Appeal, should be recognized as a Dubai International Financial Centre court.

Before process starts parties should draft text of the Rules of Court and they should obey the rules by the end of the trial process. The Dubai International Financial Centre Court has the authority to make decisions and provide with guidelines as to the control of any proceedings in front of the Dubai International Financial Centre Court that it realize suitable.

The Dubai International Financial Centre (DIFC) Courts could provide the attendance of witnesses and production of any documents, which are needed to solve the dispute. The evidences could be in oral, video link, telephone and affidavit forms. After the hearings are finished, the judges deliver the judgment and the judgments shall be written

down and published to the public.

Subject matter to another the Dubai International Financial Centre (DIFC) Law, "a proceeding should not be started more than 6 years after the date of the incidents that show increase to the judicial proceedings" [5, P.1].

If a party or the both parties are, disagree with the decision they could appeal the Dubai International Financial Centre (DIFC) Court statement according to Article 52 of the Dubai International Financial Centre (DIFC) Law.

According to the Abu Dhabi Global Market (ADGM) Law, "the Global Market Courts shall be of two degrees, first instance courts (formed of a single judge) and courts of appeal (formed of three judges). The Global Market's Courts shall have a Chief Justice appointed by a Board of Directors resolution which shall become effective upon the expiry of 15 days of notifying the Chairman of the Judicial Department of such resolution and receiving no objections thereto. The remuneration of the Chief Justice shall also be determined in this resolution. The judges of the Global Market Courts shall be nominated by resolutions which were released by the Board of Directors based on the proposal of the Chief Justice of the Global Market Courts. The management of the Global Market's Courts, and the procedures for the litigation and judgments and all forms of dispute resolution procedures shall be controlled by a regulation, which was issued by the Board of Directors. The Dubai International Financial Centre (DIFC) Court, on proposition by the parties to a judicial proceeding in front of the Dubai International Financial Centre court (DIFC), may remind any situation relating to the proceedings to an arbitrator.

#### COMPARATIVE ANALYSES OF ARBITRATION AND LITIGATION

The parties will often strive to settle arguments through arbitration tribunals because of its perceived potential priorities over litigation:

Unlike to judicial proceedings, where parties "choose the judge", arbitration authorizes the parties to select the trial. No one shall be prevented by cause of his citizenship from acting as an arbitrator, unless otherwise harmonized by the parties. The parties are independent to comply on a discipline for nominating the arbitrator or arbitrators.

Arbitration is often faster process than in a full-scale litigation in court. The arbitrator shall start as soon as possible to regulate the proofs of the incident by all proper methods. "Subsequently explore of the written submissions of the parties and of all papers believed upon, the arbitrator shall listen the parties jointly; and failing such a demand he may of his own sign conclude to hear the claimant and defendant. Time limit must be established within two months from the conferment of the document case to the tribunal.

Arbitral proceedings and an arbitral award are usually nonpublic, and can be made strictly confidential. Confidentiality is ensured in some established principles, and can be broadening (to recover witnesses and experts) by the parties' agreement to demand parties to be limited by a confidentiality agreement.

The enforcement of an arbitration award is generally easier than a federal court decision because of the provisions of the New York Convention 1958. The Convention is realized to have a pro-enforcement, and the majority number of courts will interpret permissible proofs are very narrow for non-enforcement, advanced to the enforcement of the numerous of awards. According to the New York Convention, article 3 requires countries to recognize arbitral awards as binding and to enforce them in accordance with national law, consistent with the provisions of the Convention.

In the number of legal systems have restricted avenues for appeal of an arbitral judgment and it evaluates as a priority since it limits period of the disagreement and related liabilities. The award of the arbitrators may not be contested by any manner of appeal the judgment approving the arbitrators award may be contested in any of the



appropriate manners of appeal notwithstanding the preceding paragraph, the award shall not be appealed if the arbitrators were authorized to reconcile the dispute or if the parties have expressly waived their rights to file an appeal or if the disputed amount was not in excess of AED 20 00. In contrast to arbitration, in litigation according to articles 158 and 159, the parties may appeal against the judgment of the first instance courts before the higher court of appeal. In addition, the time for appeal shall be thirty days, the unless otherwise provided by law as well as it shall be 10 days in summary cases.

#### CONCLUSION

As we mentioned there are many advantages for resolving the disputes by arbitration rules, such as the process is faster than the civil proceedings, parties could choose the judge or a suitable language for claimant and respondent. In addition, arbitral proceedings and an arbitral decision are nonpublic and can be made in secret. In particular, the New York Convention provides the enforcement process and it leads to enforce the vast majority of awards. In contrast to litigation, arbitration has limited avenues for appeal and it is evaluated as a benefit for the parties, because the time for any further disputes and related liabilities will be restricted.

#### Иқтибослар/Сноски/References

1. Doing business in the UAE // Available at: <https://www.lw.com/thoughtLeadership/LW-Doing-Business-in-the-UAE-3rd-Edition>.
2. Doing Business in the UAE A tax and legal guide // Available at: <https://www.pwc.de/internationale-maerkte/assets/doing-business-in-uae-2017.pdf>.
3. Article 2 of the Law № (4) of 2013 Concerning Abu Dhabi Global Market (ADGM) // Available at: <https://www.adgm.com/legal-framework/rules-and-regulations>.
4. The DIFC Law regulations // Available at: <https://www.difc.ae/business/laws-regulations/legal-database/>.
5. "Need for speed: Summary Proceedings under UAE Law". // Available at: <https://www.stalawfirm.com/en/blogs/view/need-for-speed-summary-proceedings-under-uae-law.html>.
6. Margaret L. Moses (2012), The Principles and Practice of International Commercial Arbitration, Cambridge University Press. P 3.

**ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ**

1 СОН, 1 ЖИЛД

**ВЕСТНИК ЮРИСТА**

НОМЕР 1, ВЫПУСК 1

**LAWYER HERALD**

VOLUME 1, ISSUE 1

**TOSHKENT-2020**